

**ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ НОМИДАГИ БУХОРО
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЧИЛ СИРОЖОВ

Бухоро фидойилари

(Улуғ Ватан уруши йилларида Бухоро)

«Бухоро»

ДИЛШОД ҚИЛИЧНИНГ «Турондот» корхонаси.

Ушбу китоб немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган буюк ғалабанинг 50 йиллигига бағишланади.

Масъул муҳаррир — тарих фанлари доктори, профессор
Ф. Ҳ. Қосимов

Тақризчилар: тарих фанлари номзоди, доцент **А. Ф. Гафуров**, тарих фанлари номзоди, доцент **С. Б. Бадриддинов**, тарих фанлари номзоди, доцент **Й. Ҳ. Ҳайдаров**.

Сирожов, Очил.

Бухоро фидойлари: (Улуғ Ватан уруши йилларида Бухоро) / (Масъул муҳаррир: **Ф. Ҳ. Қосимов**). Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1995.—112 б.

Қўлингиздаги китоб фашизм устидан қозонилган буюк ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган. Китобда 1941—1945 йилларда фронт ва фронт орқасида фидокорона меҳнат қилиб, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган бухоролик мард жангчилар ҳамда Бухоро вилояти меҳнаткашларининг уруш давридаги жасорати ишончли далилларга таянилган ҳолда ҳаққоний тасвирланган.

Китобни ўқиган ҳар бир китобхон қалбида урушга қарши нафрат, Ватанга садоқат туйғулари янада мавж уради деб умид қиламиз. Зотан, жасоратга чорлаш, Ватанни севиш, халққа фидойи фарзанд бўлишга чорлаш — ушбу китобнинг асосий мавзусидир.

ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган туб ўзгаришлар, тарихий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтиришга, ўтмиш тарихимизни янгича тарихий тафаккур асосида чуқур таҳлил этишга дават этмоқда. Айниқса, немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган буюк ғалабага ўзбек халқининг, жумладан, бухороликларнинг қўшган ҳиссасини янгича тарихий қарашлар асосида ўрганиш бугунга келиб зарурий эҳтиёжга айланиб қолди. Негаки, мустақил республикамызда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳамда уларнинг ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатга руҳлантиришга, Ватан ҳимоясига ҳамиша шай туришга даъват этишга мазкур мавзунинг таъсири беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикасининг президенти И. А. КАРИМОВнинг «1941—1945 йиллардаги урушда қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги 1994 йил 16 мартда қабул қилган фармони ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шуни очиқ айтиш керакки, шу пайтгача Улуғ Ватан уруши тарихи, яъни бу қиргин-барот урушда эширилган буюк ғалабага ўзбек халқининг қўшган ҳиссаси, ўзбек халқи ўтмиш тарихининг кўпгина қирралари сингари бир ёқлама ёритилиб келинди.

Коммунистик партиянинг ғоявий тазйиқи остида фронт ва фронт орқасида эришилган ютуқларнинг барчаси коммунистик партия раҳнамолигига боғлаб тасвирланди. Жангчилар ва оддий фуқароларнинг кўрсатган жасоратлари, айниқса, уруш фожиялари, уруш йилларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида жуда кам ёзилди.

Қўлимиздаги ушбу китоб — муаллифнинг ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида олиб борган илмий изланишларининг самараси бўлиб, Бухоро вилояти меҳнаткашларининг немис-фашист босқинчиларига қарши урушда эришилган буюк ғалабага қўшган ҳиссасини тарафдан этади.

Мазкур китоб Бухоро вилояти меҳнаткашларининг фронт ва

фронт орқасида буюк галабани таъминлаш борасидаги фаолиятини ўрганиш билан бирга ҳужжатхоналар фондларида сақланаётган ҳужжатлар асосида, уруш қатнашчилари ва фронт орқасида фидо-корона меҳнат қилганларнинг хотиралари, даврий матбуот мате-риаллари, айниқса, ўша даврда нашр қилинган фронт рўзномала-рининг материаллари, ҳамда ҳозиргача яратилган илмий, илмий-оммабоп асарларни ўрганиш асосида дунё юзини кўрди.

Муаллиф ҳар бир масалага янгича тарихий тафаккур асосида ёндашиб, уруш йилларида фронт ва фронт ортида эришилган ютуқ-лар билан биргаликда йўл қўйилган камчиликларни ҳам ёритишга ҳаракат қилган.

Фикримизча, мазкур китобда тасвирланган тарихий воқеа ва ҳодисалар, бой фактик материаллар Ўзбекистон халқига немис-фашист босқинчиларига қарши кураш тарихини ўрганишда кўмак-дош бўлиш билан бирга тинчликка даъват эта олади.

Н. М. САИДОВ,

Бухоро вилояти мудофаа иш-
лари бошқармасининг бошлиғи,
полковник

ФАШИЗМ УСТИДАН ЭРИШИЛГАН ҒАЛАБАДА БУХОРОНИНГ ҲИССАСИ

1941 йил 22 июн. Бу кунни бутун инсоният машъум кун сифатида эсга олади. Худди шу кунни немис-фашист босқинчилари мамлакатимизнинг ғарбий чегараларига хиёнаткорона бостириб кирди. Оқибатда халқимизнинг фашист босқинчиларига қарши уруш ҳаракатлари бошланиб кетди.

Мамлакатимиз бу урушга тайёр эмас эди. Бундан фойдаланган душман чегара ҳудудларини қисқа муддатларда ишғол этиб, мамлакат ичкарасига қараб силжий бошлади. Ана шундай оғир дамда ҳукумат немис-фашист босқинчиларига қарши умумхалқ курашини ташкил этди ва курашнинг ҳақ эканлигига, бу урушда биз албатта ғалаба қилажамизга халқимизда ишонч руҳини туғдира олди.

1941 йил 30 июнда Давлат Мудофаа Кўмитаси (ДМК) тузилиб, унга И. В. Сталин раис этиб тайинланди ва унга катта ҳуқуқлар берилди.

Давлат Мудофаа Кўмитаси ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, қисқа муддатлар ичида мамлакат ҳаётини уруш шароитига мослаштириш, халқ ҳўжалигини ҳарбий изга кўчириш, меҳнаткашлар оммасини сафарбар қилиш ва жипслаштириш борасида самарали ишларни амалга оширдик, булар буюк ғалабани таъминлашдаги асосий омил бўлди.

Мамлакатнинг барча ҳудудлари сингари Бухоро вилояти ҳам халқ ҳўжалигини ҳарбий изга кўчириб, тез фурсатда фронтни таъминловчи ўлкалардан бирига айланди. Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган кураш мамлакатимиз халқлари учун ҳақиқий синов даври бўлди. Қонли жанглар жараёнида халқнинг маънавий юксаклиги, иродасининг улуғворлиги янада тўлароқ намоён бўла бошлади. Немис фашист

босқинчиларига қарши курашда ўзбек жангчилари жуда катта жасорат кўрсатиб, душманни тор-мор этишда турли миллат жангчилари билан бир сафда туриб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Фронт ва фронт орқасида алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатган жуда кўп Ўзбекистонликлар қаторида бухороликларнинг ҳам салмоқли ўрни бор.

Уруш йилларида Бухоро ўзининг 73688 асл фарзандини фронтга жўнатди. Шундан 176 нафари хотин-қизлардир.

Уруш йилларида собиқ Иттифоқдаги барча миллат ва элат вакиллари қатори бухоролик ўғлонлар ҳам Қизил Армия сафларида бир тану бир жон бўлиб, Ватанининг шон-шарафини ва озодлигини ҳимоя қилдилар. Улар Москва, Сталинград, Курск шаҳарлардаги қонли жангларда мардонавор кураш олиб борар эканлар, жонажон Ватан, туғилиб ўсган ўлка, муқаддас она тупроқ тақдири учун, курашаётганликларини қалбан ҳис этар эдилар.

Бу ҳис-туйғулар ўзбек халқининг фронтдаги ўзбек жангчиларига йўллаган мактубида ёрқин ифодасини топган. Ушбу мактуб 1944 йили «Совет жангчиси» фронт рўзномасида эълон қилинган эди. «Орденли Ўзбекистоннинг севимли ўғлонлари! деб бошланарди мактуб. — Ушбу мактуб билан сизни жонажон Ўзбекистоннинг ҳамма халқи табриклайди. Фикримиз ва қалбимиз сиз билан бирга. Ўзбек халқи сизни жангда шавқатсиз бўлишга чақиради.

Гитлерчиларни қириш билан сиз катта ҳиммат кўрсатган бўласиз, ўзбек халқининг ўғлони! Сизнинг отабоболарингиз эрксиз яшагандан кўра, қуллик занжирини ўз тишлари билан узиб ташлашни афзал билишган. Ёдда тутинг, Гитлер фақат яҳудий халқининг, айниқса, славян халқларинигина эмас, балки Шарқдаги барча халқларнинг ҳам ашаддий душманидир. Озодлик гаштини лоақал бир марта сурган киши уни ҳеч қачон унутмайди. Қулликда юз йил яшагандан кўра, озодликда бир кун яшаган афзал. Ватанимиз учун, озодлигимиз учун жонингизни аямасдан жанг қилинг!»

1418 кеча-кундуз давом этган оловли жангоҳларда 44 мингга яқин бухоролик жангчи қаҳрамонларча ҳалок бўлди. 30 мингга яқинигина қайтиб келди, холос.

Бухороликлар фронтларда қандай мардлик намуналарини кўрсатган бўлсалар, фронт орқасида ҳам, шундай меҳнат қилдилар. Ҳукуматнинг фронт ва фронт ор-

қасини мустаҳкамлаш борасидаги барча топшириқлари бекаму кўст бажарилди. Бухоро халқининг фронт орқасидаги жасоратни ўрганиш ва бу борадаги тарихий ҳақиқатни келажак авлодга етказиш тарихчи олимлар ва кенг зиёлилар оммасининг долзарб вазифасидир. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам бу қонли урушда эришилган ғалабада Бухоро вилояти меҳнаткашларининг кўрсатган қаҳрамонликларини тараннум этишга жазм этдик.

Бунда биз Республика ва Республикадан ташқаридаги ҳужжатхоналарда сақланаётган ҳужжатлар, даврий матбуот (айниқса фронт рўзномалари) материаллари, илмий ва илмий-оммабоп асарлар, уруш қанташчилари ҳамда уруш йилларида фронт орқасида хизмат қилган фаоллар хотираларига таяндик.

* * *

Уша машъум 1941 йилнинг 21 июнда бошланган урушнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатнинг ҳамма жойларида бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам душманга қарши митинг ва намойишлар бўлиб ўтди. 1941 йил 23 июнда Бухоро шаҳрининг маданият ва истироҳат боғида уч минг кишилик митинг бўлиб, унда вилоят ижроия Қўмитасининг раиси С. Назаров биринчи бўлиб сўз олди ва немис-фашист босқинчилари хиёнаткорона ҳужум қилганликларини айтиб, ҳаммани душманга қарши курашга чорлади. Ушбу йиғилишда тикув фабрикасининг ишчиси Иброҳим Асадов барча йигитларни кўнгилли бўлиб фронтга жўнашга чақирди. Митинг охирида душманга қарши оммавий сафарбарлик уюштириш ҳақида махсус қарор қабул қилинди..

1941 йил июн-июл ойларида вилоятнинг Гиждувон, Шофиркон, Китоб,¹ Чироқчи, Когон туманларида душманга қарши оммавий сафарбарлик ўтказиш юзасидан йиғилишлар бўлиб ўтди. Йиғилишлар тугаши билан жуда кўп кишилар кўнгилли бўлиб фронтга жўнади.

1941 йил 23 июнда Когон ёғ-мой заводида кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққанлар душманга қарши курашни кучайтириш ва ғалабани тезлаштиришга ҳисса қўшмоқ учун ишлаб чиқариш ҳажминини икки-уч баробар ошириш ташаббуси билан чиқди.

¹ 1943 йил январь ойи ўрталаригача Қашқадарё ҳудудлари Бухоро вилояти таркибида бўлган.

лар. Шу билан мамлакат имудофаа қудратини оширишга ҳисса қўшажакларини билдирдилар.

Когон паровоз депоси 19—939-сенли паровоз машинистлари Кляшев ва Жуковлар паровозни таъмирлаш ишларини тўла бажаражакларини, олдин бу иш билан шуғулланувчи усталарни эса ишдан озод қилиш ташаббуси билан чиқдилар.¹

Ана шу ташаббус бутун депога ёйилди. Токарлик цехи ишчиси Троник иккита дастгоҳда ишлай бошлади. Доимий иш нормасини 5 бараварга оширди. Темирчи Бурцев эса 15 соатга мўлжаллаган паровоз гилдиракларини таъмирлашни 6 соат ичида бажариб, тежаш ҳисобидан иш ҳажмини ошириш ташаббуси билан чиқди.

Когон ёғ-мой завидида ҳам ишчилар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ғалабага ҳисса қўшиш мумкин, деб ҳисобладилар ва 1941 йилда 6 ойлик режани муддатдан олдин бажариб, уруғлик чигит саралаш режасини 119 фоизга, ёғ ишлаб чиқаришни 113 фоизга бажардилар. Завод жамоаси йил охиригача Қизил Армияга 1,2 тонна ёғ беришни ўз зиммаларига олдилар.² Бухоро оёқ кийимлар фабрикаси жамоаси ҳам ҳарбийлар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиб, ярим йиллик режани 115 фоизга бажардилар.³

1941 йил 3 июлда Бухоро шаҳар меҳнаткашларининг кўп минг кишилик митингги бўлиб, унда Бухоро шаҳар партия қўмитаси котиби Ленский ДМҚси раиси И. В. Сталиннинг радио орқали қилган мурожаати ва ундан келиб чиқадиغان вазифалар ҳақида гапирди.

Жуда катта ватанпарварлик ташаббуси Когон темир йўл хотин-қизлари томонидан уюштирилди. 1941 йил 10 июлда Когон темир йўлидаги юзта хотин-қиз қисқа фурсатда техник тузатувчи, токар, пармаловчи, вагон устаси, алоқачи, вокзал навбатчиси касбини эгаллаб олиб, фронтга кетган эркакларнинг иш ўринларини эгалладилар. Шунингдек, қисқа фурсатда Қизилтепа ва Бухоро туманларидаги 300 хотин-қиз ҳам механизаторлик касбини эгаллаб, фронтга кетган ака-укаларини ва эрларнинг ўрнида меҳнат қила бошладилар. Бу билан Бухоро хотин-қизлари душманни тезроқ тор-мор келтириш учун бутун кучларини сафарбар этишга тайёр эканликларини кўрсатдилар.

¹ Красная Бухара 2 июнь 1941 года.

² Бухоро ҳақиқати 3 июль 1941 йил.

³ Красная Бухара 2 июля 1941 года.

1941 йил 4 июлда Гиждувон шаҳрида кўп кишилиқ митинг бўлиб, унда шаҳар меҳнаткашлари иштирок этдилар. Митингда пахта тозалаш заводи ишчиси Ю. Смирновнинг сўзи ҳаммада жуда катта таъсурот қолдирди. Ю. Смирнов ўз сўзида ҳаммани душманга қарши курашга чорлаб, биринчи бўлиб, шу ернинг ўзидан фронтга кетиш тўғрисида ариза ёзиб берди. Бундан таъсирланган бошқа ишчилар бирин-кетин фронтга жўнатишларини сўраб ариза ёздилар. Жами 112 киши кўнгилли бўлиб, шу кунгидея фронтга жўнадилар.¹ 1941 йил 4 июлда эса Гиждувон туманидаги «Фришкент» қишлоқ шўроси олдида катта митинг бўлиб ўтди. Митингда биринчи бўлиб Дмитров номи жамоа хўжалиги аъзоси О. Содиқов сўз олиб, немис-фашист босқинчиларига қарши жуда қаттиқ жанг бўлаётганлиги ва Ватан мудофааси жуда долзарб вазифа эканлигини айтиб, йигитларни фронтга жўнашга чақирди. Ўзи биринчи бўлиб ҳарбий комиссариат вакилига ариза ёзиб берди.

1941 йил 1 июлда У. Ю. Юсупов раислигида ЎзКП (б) МҚнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб, унда барча эркаклар оммавий равишда фронтга кетиши муносабати билан, бўшаб қолган дастгоҳ ва қишлоқ хўжалиқ машиналарини хотин-қизлар эгаллаши кераклиги тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. 1941 йил 5 июлда Тошкент шаҳар Октябрь тумани хотин-қизлари ушбу қарорга жавобан кўп миң кишилиқ митинг уюштириб, республиканинг барча аёлларига қарата мурожаат қабул қилиб, эркакларнинг оммавий фронтга жўнаши муносабати билан, бўшаб қолган дастгоҳларни аёллар эгаллашига даъват қилдилар.²

Тошкентлик хотин-қизларнинг мурожаатига жавобан Бухоро шаҳрида, Кармана, Қарши, Когон ва бошқа шаҳарларда ҳам хотин-қизлар митинглари бўлиб ўтди.

1941 йил 7 июлда Карманада бўлиб ўтган хотин-қизлар митингида шаҳар касалхонасининг ҳамшираси Э. Абдуллаева қисқа вақтда жуда кўп эркаклар фронтга кетганлиги сабабли шаҳарда ҳам, қишлоқларда ҳам эркак ўринлари бўшаб қолганлигини айтди ва барча хотин-қизларни шу жойларни эгаллашга чақирди.³

Тошкентлик хотин-қизлар мурожаатидан сўнг 5 миңдан ортиқ бухоролик хотин-қизлар турли янги мута-

¹ Бухоро вилояти Давлат архиви. Ф 1157, ОП 1, Д 62: л. 21.

² Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне (1941—1945 г.г.). стр. 30.

³ Бухоро давлат архиви ф. 1157, оп 1, дело 63, л. 24.

хассисликни эгаллади ва 200 дан ортиқ хотин-қизлар Ангрен шахтаси ва Солар ГЭСи қурилишига жўнади.¹

Уруш йилларида ватанпарварлик туйғуси ҳар бир бухоролик қалбидан жой олди. Буни шундан билиш мумкинки, ўша пайтнинг хавф-хатарини, Ватан олдидаги бурчини каттаю кичик чуқур англади. Фронт ҳам, фронт орқаси ҳам мардлик майдонига айланди.

1941 йил ёзида Республикада 11 минг хотин-қиз механизаторлик касбини эгаллади. Бухоро ва республиканинг бошқа вилоятларида қишлоқ хўжалигида механизаторлар етишмаслиги сабабли, МТСлар олдида махсус курслар иш бошлади.

1943 йилда Бухоро шаҳридаги 3 мингдан ортиқ аёл фронтга кетган эркаклар ўрнини эгаллади. Вилоятларда махсус ташвиқотчи гуруҳлар фаолият кўрсата бошлади. Бу иш асосан ўқитувчилар зиммасида эди.

1942 йил май ойида Бухоро вилоятида 284 ташвиқот гуруҳига 7586 ташвиқотчи уюшган бўлиб, вилоятда 645 ташвиқот пункти мавжуд эди.²

1941 йил 23 июндан эътиборан вилоятдаги ҳамма туманларда фронтга жўнатиш пунктлари фаолият кўрсатиб, ҳар куни минглаб кишиларни фронтга жўнатди. Фронтга жўнайдиганларни озиқ-овқат билан таъминлашда «Когон озиқ-овқат таъминлаш махсус ҳарбий пункти» катта аҳамиятга эга бўлди. Бухоро вилояти ўз йигитларини асосан Когон, Қизилтепа, Кармана темир йўл бекатларидан фронтга жўнатган.

1941 йил 6 июлда Бухоро шаҳар ҳарбий комиссари номига 14 қиздан фронтга кетиш тўғрисида ариза тушди. Улар орасида ўзбек, рус, татар қизлари ҳам бор эди.

Финландия уруши қатнашчиси Иван Рибакوف ўз аризаси билан фронтга жўнаганлардан. У ўз аризасида: «Мени ҳаракатдаги армия қисмларига юборишингизни ва немис-фашист босқинчиларини янчиб ташлаш имконини беришингизни сўрайман» деб ёзган эди.³

«Немис-фашист босқинчилари ғарбий ҳудудларга хиёнаткорона бостириб кирган экан, унга қарши қаттиқ жанглар давом этапти. Мени Ғарбий Фронтга юборишингизни сўрайман», деб ёзган эди Бухоро давлат педагогика институти доценти Емельяненко.⁴

¹ Бухоро давлат архиви ф. 1157, оп. 1, дело 64, л. 23.

² Красная Бухара 22 ноября 1941 г.

³ Бухоро вилоят давлат архиви ф. 1157, оп. 1, дело 64, лист 27.

⁴ Бухоро ҳақиқати, 2 июль 1941 йил.

Бундай мисолларни беҳисоб келтириш мумкинки, бу халқимизнинг чексиз ватанпарварлик ҳис-туйғусидан нишонадир.

Бухоро меҳнаткашлари ДМҚ нинг «СССР фуқароларининг умумий-ҳарбий ишни ўрганиш» тўғрисидаги қарорига биноан, ишдан сўнг ҳарбий машқлар ўтказиб бошладилар.

Ромитан туманидаги Қ.Маркс номли қишлоқ хўжалиги артели аъзоларидан 260 киши, жумладан, 85 хотин-қиз ҳарбий машқлар қилиб, ўз малакасини оширди.

Бухоро шаҳрида аҳолини ҳарбий ишларга ўргатадиган 16 та пункт очилди. Бундай пунктларда 1941 йилнинг октябр ойига келиб 1135 киши шуғулланадиган бўлди.¹

Вобкент туманида ҳам 5 та ана шундай пункт очилиб, 1041 киши машғулотларда қатнашди. Туман марказида, Қўнғирот қишлоғида, Пешку, Янги-бозор ва Қумушқондаги пунктлар фаолият кўрсатди.²

Когон шаҳри ва Когон туманида 13 пункт тузилиб, 1941 йил 2 октябрда 2151 киши машғулотларга тортилган эди.³

Вилоятда ташкил қилинган барча ҳарбий ишларга ўргатиш пунктларида ҳафтада 3 марта, 119 соатлик дастур асосида машғулотлар олиб борилди ва бу машғулотларда бухороликларнинг барчаси фаол иштирок этдилар. Урушнинг биринчи кунларидаёқ Бухоро вилоятидаги ўқитувчи ихтисосидаги хотин-қизлар махсус ташкил қилинган ҳамширалар тайёрлаш курсларига тортилдилар. Жумладан, Бухоро шаҳрида, Қарши, Шаҳрисабз, Шофирконда шундай курслар фаолият кўрсатар эди.⁴

Бухоро вилоятида ҳарбий заёмга ёзилиш ҳаракати кучайди. Когон темир йўл ишчиси Лукина барча темир йўлчиларга мурожаат қилиб, Ватан уруш муддатидан олдин заём пулини тўлашни маълум қилади ва ҳамма-ни шунга чақиради. Лукина ташаббусидан кейин 18 та ишчи ва 20 та техник ходим муддатидан олдин ҳарбий заёмга ёзилдилар.

Бухоро туманидаги Ленин номли жамоа хўжалиги аъзоси, 60 ёшли Мўмин Тошев барча колхозчиларга:

¹ Бухоро вилояти ҳокимлиги олдидаги архив. ф. 1. оп. 1, д. 10. л. 29.

² Ўша жойда. л. 31.

³ Ўша жойда л. 39.

⁴ Красная Бухара, 30 июня 1941 года.

«Менинг ҳамма оила аъзоларим пахта даласида меҳнат қияпти. Бордию керак бўлса, улар Ватан учун, унинг озодлиги учун қўлига қурол олишга тайёр. Ватан озодлиги учун ҳарбий заёмга оила аъзоларимиз ёзилдилар. Мен сизларни ҳарбий заёмга ёзилишга чақираман», деб мурожаат қилди.

Мўмин ака Тошев ҳаракатини қўллаган жамоа хўжалиги аъзолари қисқа фурсатда ҳарбий заём учун 30 минг 750 сўм топширдилар.¹

«Қоммунизм» қишлоқ хўжалик артели ҳарбий заёмга 19 минг сўм, «Қизил иқтисод» жамоа хўжалиги 14550 сўм топширдилар.

Бухоро шаҳридаги 113 жамоа бир ой ичида ҳарбий заём учун 66556 сўм топширдилар.

Нон заводи 1941 йил июл ойи учун 5700 сўм, Матлубот жамияти базаси 2808 сўм, Қоракўл заводи 2687 сўм топширдилар.

Ҳар кун ҳарбий заёмга пул топширувчилар сони ортиб борди. 1941 йил август ойи учун Бухоро вилояти меҳнаткашлари 1 миллион 220 минг сўм топширдилар. Хуллас, Бухоро вилояти халқи чинакам ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқиб, душманга қарши курашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Немис-фашист босқинчиларига қарши уруш йилларида Бухоро вилояти халқи мамлакат муҳофизат фонди ва Қизил Армия фондига 16 миллиард сўм нақд пул, 4,5 миллиард сўмлик ҳарбий заём пули тўладилар.

Вилоят меҳнаткашлари танк колонналари учун маблағ йиғиш ҳаракатига ҳам фаол қатнашдилар. Қизилтепа тумани меҳнаткашлари «Ўзбекистон Қомсомоли» танк колоннаси учун маблағ йиғиш жуда тез ўтказилди. 1941 йил 19 ноябрда Арабон қишлоқ шўросида 2 минг 686 сўм, Зарметан қишлоқ шўросида 4876 сўм, Ғардиён қишлоқ шўросида 2 минг 686 сўм, Зарметан қишлоқ шўросида 4876 сўм пул йиғилди ва давлатга топширилди.²

1941 йил 12 октябрда Когон меҳнаткашлари якшанбалик ҳашарини ўтказди. Бу ҳашарда 3 мингдан ортиқ киши қатнашиб, якшанбаликдан келган маблағ тўғри танк колоннаси учун юборилди. Шу кун Бухоро шаҳри, Вобкент ва бошқа туманларда ҳам якшанбалик ўт-

¹ Красная Бухара 2 август 1941 года.

² Бухоро вилоят давлат архиви. ф. 1157, оп. 1. дел. 64, л. 79.

казилди. Вобкент туманида 1140 нафар киши якшанба-ликда қатнашиб, 21 минг сўм маблағ тўплаб танк қурилишига юбордилар.

Шу кун Бухоро шаҳри меҳнаткашлари 21725 сўмлик, Қармана 5 минг сўмлик, Яккабоғ 7025 сўм, Қарши темир йўл бўлими, 7630 сўмлик иш бажариб, топилган маблағлар тўғри Ўзбекистонда тайёрланадиган танк колоннаси фондига ўтказилди.

1941 йил 12 октябрда Бухоро вилоятида 54 614 киши якшанбаликка иштирок этган ва улар 124 минг 148 сўм тўплаб, «Ўзбекистон Комсомоли» танк коллоннаси фондига топширдилар.

Бухородаги тиббиёт ходимлари ҳам когонликлар ташаббусига қўшилиб, маблағ йиғишга кирдилар. Бухоролик врач Берман «Ўзбекистон медиклари» самолёти учун ўзининг 2400 сўмлик жамғармасини топширди. Бухоро шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Покровская 1500 сўм, врачлар Линко, Мақсудова, Рабинович, Вайбуриналар 1000 сўмдан, врач Фукс 880 сўм. 17-сон болалар боғчаси мудираси Одилова 411 сўм, техник котиба Андюресенко 200 сўм, ҳисобчи Барах 300 сўм, жами 117 минг сўм топширдилар.¹

Ушбу ташаббусга деҳқонлар ҳам қўшилдилар. Свердлов туманидаги «Янги Октябрь» жамоа хўжалиги раиси Хотамов танк колоннаси учун 12 минг сўм, Ромитан сув хўжалиги ходими Акрамов 7 минг сўм, вилоят сув хўжалиги ҳосилоти Султон Тожибоев 8 минг сўмлик жамғармаларини топширдилар.

Уруш йилларида Бухоро меҳнаткашлари 52 милён сўм пул, 555 тонна ғалла, 1935 тонна гўштни фронт эҳтиёжлари учун топширдилар. Урушнинг биринчи кунларидаёқ вақтинча душман қўлида қолган ҳудудлардан аҳолини мамлакатнинг ичкарасига, яъни Шарқий ҳудудларга кўчириш ва жойлаштириш масаласи ҳукуматнинг диққат марказида бўлди. Бу вазифани бажаришда ўзбек халқи, жумладан, бухороликлар ҳам фаоллик кўрсатдилар.

Ота-онасиз етим болаларни ўз тарбиясига олиш ҳаракати вилоятда кенг қулоч ёйиб, жуда кўп ўзбек, тожик oilалари рус, украин, белорус болаларини ўз тарбиясига ола бошладилар. Бу бағри кенг ўзбек халқининг яна бир катта муруввати эди. Москва ва Ленинград оstonаларида жуда қаттиқ жанглар кетаётган бир пайт-

¹ Красная Бухара, 26 декабря 1942 года.

да, Ўзбекистонда ўзбек миллий дивизиялари тузилиб, бу ерларни худди ўз юртидек ҳимоя қилиш учун жангга кираётган, жон бериб, жон олаётган бир пайтда, айнан уруш ҳаракатлари давом этаётган ўлкалардан кўчириб келтирилган етим болаларни бухороликлар ўз бағирларига ола бошладилар.

1941 йил 3 декабрда республика ҳукуматиининг махсус қарори қабул қилиниб, Тошкентга кўчириб келтирилганларни қабул қилиб олиш пункти ва барча вилоят марказларида ҳам ана шундай кўчириб келганларни қабул қилиш, ҳамда жойлаштириш жойлари ташкил этилди.

Ўзбекистонга бир милён киши кўчириб келтирилган бўлса, шунинг 200 мингтаси болалар эди.¹

Бухоро вилояти ҳам уруш давом этаётган ҳудудлардан келган 150 мингдан ортиқ бошпанасиз қолганларни қабул қилиб, уларни озиқ-овқат ҳамда кийим-кечак билан таъминлади. Бухоро вилоятида етим болаларни қабул қилиб олиш ва тарбиялаш ҳаракати шунчалик кенг қулоч ёйдики, ҳатто вилоят халқ таълими бўлими Тошкентга мурожаат қилиб, кўчириб келтирилган болалардан яна юборишларини талаб қилдилар.

1941 йил охирига келиб, Бухоро вилоятига уруш давом этаётган ҳудудлардан 14 та болалар уйи тарбияланувчилари билан бирга кўчириб келтирилди. Бухоро халқи белорус, украин, рус болаларини ўз бағрига олиб, кўшимча тарзда яна бир нечта болалар уйларини очиб, уларнинг сонини 22 тага етказиб, унда тарбияланадиган болалар сони эса 3700 дан ошиб кетди.²

1941 йил 13 декабрда Бухоро шаҳар аёллари вилоятининг барча аёлларига мурожаат қилиб, кўчириб келтирилган ота-онасиз, етим болаларни ўз тарбияларига олишга даъват эттилар.

1941 йилнинг охиригача 2707 та бухоролик аёл, ўз аризаси билан мурожаат қилиб, етим болаларни ўз тарбияларига олишга тайёр эканликларини билдирдилар.³

Бухоро шаҳрида кўчиб келтириляётган етим болалар учун халқдан 87000 сўм пул, 12 000 дона турли хилдаги кийим-кечак, 122 центнер озиқ-овқат маҳсулотлари йиғилди ва уларга берилди.⁴

Етим болаларни тарбияга олувчиларнинг кўпчили-

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. 481 бет.

² Бухоро вилоят давлат архиви. ф. 1157, оп. 1, д. 65, л. 148.

³ Бухоро вилояти давлат архиви ф. 1157, оп. 1, д. 65, л. 49.

⁴ Уша жойда ф. 1157, оп. 1, д. 92, лист 28.

гини кўп болали оилалар ташкил қиларди. Масалан: Гришенцованинг 3 боласи бўла туриб ва эри фронтга кетганига қарамай, бир украин қизини ўз тарбиясига олди.

Бухоро шаҳридаги 9-сон гастронорм мудири ўринбосари АсфEROва Бухородаги болалар уйидан 2 нафар болани ўз тарбиясига олди.

Свердлов туманидаги Мохтобой Шарофиддинова 8 боласи бўлишига қарамай, бир болани ўз тарбиясига олиб, болалар сонини 9 тага етказди. Қарши туманидаги боғча мудираси Тошматова бир болани ўз тарбиясига олар экан қуйидагиларни билдириб, барча аёлларга мурожаат қилган эди: «Бу муқаддас иш, яъни ота-онасиз қолган болаларни олиш, тарбиялаш, боқиш ҳар қанча қийин бўлмасин, бунни мен уддалайман. Ўзим емайман аммо шу болага едираман. Бу етим болалар ўзларини ўз ота-онаси бағрида деб ҳис қилсин. Ҳаммани ана шунга чақираман».¹

Ғиждувон туманидаги «Дмитров» номли жамоа хўжалиги аъзоси Эшонқул бобо бир белорус боласини ўз тарбиясига олади ва унга Худойқул деб ном қўяди. Беларус тупроғида туғилган Худойқул уруш тугагач ҳам Ғиждувонда қолади ва шу ерда уйланиб, бола-чақали бўлиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Лариса Лунева Бухоро вилоятига келганида ҳали 5 ёшга кирмаган эди. Лариса 1941 йил охирида Бухоро вилояти, Ғиждувон туманига келтирилади. Уни Ғиждувон туман «Бўлди» қишлоқ шўросида яшовчи Шамси Ҳусенов ва унинг турмуш ўртоғи Махсума опа ўз тарбиясига олдилар. Орадан уч ой ўтгач, Шамси ака фронтга кетади. Шамси ака фронтдан хотинига ёзган хатида Ларисани асраб-авайлашини, яхши тарбиялашини сўрар эди. Махсума опа эрининг айтганларини тўлиқ бажарди. Фронтдан ногирон бўлиб қайтган Шамси ака Махсума опа билан Ларисани яхши тарбиялаб ўқитдилар.

Рус қизи учун Шамси ака ва Махсума опа тутинган ота-онаси бўлиб қолдиларки, Лариса уларнинг яхши ёмон кунларида бирга бўлди. Ларисанинг болалари уларнинг сеvimли неваралари бўлиб қолди.

Шофиркон тумани «Тезгузар» қишлоқ шўросида истиқомат қилаётган Шароф Жўраев ва унинг хотини Муаззам Жўраевалар Шофирконга келтирилган украин

¹ Бухоро вилоят Давлат архиви. ф. 32, оп. 1, д. 921, л. 130.

қизини олиб тарбиялайдилар. Шу украин қизи Зайниш Жўраева 1953 йил июл ойида Бухоро Давлат ҳужжат-хонаси директори Идрисовга ёзган хатида қуйидагиларни маълум қилади:

«Мен Зайниш Жўраева 1934 йил 19 сентябрда Украина ССР, Харьков вилояти, Изюм шаҳрида туғилганман. Миллатим украин, асл исмим Жанна.

1941 йил 22 июнда Улуғ Ватан уруши бошлангач, отам Бузович Қазимир Қазимирович фронт орқасини мустаҳкамлаш учун Қизил Армия сафига олинади.

Онам (исмини билмайман) 6 бола билан қолгач, бизни боқишга қийналиб қолганлиги сабабли мени ва опам Тасяни болалар уйига тарбиялаш учун беради.

Немис-фашист босқинчилари Украинага бостириб киргач, болалар уйи бизни Ўзбекистонга кўчириб олиб келди. Мен шу вақтда 7 ёшда эдим. Болалар уйида мени Шофиркон туманидаги Чорва маҳсулотлари тайёрлаш идорасининг директори — отам Шароф Жўраев ва онам Муаззам Жўраева ўз қучоғларига олдилар, оталик-оналик меҳри билан ўз фарзандлари сингари тарбия қилдилар. Уларнинг туғишган боласи йўқлиги сабабли, мен уларнинг туғишган боласи бўлиб қолдим.

1942 йилда отам мени шу қишлоқдаги «Правда» номи мактабнинг 1 синфига ўқишга бердилар. Мен шу йилда ўқишга анча қийналган бўлсам керак, чунки ўша вақтда ўзбек тилида битта сўзни ҳам билмас эдим. 3 синфдан бошлаб 10 синфагача «аъло» баҳолар билан ўқидим.

1951 йилда 10-синфни муваффақият билан тугатдим. 1951 йил ёзида мени отам Бухоро Давлат педагогика институти тил-адабиёт факультетига ўқишга юбордилар.

Худди шу йили ўқишга бориш учун паспорт олиш зарур бўлди. Гувоҳнома бўлмаганлиги сабабли отам ва Шофиркон туман паспорт столи бошлиғи Изюм шаҳрига мурожаат қилдилар. 1951 йил 15 августда Изюм шаҳридан туғилиш гувоҳномаси, ота-онам, укаларимнинг расми, хати ва озроқ совғалари ҳам келди. Шу вақтгача бизлар бир-биримиздан хабарсиз эдик. Шу йилдан бошлаб мен ота-онам билан хат ёзишиб турдик.

1953 йилда мен Бухоро Давлат педагогика институтидаги тил-адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан тугатдим.

1953 йилдан бошлаб, ўзим ўқиган мактабга ўқитувчи бўлиб келдим ва ҳозирги вақтгача шу мактабда ишлаб келмоқдаман. 1958 йил март ойида бир маллагина аёл кутилмаганда уйимизга кириб келди. Мен дарвозага чиқсам, бу аёлнинг нимасидир менга жуда ҳам таънишдай кўринди, «Здрастуйте» деб юзига қараб қолдим. У эса, «Худди ўзи-ку!» — деб мени қучоқлаб олди. Кейин билсак, бу аёл 1941 йилда болалар уйига мен билан бирга топширилган опам Тася экан. Уни болалар уйидан бир колхозчи киши олиб тарбиялаган экан. Опам Тася ҳозир Шофиркон туманининг Чандир қишлоғида истиқомат қилади», — деб ўз хатини якунлаган эди.¹

Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари сингари Бухоро ҳам нафақат ёш болаларни балки врачлар, ўқитувчилар, олимлар, техник муҳандислар ва кексаларни ҳам қабул қилди.

1941—45 йиллар ичида 10 мингдан ортиқ поляк миллатига мансуб кишилар Бухорога келтирилди ва жойлаштирилди.

1941—44 йилларда Бухоро вилоятида кўчириб келтирилган поляк болаларини ўқитиш ва тарбиялаш учун 6 та поляк болалари уйлари ташкил қилиниб, уларда 355 бола тарбияланди. Жумладан, Бухоро шаҳрида 112 та, Вобкент туманида 58 та, Когон туманида 42 та, Ромитан туманида 40 та, Ғиждувон туманида 44 та, Кармана туманида 59 та поляк болалари махсус болалар уйларида тарбияланган.

1941—43 йилларда Бухоро вилояти мактабларида кўчириб келтирилган 2379 бола ўқир эди.

Уруш бўлаётган шаҳарлардан кўчириб келтирилган болалар уйлари вилоятнинг турли туманларида жойлаштирилди. Жумладан:

Донбассдан кўчириб келтирилган Краков номли болалар уйи ва 180 та тарбияланувчиси билан Карманага, Иваново вилоятидан кўчириб келтирилган Иванов номли болалар уйи 100 нафар боласи билан Ромитанга, Сумский вилоятидан кўчириб келтирилган Кузьмин номидаги болалар уйи 100 та бола билан Вобкентга, Харьков вилоятидан кўчириб келтирилган Сталин номли болалар уйи 155 та бола билан Ғиждувонга, 1-сон Славян

¹ Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 1157, оп. 1, д. 68, л. 17—20.

болалар уйи 125 нафар бола билан Бухоро шаҳрига, 2-сон Славян болалар уйи 100 та бола билан Когон туманидаги Фрунзе номидаги қишлоққа жойлаштирилади.¹

Кўчириб келтирилган болалар уйлари болаларни билан бирга мазкур болалар уйларининг бир неча тарбиячилари ҳам Бухорога келган, уларга ҳам уй-жой ва яшаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш орқали бухороликлар ўзларининг ватанпарварлик бурчларини адо эттилар. Фронт туманларидан келтирилган болалар учун вилоятдаги барча колхозчилар, ишчилар ва зиёлилар 1 миллион 139 минг 500 сўм пул тўплаб бердилар. Улар дастлаб ана шу пулдан фойдаланиб, ўзларининг яшаш шароитларини яхшилаб олдилар.

Бухороликлар 757 центнер ғалла ва мева, 17 минг 100 дона кийим-кечак йиғиб бердилар. Вилоятнинг Ромитан, Жондор, Кармана ва Қизилтепа туманларидаги жамоа хўжаликлари 1941—1943 йилларда 4 та болалар уйларини керакли буюмлар ва озиқ-овқат билан таъминлаб турдилар.

Уруш йилларида юқорида қайд қилинган ишларни бажаришга вилоят халқ маорифи бўлим мудирини М. Н. Раҳматов ва бош назоратчи методист М. Қ. Қодировлар раҳбарлик қилдилар.

Вилоят Давлат ҳужжатхонасида М. Қ. Қодировнинг иш ҳисоботлари сақланади. Ушбу ҳисоботдан қуйидагиларни билиб олиш мумкин: 1942 йил январ ойининг бошларида вилоят халқ маорифи бўлими бошлиғи М. Н. Раҳматов ўз ҳузурига М. Қ. Қодировни чақириб, Республика ҳукуматининг қарорига асосан, кўчириб келтириладиган етим болаларни қабул қилиб олиш кераклигини айтади. Кўчириб келтириладиган болалар 1942 йил январ ойининг ўрталарида Бухоро вилоятига етиб келади ва шу болалар Қизилтепа темир йўл бекатида қабул қилиб олинади. «Болаларни кўришимиз билан ўзимизни тўхтата олмадик, — деб ёзади ўз ҳисоботида Қодиров. — Мен ҳам ва бошқа кишилар ҳам кўз ёши тўкмасдан болаларни вагондан тушира олмадик. Бу болалар жуда оч, совуқ қотган эдилар. Тез фурсатда бу болаларни едириш, кийдириш ва иситиш лозим эди. Ҳамма болалар дастлаб тўғри Гиждувон шаҳрига олиб келинди. Шу ерда дастлабки ёрдам берилди ва сўнгра туманларга тарқатилди. Болаларнинг ярмидан кўпини

¹ Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 1157, оп. 1, д. 65, л. 58.

Ғиждувон шахрига тўпланган бола олувчи кишилар ҳужжатлаштириб, кечгача уйларига олиб кетдилар. Хуллас, 1942 йил бошида бир неча ой ана шундай болаларни мен Қизилтепа темир йўл бекатида қабул қилиб олганман ва Ғиждувон орқали тегишли жойларга жўнатганман».¹

Ҳамма вақт ҳам болаларни кийим-бош, озиқ-овқат, асосан, нон билан таъминлаш тўлиқ бажарилган эди деб бўлмайди. Уруш йилларидаги оғир шароитда ҳам кўчириб келтирилган болаларга Ғиждувон шаҳрида махсус озиқ-овқат карточкаси асосида нон бериб турилган. Аммо таъминотда тез-тез узилиш бўлиб турган. Ана шундай вақтда Ғиждувон ижроқўми фавқулодда маҳаллий халқдан нон йиғиш топшириғини бериб турган. Шу жиҳатдан Ғиждувон меҳнаткашлари Бухоро вилоятига келтирилган болаларни дастлаб озиқ-овқат билан таъминлаганлар.

Барча халқлар қатори Бухоро вилояти меҳнаткашлари ҳам 1941 йилнинг 10 ноябригача Қизил Армия учун 3573 дона бош кийим, 449 жуфт оёқ кийим (кигиз этик) 2269 жун қўлқоп, 3625 жуфт жун пайпоқ, 1044 жуфт ички кийим йиғиб юборганлар.²

1942 йил 19 ноябрда Бухоро вилояти ижроқўмининг йиғини бўлиб, ушбу йиғинда фронтга кетганларнинг oilаларига ёрдам бериш тўрисида махсус қарор қабул қилинган. Ушбу қарордан сўнг Бухоро тумани Отбозор қишлоқ шўросидаги бир неча жамоа хўжаликлари фронтга жетганларнинг oilасига 19 минг сўм пул, 4 тонна ғалла, 5 тонна мева, бир неча oilаларга вй-жой қуриб берилди. 1941 йил давомида биргина Бухоро шаҳрида 926 та уй ҳарбий хизматчилар ва кўчиб келганларнинг oilаларига борилди.

Ишчилар армияни замонавий қуроллар, танклар, самолётлар билан таъминлаш учун меҳнат қилса, деҳқонлар фронтга озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бериш билангина чекланмай, армиямизни кучайтириш учун янги-янги ташаббуслар билан чиққардилар. Ана шундай ташаббуслардан бири қишлоқ аҳолисининг авиация ва танк коллонналари ташкил қилиш учун маблағ йиғишга киришуви эди. 1941 йил 21 августгача Ўзбекистон Республикаси бўйича мудофаа фондига 5 миллион 293 минг сўм пул йиғилди. 12 сентябрга келиб йиғилган маб-

¹ Бухоро вилояти давлат архиви ф. 1157, оп. 1, д. 65, л. 135.

² Бухоро вилоят давлат архиви. ф. 1157, оп. 1, д. 67, лист. 31.

лаг 12 миллион 93 минг сўмни таъкил қилган бўлса, сентябр ойининг охирига бориб, жамғарма 7 миллион сўмдан ошди. Бухоро вилояти меҳнаткашлари ҳам бу умумхалқ ҳаракатидан четда қолгани йўқ 1941 йил сентябр ойи охиригача 7 миллион сўмдан ортиқроқ пул йиғиб, муҳофаза фондига топширганлар.

Биргина 1941 йил охиригача Ўзбекистонлик деҳқонлар фронтдаги солдат ва командирларга янги йил совғаси сифатида 51 вагон сабзавот, қуритилган мева ва иссиқ кийим юборган бўлса, Бухоро вилояти меҳнаткашлари эса 190 дона бош кийим, 449 жуфт кигиз этик, 2269 жуфт пахтали шим, 98 дона шинель, 47 дона пальто, 27 жуфт чарм этик, 1798 дона дастрўмолча, 165 дона ёстиқ юбордилар.¹

1942 йил май ва июн ойида Бухоро вилояти меҳнаткашлари Қизил армия жангчиларига 3000 дона ички кийим, 3000 дона иссиқ пиджак, 3500 дона кўрпача жилди, 7000 дона сочиқ, 13500 кг, жун ва бошқа нарсалар юборди.² 1942 йилнинг октябрида эса 360 дона бош кийим, 480 дона қоракўл терисидан тикилган телпак, 405 дона пиджак, 110 дона шим, 900 дона кигиз этик, 89 дона жунпайпоқ, 315 дона қўлқоп, 215 дона иссиқ кўйлақ, 211 дона жемшир, жами 20 га яқин помдаги турли хил нарсаларни юбордилар.³

1942 йилнинг 15 апрелигача Ленинград ҳимоячилари учун 20 кг. ёнғоқ, 502 кг. майиз, 5176 кг. қуритилган ўрик, 5 кг. чой, 4030 кг печенье, 109 литр спирт, 4899 литр вино, 5 литр ароқ, 204,8 кг. ёғ, 113 кг. асал, 499600 дона тухум, 3 дона одеколон, 238 кг. мохорка, 585 кг. сабзи ва пиёз, 117 кг. қуритилган гўшт, 548 кг. товуқ гўшти, 16119 кг мол гўшти, 12800 кг. қуритилган мевалар, юборилди.⁴

Ўзбек халқи Қизил Армияни қурол-аслаҳа билан таъминлашга жуда катта миқдорда, жумладан, 675 миллион сўм пул 30 миллион 602 минг сўмлик ҳарбий заём, 574 миллион сўмлик пул-буюм лотореяси топшириш билан ўз ёрдамини берди. Ўзбекистон 4 йил ичида фронтга жами 218 минг тонна ҳарбий анжомлар, қурол-аслаҳалар, ўқ-дорилар юборди. Буларнинг жами 12 минг

¹ Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, д. 140, л. 22.

² Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, д. 140, л. 39.

³ Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, д. 140, л. 65.

⁴ Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, дело 140 л. 73.

вагонни ташкил қилди. Ана шу маблағларнинг 1/6 қисми Бухоро вилояти меҳнаткашларининг улушидир.¹

Юқорида сўз юритганимиз, кўчириб келтирилган поляклар маҳаллий халқ тилини ва урф-одатларини билмаслиги туфайли улар анча қийналиб қолишди, Поляклар орасидаги зиёлилар, жумладан, врачлар ижтимоий-фойдали меҳнатга тортилди ва уларнинг турмуш шароитлари бироз яхшиланди. Бухоро вилояти ижрония қўмитаси, бор имкониятлари доирасида уларга эътибор берди. Ишга жойлаштириш ва очарчиликдан сақлаб қолишга кўмаклашди. Жумладан, поляклардан Рингель Иосиф Адольфович Бухоро шаҳар касалхонасига, Гюбин Ханни Юревич Ромитан касалхонасига, Гауба Максим Герланович Кармана касалхонасига, Шопиро Маеко Моисеевич Вобкент касалхонасига, Рольберг Эга Исаковна Когон туғуруқхонасига врач-генеколог сифатида, Милькер Анна Шоевна Қизилтена касалхонасига, Ферне Израиль Майзарович Бухоро туманидаги Галла Осис касалхонасига, Брингер Моисей Аранович Гиждувон туманидаги касалхонага врач сифатида ишга жойлаштирилди. Поляклар то урушнинг охиригача шу ерда оила аъзолари билан биргаликда осойишта умр кечирдилар. Уруш тушаи билан Польша-СССР шартномаси тузилиб, поляк фуқаролари Польшага қайтарилиши керак эди. Бухоро вилоятида поляк ва яҳудий миллатига мансуб фуқароларни ўз ватанига юбориш комиссияси тузилди. Бухоро вилояти ижрония қўмитасининг раиси ўринбосари К. Ильчек комиссия раиси бўлиб, бу комиссияга Бухоро вилояти бўйича хавфсизлик қўмитанинг раис ўринбосари Фетисов, Бухоро вилоят ички ишлар бошқарма бошлигининг ўринбосари Ҳасанов, Бухоро вилояти прокурорининг ўринбосари Лисаченколар аъзо қилиб киритилган эдилар. Ушбу комиссия 1945 йил 6 июлда Республика ҳукумат комиссиясига Бухоро вилоятидаги полякларни ўз ватанига юбориш юзасидан барча тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказганлигини маълум қилади. Бухоро вилоят комиссиясининг биринчи йиғилиши 1945 йил 15 декабрда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу комиссия 1946 йил 10 майгача фаолият кўрсатиб, жами 30 та йиғилиш ўтказган ва кўчириш юзасидан муҳим масалаларни муҳокама қилди ва тегишли қарорлар қабул қилди. Ўз юртига қайтариладиган ҳар бир фуқаро учун махсус гувоҳнома тўлдрилиб, уни комиссия тас-

¹ Уша жойда. л. 78.

диқлаган ва Польшадан келган вакил қўлига топширилган Бухоро вилоятига кўчирилиб келтирилган поляк ва яҳудийларни ўз ватанига жўнатиш 1946 йил 25 майда тугатилди.

Ўз юртларига жўнатилаётган поляк фуқаролари дастлаб 124-сонли эшелон билан 1946 йил 21 апрелда жўнатилди. Абзалов эшелон раҳбари этиб тайинланди. Навбатдаги жўнатиш 1946 йил май ойида амалга оширилди. 501-сонли эшелон билан 177 поляк болалар уйлари ва тарбияланувчилари билан жўнатилди. Ҳаммаси бўлиб, бу эшелон билан 283 киши жўнатилди. Эшелон раҳбари қилиб Давидов тайинланди. Учинчи жўнатиш 1946 йил 12 май ойида амалга оширилиб, жами 1763 киши жўнатилди. Тўртинчи жўнатиш 1946 йил 19 майда уюштирилиб жами 778 киши (шундан 102 таси болалар) жўнатилди.¹ Бешинчи жўнатиш 1946 йил, 23 майда амалга оширилди. Бунда 800 киши жўнатилди.²

Урушнинг дастлабки кунидан бошлаб, бутун мамлакатнинг халқ ҳўжалиги ҳарбий ҳолатга кўчиб ўтди. Фронт ортидаги ҳудудлар ғалабани таъминлаш учун фронтга зарур маҳсулотларни етказиб беришга ҳаракат қилинди. Ўзбекистон фронтдан 3,5 минг км. нарида турсада, у фронтни таъминловчи аслаҳахонага айланди. Қуrollаслаҳа тайёрлаш учун темир, қўрғошин, мис етишмас эди. Шунн ҳисобга олиб, 1941 йил 5 июлда ДМҚ сининг раиси И. В. Сталин Ўзбекистон Республикаси раҳбари У. Ю. Юсуповга ва ҳукумат раиси Абдураҳмоновга фронт эҳтиёжлари учун мис топшириш тўғрисида топшириқ берди. Шундан кейин, 1941 йил 12 июлда Ўзбекистон ҳукумати 798-сонли қарорни қабул қилди. Ушбу қарорда тайёр мис қозон, мис офтоба ва бошқа мис буюмлар топшириш тўғрисида кўрсатма берилди. Бу қарорга жавобан 1941 йил 19 июлда Бухоро вилояти Ижроия қўмитасининг 203-Р сонли «Мис қозонларни йиғиш тўғрисида» қарор қабул қилди.³

Мазкур қарор 1941 йилнинг 2 ярмига мўлжалланган бўлиб оининг ҳар ўн куннда бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот топшириш вазифаси барча туман, шаҳар ижроия қўмитаси раислари зиммасига юклатилди.

1941 йил охиригача Бўхоро вилояти меҳнаткашлари 35 тонна ҳажмдаги мис қозонларни йиғиб топширдилар.

¹ Бухоро вилоят архиви ф. 1023, м оп. 1, д. 236, л. 87.

² Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, д. 236, л. 86.

³ Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, д. 73, л. 17.

Топширган бу мис қозонлар эритилиб, қурол-аслаҳа учун турли қисмлар ва ўқлар тайёрланар эди.

1941 йил 23 июндан бошлаб, фронт ҳудудларидан аҳоли ва уларнинг буюмлари, қишлоқ хўжалик ускуналари, саноат ўчоқлари, илмий даргоҳлар, ҳарбий госпиталлар шарққа кўчирила бошланди. Ўзбекистонга 104 та саноат корхонаси, юзлаб илмий-текшириш институтлари, ҳарбий госпиталлар кўчириб келтирилди ва тез фурсатларда қуриб ишга туширилди ҳамда фронт учун зарур маҳсулотларни бера бошлади. Бухоро вилоятига ҳам Харьков велосипед заводи, 8 та ҳарбий госпитал, Брянский қурилиш техникуми, ҳарбий алоқа институти, тўпчилар тайёрлайдиган ҳарбий билим юрти, Одесса шарбат заводи, Ворошиловград драма театри кўчирилиб келтирилади ва жойлаштирилади.

Бухоро шаҳрида яшовчи нафақахўр, уруш йилларида Харьков велосипед заводининг 7-цеҳида ишлаган Нина Ивановна Ермилованинг хотирлашича, цех бошлиғи В. Рутман, цех устаси Э. Ратнерлар бевосита ишчилар билан бирга меҳнат қилган. Ушбу цехда бухороликлардан: Миша Ҳабилов, Ғафур Олимов, Мария Васильевна Кирсанова, Ермиловлар сидқидилдан меҳнат қилганликларини хотирлайди.

Харьков велосипед заводи Бухорога олиб келинган, ҳарбий завод мақомини олади ва ишчи хизматчилар озиқ овқат таъминоти ҳарбий завод даражасини етказилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари эса Бухоро вилояти меҳнаткашлари томонидан йиғилиб, завод ишчиларига юборилар эди.

1943 йил ўрталарига келиб гўшт таъминотида қисман танқислик сезилган, вилоят ижроия қўмитаси раиси Назаровнинг топшириғига биноан, вилоятдаги жамoa хўжаликлари тошбақа йиғишни бошладилар. Йиғилган тошбақаларнинг гўшти фронтга юборилган, қолган бир қисми эса велосипед заводи ишчи-хизматчиларига берилган. Заводнинг махсус магазини бўлиб, 800 кишини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб турган. Завод уруш йилларида узлуксиз, бир маромда ишлаган. Республика ҳукумати ҳамда вилоят ижроия қўмитаси заводни доимий назорат остида олиб турганлар ва зарур пайтларда амалий ёрдам кўрсатганлар.

1943 йил 10 декабрда вилоят ижроия қўмитасининг 14/17-сонли қарори билан завод қошида токарлар ва чилангарлар тайёрланадиган махсус курс очилди. Ушбу курс нафақат завод учун малакали ишчилар, балки ви-

лоятдаги МТС лар учун ҳам ишчилар тайёрлай бошладди. 1943 йил 15 декабрдан — 1944 йил 15 апрелгача ушбу курсда вилоятнинг турли туманларидан келган 25 киши ўқиди ва мутахассислик малакасини оширди. Ўз навбатида Харьковлик ишчилар бухороликларга мутахассислик сир-асрорларини ўргата бошладди. 1944 йил апрел ойига келиб ҳамма МТС лар махсус малакали кадрларга эга бўлди ва вилоятдаги мавжуд техникадан янада унумли фойдаланиш имконини берди.

1941 йил ноябр ойида Москвадан Ҳарбий алоқа илмий-текшириш институти Бухорога кўчирилиб, Бухоро вилоят касаба уюшмаси биносида жойлаштирилди ва уларга барча шароитлар яратиб берилди. Институт жамоаси 1941 йил 14 ноябрдан бошлаб нон, гўшт ва бошқа зарурий кундалик истеъмол маҳсулотлари билан таъминланади. Институт ўзининг 299 ходими билан келган бўлса, илмий синовларни олиб бориш учун бухороликлардан 57 нафари жалб қилинди. Институт вилоят Ҳарбий комиссарлиги билан ҳамкорликда иш олиб бориб, бир қатор ҳарбий-алоқа асбоб-анжомларини синовдан ўтказди.

Худди шунингдек, кўчириб келтирилган бошқа идора ва ташкилотларда баҳоли қудрат ёрдам кўрсатилди...

Уруш йилларида Бухоро вилоятида кўчириб келтирилган госпиталларда 10 мингдан ортиқ ярадор қабул қилиниб, шундан 8 минг киши даволаниб, яна фронтга жўнади. Ҳарбий госпиталларда асосан маҳаллий ҳамширалар хизмат қилдилар. 1941 йил 2 августда Ўзбекистон ҳукумати Ҳарбий дала жарроҳлиги учун врачлар ва ўрта маълумотга эга бўлган тиббиёт ходимлари, шунингдек, заҳирадаги тиббиёт ҳамшираларни қайта тайёрлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди ва бу қарорни амалга оширишни Республика соғлиқни сақлаш комиссарлигига топширди.

Бу қарорга биноан Бухоро шаҳрида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3 ойлик ва 6 ойлик тиббиёт ходимлари тайёрлайдиган қисқа курслар очилди. Ушбу курсни битирганлар Бухоро вилоятининг барча касалхоналарида ва ҳарбий госпиталларида фидокорона хизмат қилдилар.

1941 йил 5 июлда ДМҚнинг қарори билан мамлакатнинг шарқий ҳудудларида фронтга жалб қилинган кишиларни озиқ-овқат билан таъминловчи пунктлар ташкил қилинди. Шулардан бири Бухоро вилоятидаги Когон озиқ-овқат махсус пунктидир. Бу пунктда фронтга

жўнатиладиган аскарларни навбатдаги пунктга етгунча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди.

Пункт Ўрта Осиё республикаларидан шимол ва жануб йўналиши бўйлаб фронтга кетувчиларни озиқ-овқат билан таъминлар эди. Ана шу озиқ-овқатнинг аксарият қисмини Бухоро вилояти меҳнаткашлари бериши, маълум бир қисми эса ҳукумат кўрсатмаси билан Тошкентдан олиниши керак эди. Когон пункти жануб томон кетаётган жангчиларни Ашгабодгача, шимол йўналиши бўйича кетаётганларни Тошкентгача озиқ-овқат билан таъминлаб турди. Когон пунктида 27 киши хизмат қилар, улар ихтиёрида эса 7 та фойтун арава бўлиб, бу аравалар билан вилоятнинг турли ерларидан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинар эди.¹

Когон озиқ-овқат махсус пунктини гўшт, сут маҳсулотлари, картошка, сабзи, пиёз ва ҳўл мева билан таъминлаш Бухоро вилоят матлубот жамияти ва унинг Когондаги тармоғи зиммасига юклатилган эди. Вилоятнинг барча туманларидан Когон матлубот жамиятига юборилган озиқ-овқат ушбу ташкилот орқали тўппа-тўғри озиқ-овқат пунктига етказилган.⁴

Когон озиқ-овқат махсус пунктини Бухоро шаҳридаги 1-сон нон заводи ва Когон нон заводи нон билан таъминлаб турган.

1942 йил 13 сентябрда мудофаа халқ комиссарлигининг ўринбосари Хурилевнинг 3010-сонли буйруғи барча озиқ-овқат пунктларига, жумладан, Когон озиқ-овқат пункти раҳбариятига ҳам юборилди. Ушбу буйруққа биноан 1942—43 йилнинг қиш мавсумига ҳозирлик кўриш, мева, сабзавот йиғиш ва уни сақлаш чорасини кўриш керак эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Бухоро меҳнаткашлари барча қийинчиликларни енгиб, Когон озиқ-овқат махсус пунктини зарурий нарсалар билан таъминлаб турдилар ва Қизил аскарларнинг қийналмай фронтга етиб боришига ва уларнинг мардонавор жанг қилишига ҳар томонлама кўмаклашдилар. Бутун уруш давомида Когон пункти 391 мингдан ортиқ аскар ва зобитларни озиқ-овқат билан таъминлади.³ Дўшман батамом тор-мор қилингандан кейин, фронтдан қайтаётган аскарларни

¹ Бухоро вилоят Давлат архиви. ф. 499, оп. 1, д. 18, л. 3.

² Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 499, оп. 1, д. 18, л. 14.

³ Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 499, оп. 1, д. 30, л. 21.

яна озиқ-овқат билан таъминлаш вазифасини бажарган ушбу пункт 1946 йил декабр ойида ўз фаолиятини тўхтатди.

Бухоро вилояти саноати ҳам уруш даврида тўлиқ ҳарбий ҳолатга ўтиб, фронт эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқишни бошлади. Урушгача тинч аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқараётган саноат корхоналари қисқа муддат ичида самолёт, танк ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Вилоятдаги енгил саноат корхоналари ҳам ҳарбий кийим-кечаклар тикадиган корхонага айлантирилди. 1941 йил 13 ноябрда Бухоро вилояти ижроқўмининг йиғилиши бўлиб, уруш шаронтида вилоят саноатининг иши муҳокама қилиниб, ютуқлар ва камчиликлар сарҳисоб этилди. Саноатни ҳарбий изга кўчириш ишини асосан 1941 йилнинг декабригача тугатиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаси юклатилди. Когон, Бухоро, Ғиждувон, Қармана, Қорақўл, Китоб пахта заводлари олдида 4122 тонна қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди.

1928 йилгача Бухоро вилоятида 16 та саноат корхонаси бўлган бўлса, 1932 йилга келиб уларнинг сони 96 тага етди. 1920 йилгача Бухорода бирорта ҳам химия ва тикув корхоналари йўқ эди. 1941 йилга келиб эса вилоятда 1 та химия корхонаси ва 5 та тикув фабрикаси фаолият кўрсата бошлади. 1920 йилгача Бухоро вилоятида 15 та кичик қўлбола корхоналар бўлган бўлса, уруш бошланган вақтда уларнинг сони 140 дан ошиб кетди.¹ Мавжуд саноат корхоналарнинг бир маромда ишлашида хотин-қизларнинг меҳнати бениҳоят катта бўлди.

1943 йилга келиб, биргина Бухоро шаҳрида 3 мингдан ортиқ хотин-қиз фронтга кетган эркаклар ўрнини эгаллаб, бутун шаҳардаги саноат корхоналаридаги ишчиларнинг 82 фоизни ташкил қилган эди.

1941 йил июл ойида Бухоро шаҳридаги «XVI партсъезди» номли тикув фабрикасининг ишчилари Зинкина, Грудилова ва Журавлевалар раҳбариятга мурожаат қилиб, механиклик касбини ўрганганликларини ва шу ишга ўтказишларини сўрадилар. Бу таклиф қабул қилиниб, улар таъмирлаш механикчилигига ўтказилди.

Шу фабриканинг цех мотористи Қиличева ойлик иш нормасини 80—90 фоиз, С. Кривенда эса 60—70 фоиз ошириб, бажардилар. Қорақўлчилик заводи ишчиси Жумасев, Абулхайров ва Меньшовалар ҳам ойлик нор-

¹ Бухоро вилояти ҳокими олдидаги ф. 1, оп. 1, д. 22, л. 290.

маларини 230 фоиизга етказдилар. Ленин номидаги артел ишчиси Болтаев 1941 йил июл ойи режасини 325 фоииз, бригадир Воҳидов эса 220 фоииз қилиб бажардилар.¹

Бухоро маҳаллий саноат корхоналари ҳам душманга қарши қақшатғич зарба бераётган Қизил Армия учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтдилар.

Маҳаллий саноатчилар металл буюмлари: қошиқ, идиш-товоқлар, фойтун, жами 300 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, фронтга жўнатдилар. 1941 йилнинг 1-ярмида вилоят маҳаллий саноат корхоналари 1 893 300 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, урушнинг бешинчи ойига келиб бу кўрсаткич 2 577 500 сўмга етди. Маҳаллий саноат корхоналари ишчилари ҳам иш нормаларини ошириб бажардилар. Жумладан, Кармана металл буюмлар комбинати ишчилари Ғози Сабуров ва Ашуровлар 235 фоииз қилиб, Бухоро шаҳридаги шапка, бош кийимлар цехининг устаси Лайло Шапиева иш нормаларини 200 фоииз қилиб бажардилар.

Шундай корхоналар бор эдики, уларда ишлаб чиқариш ҳажми урушдан олдинги йилларга нисбатан кескин камайиб кетди. Бунга мисол вилоят пахта тозалаш заводларидир. 1940 йилда пахта тозалаш заводлари 64 миллион 934 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсалар, 1942 йилга келиб бу кўрсаткич 36 309 000 сўмга пасайиб кетди. Вилоятдаги озиқ-овқат корхоналари ҳам 1940 йилда 13 650 000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиққан бўлса, 1942 йилга келиб ишлаб чиқариш ҳажми асосан сабабларга кўра пасайиб кетди. 1941 йилга нисбатан 10 миллион 533 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Урушнинг дастлабки кунидан бошлаб вилоят саноат тармоқлари ҳам барча имкониятларини ишга солиб, Қизил Армия учун махсус маҳсулот ишлаб чиқишга ўтди. Бухоро шаҳридаги «Қизил Маъданчи» артели асосан темирдан турли хил асбоблар: ароба, кетмон, белкурак, ўроқ, ер юмшатгуччи мосламалар ва бошқа турдаги буюмлар ишлаб чиқарарди.

Артел директори Амоновнинг ҳисобига кўра, артелда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дарҳол тегишли жойга, жумладан отнинг наҳали тўғри фронтдаги отлик армия қисмлари ихтиёрига юборилган. Вилоятдаги мавжуд бўлган 5 та тикув фабрикаси ҳам фронт эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтган. Ана шундай

¹ Бухоро ҳақиқати, 2 декабрь 1941 йил.

тикув фабрикалардан бири Бухоро шаҳридаги «ВЛКСМ 20 йиллиги» фабрикаси эди. Ушбу фабрика уруш йилларида 19 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Фабрикада тайёрланган маҳсулотларнинг аксарияти Қизил Армия аскарлари учун юборилди. Бутун уруш давомида фабрика фронтга 21 миллион 573 минг сўмлик маҳсулот жўнатдилар.

Уруш йилларида Қизил Армия учун маҳсулот ишлаб чиқаришда Бухоро «Индпошив» оёқ кийимлари фабрикаси, вино заводи, Қорақўл заводлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

1942 йил март ойида Когон вагон таъмирловчилари барча темир йўлчиларга мурожаат қилиб, 3 кунлик иш ҳақларини банкнинг фронтга ёрдам махсус ҳисоб рақамига ўтказишни ва тўпланган маблағга қирувчи-бомбардимончи самолёт қуриш ташаббусини кўтариб чиқдилар. Бу ташаббусга биринчилардан бўлиб темир йўлчилардан: А. Кондрашов, А. Носков, И. Голиков, А. Коктаев, П. Смертин, А. Тьянов, А. Турков, М. Лукина, П. Журавлена, А. Ярушкина, Н. Фаусгов ва бошқалар қўшилдилар. 1942 йил март ойида Когон темир йўлчилар 3 кунлик иш ҳақларини фронт эҳтиёжларига сарфлаш мақсадида банкнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказдилар.¹

Кармана, Қизилтепа, Когон, Қарши, Қорақўл, Якка-тут темирйўл бекатларининг ишчи-хизматчилари ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб кунлик ва ойлик, ҳатто йиллик нормаларини ошириб бажариб, фронт эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларини белгиланган манзилга етказиб беришда жуда катта меҳнат қилдилар. Кармана темир йўл ишчиси Истам Амонов, Зинаида Абдуллаева, Қизилтепа бекати ишчилари Акром Соҳибов, Эрмат Қобилов, Когон темир йўл ишчилари Володя Иванов, Роза Эшматова, Собир Ҳайдаров, Қарши бекати ишчиси Комил Тошевлар белгиланган иш нормаларини 120 — 125 фоиз қилиб бажардилар. Шунинг учун ҳам уруш йилларида бирор марта ҳам Бухоро вилояти ҳудудидаги темир йўлларда ноҳуш ҳодисалар юз бермади. Бу билан улар буюк ғалабани таъминлашда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

Бу оммавий сафарбарликда вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам катта сновдан ўтдилар. Жуда оғир қийинчиликларга қарамай бухоролик деҳқонлар фронт

¹ Бухоро вилояти давлат архиви ф. 1157, оп. 1, д. 65, лист 44.

учун, Қизил Армия учун, ғалаба тонгини тезроқ отиши учун кеча-кундуз фидокорона меҳнат қилдилар.

Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари тез фурсат ичида қишлоқ хўжалигини ҳарбий изга кўчириб, Қизил Армияни озиқ-овқат билан таъминлаш ва саноат учун хом-ашёлар етказиб беришдан иборат муҳим вазифани бажаришга киришдилар. Чунки урушнинг дастлабки ойларида жуда катта ғаллакор ҳудудлар душман қўлига ўтиб қолган, оқибатда ғалла етиштириш вазифаси мамлакатнинг шарқий ҳудудлари зиммасига юкланган эди.

Бухоро вилоятининг қишлоқ аҳли урушнинг биринчи кунларидан бошлаб, кўчириб келтирилганларни ўз бағрига олиш билан бирга фронтга несик кийим йиғиш, аскарларга совғалар тайёрлаш ишида биринчилар қаторида фаоллият кўрсатдилар. 1941 йил 23 июнда «Вобкентда меҳнаткашларнинг катта йиғини бўлиб, унда бундан буён янада унумлироқ меҳнат қилиш, пахта қатор оралари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришни кучайтириш орқали юқори ҳосил олиш ташаббуси билан чиқдилар.¹

Вобкентликлар ташаббуси бутун вилоят деҳқонлари томонидан қўллаб-қувватланди ва кўпчилик жамоалар бу ташаббусга қўшилдилар. Ёждувон туманидаги МТС тракторчиси Омон Раҳмонов ўзининг «Универсал» трактори билан 1941 йил 8 июлигача 1075 гектар ерга ишлов бериб, 254 кг. ёқилгини тежашга муваффақ бўлди. Тракторчи Рамзи Сафаров, Э. Икромовлар ҳам кунлик нормаларини 2—2,5 барабар қилиб бажардилар. Хотин-қиз тракторчилар ҳам бу ташаббусга қўшилиб, фронтга кетган эрлари ўрнида ишлаб, кунлик нормаларини ошириб удаладилар. З. Ибрагимова, Олия Қурбоновалар ана шундай ташаббускор тракторчилардан эдилар.²

1941 йил 29 июлда Бухоро туманидаги «Ширгирон» қишлоқ шўросига қарашли деҳқонлар йиғилиб, ўрим-йиғим мавсумининг бориши, пахта орасига ишлов бериш тўғрисида гапириб, тез фурсатларда ғалла йиғим-термини яқунлаш, жамоат чорваси учун дағал хашак йиғишни бошлаш, давлатга гўшт, сут, мева, сабзавот топшириш режасини бажариш зарурлиги ҳақида тўхталиб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларидаги топши

¹ Красная Бухара, 25 июня 1941 й.

² Красная Бухара, 13 июля 1941 г.

риқларни ошириб бажариш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ойдиной Алимова меҳнат қилаётган «Коммуна» жамоа хўжалиги туманда биринчи бўлиб, гўшт, ғалла топшириш режаларини ошириб бажарди. Қоракўл туманидаги «Саёт» қишлоқ шўросидаги Сталин номли жамоа хўжалиги аъзолари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан душманни тор-мор қилишга астойдил кўмаклашдилар. Жамоа хўжалиги аъзолари урушгача ҳар куни 18 гектар ерга ишлов берган бўлсалар, уруш даврида кўпчилик эркаклар фронтга кетганлигига қарамай, ҳар куни 28—29 гектар ерга ишлов бердилар. Ушбу жамоа хўжалиги аъзолари Ғиёс Камолов, Ҳамроева, Ҳафизовлар ҳар кунлик нормаларини 100—300 фоиз қилиб бажардилар.¹

Ғиждувон ва Шофиркон тумани деҳқонлари 1941 йилда мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Ғиждувон туманидаги Сармижон қишлоқ шўросидаги Сталин номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари 1941 йилда ҳар гектар ердан 22 центнер ўрнига 26 центнердан ҳосил олдилар.² Бухоро туманидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг Раҳим Ғуломов бригадаси, «Қизил трактор» жамоа хўжалигининг Тўхта Қурбонов, Ромитан туманининг Ленин номли жамоа хўжалигининг Эргаш Ҳайдаров бригадаси, Сталин номли жамоа хўжалигидаги Раҳмон бобо бригадаси, Свердлов туманидаги «Коммунизм» жамоа хўжалгидаги Қурбонов бошлиқ бригадалари ҳам 1941 йилда ҳар гектар ердан 50 центнер ва ундан ошириб пахта тайёрладилар.²

Иттифоқ ҳукуматининг кўрсатмасига кўра, 1942—43 йилларда пахта майдонлари қисқартирилиб, ғалла экиладиган майдонлар кўпайтирилади. Ушбу кўрсатмага кўра, вилоятда бу йиллар ичида пахта майдонлари қисқариб, ғалла экиладиган майдонлар кўпайди.³

1942 йилда вилоятда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари: ғалла, гўшт, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ошиши ҳисобига пахта етиштириш камайди.

1942 йилда Бухоро вилояти қоракўлчилари 1941 йилга исбатан 14000 дона кўп қоракўл тери топширдилар ва режани 118,1 фоиз қилиб бажарди. Худди шу йили

¹ Красная Бухара, 1 августа, 1941 г.

² Бухоро вилояти ҳокимияти Давлат архиви ф. 1, оп. 1, д. 108, л. 10.

³ Правда Востока, 8 января 1944 года.

пилла тайёрлаш режаси ҳам муддатидан олдин 103,4
фониз қилиб бажарилди.

Бухоро вилояти 1942 йилда режадагидан 53 минг 311
тонна кам пахта етиштирди. Вилоят деҳқонлари давлат-
дан 41 миллион сўм маблағ ололмадилар, оқибатда ви-
лоят деҳқонлари 1941 йилга нисбатан 180 миллион сўм
кам даромад қилдилар.¹

1944 йилга келиб эса вилоятда пахта ва бошқа қиш-
лоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми оша
бошлади. 1944 йилда фронтларда жанг қилаётган, бухо-
ролик жангчилар вилоят деҳқонларига хат йўллаб, улар-
ни янада яхшироқ ишлашга даъват этдилар.

Бухоролик Совет Иттифоқи Қаҳрамони К. Тихонов ўз
хатида: «Хўрматли ҳамюртларим, бухороликлар! Пахта
етиштиришни кўпайтириш учун курашинглар, биз ғала-
ба учун жангни кучайтирамиз. Сиз қанча кўп пахта бер-
сангиз шунча ғалаба кунини яқинлаштирасиз», — деб
ёзган эди.²

1944 йил феврал ойининг охирида Шофриконтума-
нидаги Молотов номли жамоа хўжалигида катта митинг
бўлиб, хўжаликнинг собиқ аъзоси Халлоқ Аминов
Днепрдан биринчилардан бўлиб кечиб ўтганлиги учун
мукофот — «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони билан
мукофотланганлиги ушбу митингда эълон қилинди.

Митингда туман партия қўмитасининг котиби Хўжа-
ев сўзга чиқиб: «Ҳамюртчимиз Халлоқ Аминовнинг қаҳ-
рамон бўлиши бизни жуда хурсанд қилди. Биз Халлоқ
Аминовнинг қаҳрамон бўлганлиги муносабати билан
янада яхшироқ ишлашимиз, кўпроқ пахта етказиб, дав-
латга топширишимиз зарур», — деди. Шундан кейин
қаҳрамон шарафига туманда баҳорги экиш ишларига
тайёргарлик зарбдор икки ҳафталиги эълон қилинди.

Вилоятда Валижон Набиев, Шариф Эргашев, Юрий
Биков, Пименов каби ўғлонлари шарафига ҳам янада
яхшироқ ишлаш ҳафталиги эълон қилинди. Бухоролик
деҳқонлар ҳамюртлари жасоратларига ўзларининг фидо-
корона меҳнатлари билан жавоб бердилар.

1943 йил декабр ойида вилоят саноатчилари деҳқон-
ларга ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилиб, 1944
йил март ойигача 25 минг дона қишлоқ хўжалик маши-
налари учун эҳтиёт қисмлар етказиб бердилар.

Бухоролик деҳқонларни фидокорона меҳнатлари ту-

¹ Бухоро вилояти Давлат архиви ф. 1184, оп. 1, д. 159, лист 13.

² Красная Бухара, 30 марта 1944 года.

файли 1944 йил пахта ҳосили анча эрта етилди, натижада ҳосилни териб олиш ишлари ҳам эрта бошланди. Натижада вилоят деҳқонлари 1944 йил 10 декабрда пахта тайёрлаш режасини бажариб, давлатга 311 минг тонна пахта топширдилар.¹

Бухоро вилояти давлатга 1944 йилда 1943 йилга нисбатан 35 минг 60 тонна кўп пахта берди. Ҳосилдорлик эса 43 фоизга ошди.

1945 йилда ҳам вилоят пахтакорлари пахтадаёи юқори ҳосил олиб, 1944 йилга нисбатан 18 минг 310 тонна кўп пахта тайёрладилар. Бухоро чорвадорлари ҳам деҳқонлар сингари уруш йилларида кўпроқ гўшт, сут, жун етказиб бериб, ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Бухоролик чорвадорлар фронтга, Когон озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга чорва моллари туғини кўпайтиришга эришдилар.

Вилоят пиллакорлари ҳам пилла етиштиришни кўпайтириб, авиация қисмларига кўпроқ парашют етказиб берди. Пиллакорлар давлатга қанча кўп пилла топширилса, Қизил Армиянинг мудофаа қудратини шу қадар кучайишини юракдан ҳис қилиб, ҳар қандай шароитда ҳам кўпроқ пилла топширишга эришдилар.

1943 йил бошларида Ромитан туманидаги «Калипин» қишлоқ хўжалиги артели пиллакорлари барча вилоят пиллакорларига мурожаат қилиб, пилла ҳосилдорлигини ошириш ташаббуси билан чиқдилар.²

Ушбу ташаббус вилоятдаги барча пиллакорлар томонидан қизғин кутиб олинди. Ғиждувоп, Ромитан, Шофиркон туманларида пилла етиштириш ошиб, ҳар қутисидан 100 кг. гача пилла олинди. Маълумки, Ўзбекистон 1941—1945 йилларда 300 мингдан ортиқ ҳарбий парашют тайёрлаб фронтга юборган бўлса, шунинг 54 мингдан ортиқроғи учун хом ашёни Бухоро вилояти пиллакорлари етказиб бердилар.

Хуллас, бухоролик деҳқонлар жуда катта қийинчиликларга қарамай бор имкониятдан унумли фойдаланиб Қизил Армия учун кўп маҳсулот етиштириб бердилар ва ғалабани яқинлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб республика зиёлилари халқни душманга қарши курашга даъват этдилар. 1941 йил 28 июнда республика маориф халқ ко-

¹ Бухоро вилоят давлат архиви ф. 1184, оп. 1, д. 38, л. 137.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ф. 837, оп 32, дело 266, л. 39.

миссарлиги коллегияси йиғилишида халқ маорифи ходимлари олдидаги энг асосий вазифа — фронтга ёрдам кўрсатиш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборат эканлиги қайд қилинди. 1941 йил июн ойида тошкентлик ўқитувчи ва ўқувчилар ташаббусига қўшилган бухоролик халқ маорифи ходимларидан 2100 ўқитувчи ва 23700 ўқувчи, деҳконларга ёрдам бериш учун жамоа ва давлат хўжаликларига чиқдилар.¹

Бухоролик ўқитувчилар барча республика ўқитувчилар сингари фронт ва фронт ортидаги воқеалар ривожини кенг меҳнаткашлар оммасига тушинтиришда фаол иштирок қилиш билан бирга уруш йилларида вилоят ўқитувчилари олдида турган энг муҳим ва мураккаб вазифалардан бири — мактабни сақлаш, ўқувчиларни мактабга тортиш, янги ўқитувчилар контингентини сақлаб қолишдан иборат эди. Уруш йилларида болалар ўйлариининг сони кўпайиб, уларда тарбияланувчиларнинг сони ҳам ошган эди. Тарбияланувчилар орасида ўқув-тарбия ишларини олиб бориш ҳам ўқитувчилар зиммасига юкланди. Бундан ташқари ўқитувчилар зиммасига фронтга ёрдам фондларини тўлдириш вазифаси ҳам топширилди. Бу борада уларнинг ёрдами деҳқон ва ишчиларникидан кам эмас эди. Ўқитувчилар мавжуд қийинчиликларга қарамай ўз вазифаларини аъло даражада адо этдилар. 1941 йилда Бухоро вилоятида 349 та мактаб бўлиб, 1945 йилда уларнинг сони 370 тага етди.² Уруш даврида вилоят ўқитувчилари орасида «Энг яхши билимлар ўқувчиларга» шиори кенг ёйилди. Ташаббускорлар кетидан эргашган минглаб ўқитувчилар ўқувчиларга фан асосларини сингдириш, намунали тарбия бериш борасида изландилар. Бундай ташаббус издошлари сафи кундан кунга кўпая бориб, уруш йиллари эҳтиёжидан келиб чиқиб, вилоят мактабларида жисмоний-ҳарбий ишларни ўргатишга алоҳида эътибор берилди. Мактабларда милтиқ ушлаш ва уни отиш ҳамда мудофаа ишлари билан боғлиқ машғулотлар нафақат дарсда, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам ўргатилди. 1944 йил 1 апрелигача вилоятдаги 2543 та синфда, 64311 ўқувчи билан ҳарбий мудофаа бўйича махсус тайёргарлик дарслари ўтказилди. Булар фронтга юборилувчи ёшларни ҳарбий-мудофаа ишларига тайёрлашга хизмат қилди ва муҳим аҳамиятга эга бўлди. Вилоятдаги акса-

¹ Бухоро вилояти Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, дело 216, л. 113.

² Бухоро вилояти Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, д. 216, л. 115.

рийт мактабларда дарс намунали олиб борилганлиги, тарбиявий ишлар ўз вақтида ўтказганлиги туфайли вилоят мактабларини битирган кўплаб ўқувчилар фронтга, бир қисми эса фронт ортини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшдилар. Уруш йилларида вилоят ўқитувчилардан жуда катта билим, маҳорат, меҳнат талаб қилинар экан, ўз устида тинмай ишлаш, билим ва касб маҳоратини тинмай ошириб борган кўплаб ўқитувчилар номини мисол сифатида келтириш мумкинки, улар ўз шоғирдларига яхши билим бериб, уларни ғалабага муносиб ҳисса қўшишга даъват этдилар. Жумладан, Карманадаги «Дўрмон» номли мактабнинг география ва ўзбек тили ўқитувчилари Синаев ва Синаевалар, Шофиркондаги Сталин номли мактаб ўқитувчилари Маҳмудов ва Баракаева, Ғиждувондаги Ленин номли мактаб ўқитувчилари Галимова ва Эшонқуловалар ана шундай ўқитувчилардан эди.

Уруш йилларида мактабларнинг моддий-техникавий аҳволи ва кадрлар билан таъминланиш даражаси яхши эмас эди. Чунки урушнинг дастлабки кунларидаёқ жуда кўп ўқитувчилар фронтга кетганлиги, улар ўрнини тўлдирувчилар бўлмаганлиги, олийгоҳларнинг юқори курс студентлари ҳам фронтга жалб қилинганлиги сабабли ўқитувчилар етишмас эди. Мактаблар учун ўқув хоналари, ўқув бинолари етишмасди. Чунки кўчириб келтирилган госниталлар, болалар уйлари аксарият ҳолларда мактаб биноларида жойлаштирилган эди. Ўқув дарсликлари ва қуроллари, дафтар, ручка, қалам етишмас эди. Ана шундай бир оғир шароитда юқори билим даражасига эга, Ватанни жонидан севувчи ёш авлодни тарбиялашга ҳалол ва машаққатли меҳнат туфайлигина эришилди.

Фашизмга қарши урушнинг кейинги йилларида ҳукумат республикада халқ маорифини, таълимни ривожлантиришга моддий ва амалий ёрдамни янада кучайтирди.

Бухоро вилоятида халқ маорифи учун 1941 йилда 29,4 миллион сўм ажратилган бўлса, 1945 йилга келиб бу кўрсаткич 53,7 миллион сўмга етди.¹ Давлат томонидан маблағ ажратишнинг ортиб бориши, вилоятда халқ маорифининг ҳар жиҳатдан ривожига кўмак берди. Бухоро маорифчилари ва ўқувчилари ғалабани тезлаштириш учун имкониятлар даражасида моддий ёрдам кўрсатдилар. Уруш йилларида бухоролик ўқитувчилар ва ўқувчилар мудафаа учун 225 минг сўм тўплаб топшир-

ганлар. Вилоят ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоаси му-
дофаа учун 225 минг сўм пул тўплаб, пулга «Бухоро
ўқувчиси» деган самолёт қуришга қарор қилдилар.

Вилоят мактабларини келгусида кадрлар билан таъ-
минлаш мақсадида 1943—44 ўқув йилидан бошлаб Бухоро педагогика институтининг сиртқи бўлими қайтадан
иш бошлади. Унинг бир неча бўлимлари студентларни
қабул қилиб, ўқитувчилар тайёрлай бошлади. Институт
жамоасининг бир қисми урушнинг биринчи кунидан
эътиборан ўз ихтиёри билан фронтга кетиш ташаббускор-
лари бўлиб, ватанпарварлик намуналарини кўрсатган
эдилар. Шу боисдан ҳам уруш йилларида Бухоро пе-
динститутида мутахассислар етишмаслиги натижасида
ўқув ишларини мўтаъдил олиб бориш имконияти йўқ
эди. Аммо шунга қарамасдан олийгоҳда ёшларни ўқи-
тиш, мутахассис кадрлар тайёрлаш ишларини замон
талаблари даражасига кўтаришга ҳаракат қилинди. 1942
йилдан бошлаб институтнинг Гиждувон ва Шофиркон-
даги бўлимлари иш бошлади. 1930 йилдан 1941 йилгача
институт учта — Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вило-
яти мактаблари учун 631 ўқитувчи тайёрлаган бўлса,
1941—45 йилларда эса 610 ўқитувчи тайёрлади ва халқ
маорифининг турли соҳаларида ишлашга юборди.¹

Вилоят ҳукумати уруш даврида соғлиқни сақлаш
тизимини мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Соғ-
лиқни сақлаш мутахассисларига керакли асбоб-анжом-
лар, дори-дармонлар билан таъминлади ва кишилар
соғлиғини мустаҳкамлаш соҳасида мазкур муассасалар-
нинг имкониятларини кучайтиришга аҳамият берилди.
1944 йилда бу соҳа учун вилоятнинг умумий бюджети-
дан 27 426 000 сўм ажратилди. Ана шу маблағнинг 11
миллион 969 минг сўми фақат даволаш-профилактика
ишлари учун сарфланди.²

1941 йил август ойида вилоят партия қўмитасининг
қарори билан «Ярадор бўлган жанчиларга ёрдам» қў-
митаси ташкил этади. Кўчириб келинган ҳарбий госпи-
таллар билан бирга доимий ҳарбий госпитал тузилиб,
минг ўринли жой ажратилди. Шу билан бирга вилоят-
нинг 16 туманида ярадорларни қабул қиладиган махсус
пунктлар очилди ва қисқа фурсатда зарурий асбоб-ан-
жомлар билан таъминланди. Бунга эришишга вилоят
меҳнаткашлари амалий ёрдам кўрсатдилар.

¹ Бухоро вилояти Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, д. 216, л. 129.

² Бухоро вилояти Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, д. 217, л. 57.

Бухоро вилоятида маданият, санъат ходимлари ҳам ғалабага ўзларининг жуда катта ҳиссаларини қўшдилар. Бухоро драма театри уруш йилларида ўз сахнасида намойиш этган пьесалар билан кишиларнинг душманга бўлган нафратини оширишди. «Қурбон Умаров», «Бизнинг шаҳарлик йигит», «Даврон ота» ва бошқа сахна асарлари шу театрда сахна юзини кўрди. Бухоро театри артистлари фронт ортидаги йирик қурилишларда шунингдек, уруш жангоҳларида бир неча бор бўлиб, ўз санъатлари билан халқ руҳини кўтардилар.

1941 йил 29 августда вилоят ижроия қўмитаси самаралий хизматлари учун ғиждувонлик ҳофиз Бобоқул Файзуллаевни тақдирлашни Республика Олий Совети Президиумидан сўради.¹ Кейинги йилларда Б. Файзуллаев Тожикистонда ижод қилди ва бир неча шогирдлар тайёрлади. Шулардан бири — унинг ўғли СССР халқ артисти Аҳмад Бобоқуловдир.

1941—1942 йилларда Сурхондарё Ғойсун — Денов темир йўл қурилиши қатнашчиларига Бухоро драма театри артистлари концертлар қўйиб бердилар.

Хуллас, уруш йилларида вилоят илм-фан, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ва маданият ходимлари, бутун зиёлилар армияси ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан буюк ғалабани тезлаштиришда муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

1941—25-йилларда Бухоро вилоятидан 73688 киши фронтга кетган эди. Ана шулардан 176 таси хотин-қизлардир. Вилоятнинг Свердлов туманидаги Сталин номидаги жамоа хўжалиғи бошлиғи, 70 ёшли Раҳмонбобо Шариповнинг очиқ хати бухоролик жангчиларни руҳлантирди: «Мен 60 ёшга кирдим,— деб бошлайди ўз хатини Раҳмон бобо.— Ҳаётнинг яхши ва ёмон кунларини кўрганман. Инқилобгача қишлоқдаги Умарқулибойишикида мардикорлик қилганман. Ҳаётим оғир кечар эди. Ниҳоят, ҳозир жамоа хўжалигида меҳнат қиляпман. Немисфашистлар бу барчанинг баробар ғаними. Шунинг учун барчангизни душманни қириб ташлашга чақираман».

Бу каби хатларга жавобан жангоҳларда мардлик намуналарини кўрсатаётган бухоролик аскар ва зобитларнинг ўз ҳамюртларига юборган хатида қуйидаги фикрлар бор, «Ҳурматли биродарлар! Бухоро халқи

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ф. 837, оп. 32, д. 281, л. 33.

бизга душманга қарши қўлга қурол олишни буюрибди, буни биз бажаряпмиз. Биз бошқа жанговор дўстларимиз билан бирга Қизил Армия кучига куч қўшяпмиз. Душманга қарши қақшатғич зарба беряпмиз. Биз ҳамюртларимиз Ражабов, Саодатов, Тошбоев, Остонов, Бекмуродов, Назаров ва бошқа солдат, офицерлар билан фахранимиз. Биз Ватан учун, халқ учун онт ичиб айтамызки, то охирги томчи қонимиз қолгунча душманга қарши курашамиз. Битта ҳам фашистни қолдирмасдан қириб ташлаймиз. Биз сизларга мурожаат қилиб шуни айтмоқчимизки, ҳурматли бухороликлар, янада яхшироқ меҳнат қилиб, мамлакат мудофаасини, Қизил Армияни кучайтиришга ўз ҳиссаларингизни қўшингизлар!»

Хатда 23 нафар бухоролик жангчилар измо чеккан эди. Бу хат Бухородаги кўп минг кишилик меҳнаткашлар митингида ўқиб эшиттирилди ва бунга жавобан бухороликлар ватанпарварлик ташаббуси билан чиқа бошладилар. Бухоро шаҳридаги «ВЛКМ 20 йиллиги» тикув фабрикасининг собиқ ишчиси, Ғарбий фронт жангчиси Реденкий ўз ишчи ўртоқларига хат ёзиб қуйидагиларни айтганди: «Сизларни ишонтириб айтаманки, шафқатсиз душманни қириб ташлайман. Албатта Қизил Армиянинг ғалабаси учун фронт ортининг ёрдами керак. Шунинг учун сизларни янада яхшироқ меҳнат қилишга чақираман. Ғалаба биз томонда!»¹

Когонлик Қизил Армия жангчиси Иван Моряков синглисига ёзган хатида «Сизларнинг олдиларингизда қасам ичиб айтаманки, мен то бир томчи қоним қолгунча душман билан жанг қиламан»,² деб ёзган эди.

Бухоролик фельшерлар тайёрлаш курсининг талабаси Ҳаким Самадов урушнинг биринчи кунларидаёқ ўз ихтиёри билан фронтга кетиб, душманга қарши жанг қилди. Москва остоналаридаги жасоратлари учун иккита жанговор орден билан тақдирланди. Эшмурод Азизов Сталинград остоналаридаги жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Улимидан кейин жанговор орден билан мукофотланди.³

Москва остоналарида Валижон Набиев, Бобоқул Абзалов каби юзлаб бухороликлар қаҳрамонлик кўрсатиб, 188 та бухоролик жангчилар «Москва мудофааси» меда-

¹ Красная Бухара 21 декабря 1941 года.

² Красная Бухара 23 декабря 1941 года.

³ Красная Бухара 23 февраля 1945 года.

ли билан тақдирланди. Сталинград остоналарида ҳам бухороликлар мардлик намуналарини кўрсатдилар. Қорақўл туманининг «Янги бозор» қишлоқ шўросидан Ҳантов Сталинград frontiда ҳаёт ва мамот жангларида иштирок этиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жанговор «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланган.

Худди шунингдек, Саиджон Саломов, Нуриддинов, Ҳайит Хўжаматов, Раҳматулин, Собир Охунжонов, Мавлонов, Камол Ниёзов, Али Аминов, Нуъмон Умаров, Н. Шеров, Ботир Шодмонов, Собир Бутабоев сингари бухоролик ўғлонлар Сталинград остоналарида қаттиқ жанг ҳаракатларини олиб бордилар.¹

Бухоро вилояти Ромитан тумани Лаглаққа қишлоқ шўросидаги Ленин номли жамоа хўжалиги аъзоларининг Сталинград frontiдаги 228-ҳарбий қисм жангчилари, командирлари ва сиёсий ходимларига ёзган мактуби жангчиларни қаҳрамонона жанг қилишга ундади. Мактубда ўзларининг жамоа хўжаликларининг собиқ аъзоси, жангчи К. Пўлатовни Сталинград учун бўлган жангларда душман танкларини шаҳарга киритишга йўл қўймасдан, Ватан учун, мамлакатимиз озодлиги ва бахт саодати учун қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан кейин, Ленин номли жамоа хўжалиги аъзоларининг катта митинги бўлганлиги ҳақида ёзишади.

«Ватанимизнинг шонли фарзандлари! — деб бошланган эди мактуб. — Қолхозимизга қайғули бир хабар келиб қолди. Қолхозимиз аъзоси, комсомол К. Пўлатов Сталинград остоналарида ҳалок бўлибди. Бироқ ҳам-қишлоғимиз Пўлатовнинг вафоти тўғрисидаги мусибатли хабарини эшитиб кўзларимиздан ёш оқмайди, балки қалбимизда немис-фашистларига нисбатан қаттиқ қаҳр-ғазаб ҳислари алангаланиб ёнади. Ватанимиз учун ўзининг ёш ҳаётини қурбон қилган Ватанимизнинг содиқ фарзанди билан фахрланиш туйғулари тўлиб-тошиб кетади.

Ўзбек халқи фарзандларининг қўлига қурол топширган вақтда: «Қадрдон фарзандларимиз, шердек ботир бўлингиз! Мамлакатимизнинг қардош халқлари билан бир сафда ёнма-ён туриб, фашист ваҳшийларини аямай яксон қилишингиз, муқаддас совет юртини гитлерчи ифлослардан тозалангиз!» — деган фармон берган эди.

Ўзбекистоннинг шонли ўғлони, қаҳрамонларча ҳалок бўлди! Ватанимиз Пўлатовнинг бу ажойиб қаҳрамонли-

¹ Бухоро ҳақиқати, 30 январь, 1943 йил.

гини ҳеч қачон эсдан чиқармаяжак! Халқ унинг ҳақида қўшиқлар тўқийди. Қариялар унинг қаҳрамонлиги ҳақида ўз невараларига қасидалар айтиб беражаклар!

К. Пулатовнинг ўғли Рауфжон, Ватан учун ўз жонини қурбон қилган отаси билан фахрланажак. Биз Қизил Армиянинг мислсиз галабаларидан илҳомланган Ленин номли жамоа хўжалигининг аъзолари Ватанимизнинг ҳимоячилари бўлмиш сиз қимматли ўртоқларимизни ишонтириб айтамизки, ўзбек халқи фашист босқинчилари устидан узил-кесил галаба қозониш учун нимаки талаб қилинса, ҳаммасини бажо келтиражакмиз! Биз қасамёд қилиб айтамизки, кўкламги экиш мавсумига жанговор тайёргарлик кўрамиз. Биз фронтга ва мамлакатимизга янада кўпроқ хом-ашё ва озиқ-овқат берамиз. Биз 15 мартгача баҳорги ер ҳайдашни, 10 апрелгача эса чигит экишни тугатишга қарор бердик. Биз гектаридан камида 20 ц. пахта, 95 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан камида 12 ц. дан ҳосил олиш, кўкламда ипак қурти боқишга барвақт тайёргарлик кўриш ва давлатга ҳар бир қутидан 60 кг. дан пилла топшириш мажбуриятини оламиз!

Қимматли жангчилар, командирлар ва сиёсий ходимлар! Биз Ватанимизнинг шон-шарафи учун сизларга куч-қудрат тилаймиз. Гитлерчи аблаҳларни беармон қириб ташлангиз! Совет яроғ-аслаҳасининг шухратини янада оширингиз! Буюк мамлакатимизнинг барча халқлари, шу жумладан бутун ўзбек халқи сиз билан доимо бирга эканлигини эсдан чиқармангиз. Бахтиёр Ватанимиз учун олга! Жонажон, севикли Сталинимиз учун, олга! Немис газандаларига ўлим».¹

Бу хат ўзбекистонлик жангчиларни тўлқинлантириб юборди. Хатдан руҳланган ўзбек ўғлонлари душманга қарши жангни янада кучайтиришга ваъда бердилар. Жангчилар ҳам ўзбекистонликларга жавоб хати йўлладилар, унда «охирги томчи қонимиз қолгунча душманга қарши жанг қиламиз»,— дейилган эди. Бухоролик жангчилар ҳам шаҳар партия қўмитасининг котибига хат йўлладилар.

«Ҳурматли бухоролик қардошлар! — деган эдилар улар ўз хатларида. — Биз бухороликларнинг мурожаатини ўқиб, жуда қаттиқ тўлқинландик, ушбу тархий хат бизни янада қаттироқ жанг қилишга стаклайди. Биз сизларни ишонтириб айтамизки, охирги қонимиз қол-

¹ Қизил Ўзбекистон, 20 февраль 1943 йил.

гунча душман билан жанг қиламиз. Аслонов, А. Абидов, И. Баратов, Гадоев».¹

Курск, Орел остоналарида, Днепрдан кечиб ўтишда ҳам бухороликлар катта қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Бир неча бухоролик ўғлонлар Днепрдан биринчилар қаторида кечиб ўтдилар. Валижон Набиев, Халлоқ Аминов, Камол Жамоловлар бу кечувдан муваффақиятли ўтганлари учун «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлдилар.

Мамлакатнинг ғарбий ҳудудларини озод қилишда бухороликлар ҳам жуда катта жасорат кўрсатдилар. Бухоро туманидаги Каганович жамоа хўжалиги собиқ механиги Адиз Рўзиев душманнинг, 10 та танкига қарши жангга кирди. Қўлидаги гранаталарни бирин-кетинлик билан танкка қарата иргита бошлади. Шу тариқа душманнинг 6 та танкини ишдан чиқарди. 1944 йил бошларида Свердлов тумани Свердлов жамоа хўжалиги аъзоси Тўра Қурбонов кўрсатган қаҳрамонлиги учун жангвор «Қизил Байроқ» Ордени билан мукофотланган.

Улуғ Ватан уруши жангоҳларида ўнлаб бухоролик хотин-қизлар бўлиб, шулардан бири Бухоро музикали драма театрининг артисти Раҳима Олимовадир. У фронтда санинструктор сифатида хизмат қилиб, юзлаб ярадорларга ёрдам берган. Р. Олимова 1944 йилда жанг майдонларидан 97 ярадорни олиб чиққан ва уларни даволашга ёрдам берган. Аня Антонова, В. Ефросинья, Аня Давронова, Хосият Усмоновалар ҳам жасорат кўрсатиб, эл оғзига тушди.

Шарқий Европа мамлакатларини озод қилишда бухороликларнинг ўз улуши бор. 484 бухоролик «Варшавани озод қилганлиги» учун, 135 киши «Венани олганлиги учун», 194 киши «Прагани озод қилганлиги учун», 159 киши «Будапештни озод қилганлиги учун» медаллари билан мукофотланганлар.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, бирлик, ҳамжиҳатлик, она Ватанга содиқлик, уни чинакамига севиш, она юртимизнинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билиб авайлаб-асраш буюк ғалабамизнинг омили бўлди.

¹ Бухоро ҳақиқати, 24 ноябрь 1942 йил.

ХАЛЛОҚ АМИНОВ

Халлоқ Аминов 1915 йил 3 майда Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги Искогаре қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. Улуғ Ватан уруши бошлангунча тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлаб, жамоа хўжалиги далаларида меҳнат қилган, кейинроқ бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. 1942 йил 12 январда кўпчилиқ ҳамқишлоқлари сингари Халлоқ Аминов ҳам фронтга отланди.

Халлоқ Аминов Бухородан тўғри Душанбе шаҳрига, ундан кейин Қўрғонтепага махсус тайёргарликни ўтайди. Қўрғонтепада тузилган махсус дивизияда ҳарбий тайёргарликни ўтагач, шу ердан тўғри Сталинград фронтига жўнади. Х. Аминов отлиқ аскарлар полкида хизматни бошлайди ва Сталинград остоналаридаги жангларда қатнашди. 1942 йил охирида Қизил Армия душманнинг Ўрта Дондаги катта қисмларини тор-мор келтирди. Ана шу вақтда Халлоқ Аминов хизмат қилаётган отлиқ аскарлар полки Сталинграднинг жанубидаги душманга қаттиқ зарба бериб, Катянникова йўналишидан ўзининг қуршовдаги армиясини қутқариш учун келаётган душман қисмларининг катта қурол-яроғ, ўқ-дорин ҳамда озиқ-овқат омборини қўлга киритди.

Халлоқ Аминовнинг фаол қатнашган дастлабки жанги жуда катта ғалаба билан тугади. Халлоқ Аминов полки душмanning чекинаётган қисmini қувиб борар экан, Дон этагида немисларнинг катта қисmini тор-мор келтирди. Ана шу жангдан кейин бир неча ўртоқлари билан Халлоқ Аминов Воронеж яқинидаги бир ярим ойлик кичик зобитлар тайёрлайдиган курсига юборилади. Курсни муваффақиятли тамомлаган Халлоқ Аминов яна ўз қисмига келди ва танкка қарши снаряд отувчи қисм командири бўлиб хизмат қилди.

Халлоқ Аминов полки Сталинград жангида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатди. 1943 йил бошида Халлоқ

Аминов Сталинграддаги қаҳрамонликлари учун «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди. Шу йил ўрталарида душманини қувиб Украина ҳудудига кирган Халлоқ Аминов полки сентябр ойида Украинанинг Чернигов шаҳри бўсағаларида душманга қарши шиддатли жанг олиб бораётган отлич аскарлар дивизияси таркибига қўшилади. Халлоқ Аминов 10 сентябр куни шу дивизия билан биринчи жангга киради. Халлоқ Аминов полки немисларнинг 300 кишилиқ қисмига қарши жангга кириб душманини чекинишга мажбур қилади ва катта бўлагини қуршаб олиб, 104 та душманининг аскар ва зобитини асир олади. Халлоқ Аминов ўз қисми билан жангдан қайтиб келаётганда тўсатдан душман алоқачиларининг ишидан воқиф бўлади. Отишма бошланади. Халлоқ Аминов душман алоқачилари устига граната иргитади, натижада немисларнинг 4 таси ўлиб, 4 тасини асирга туширади. Халлоқ Аминов асирга олган алоқачилар қисм штабига олиб борилади ва душманининг муҳим сиридан огоҳ бўлинади. Ана шу жасорати учун Халлоқ Аминов қўмондонлигининг «рахматнома»сига сазовор бўлади.

Халлоқ Аминов полки Чернигов шаҳри яқинидаги «Чкалов» номли давлат хўжалиги заминини озод қилишга киришди. Душман қишлоққа қизил аскарларни киритмаслик учун ҳамма чораларни кўриб, хўжалик марказига борадиган ҳамма йўлларни хандақлар билан тўсиб, пулемётчиларини қулай жойларга ўрнаштириб қўйган эди.

Халлоқ Аминов сафдошлари билан яширин йўллар орқали душман жойлашган тепалик орқасига ўтиб олди. Жангчилар эрталабгача душманининг ўқ ёмғирлари остида тепалик томон ҳаракат қилдилар. Натижа чиқмагач, эрталабга бориб, ҳужумни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлдилар. Тонг билан эскадрон командири, катта лейтенант Гадюк келиб, колоннанинг чап томонидан мадад бериб туриш вазифасини топширди. Халлоқ Аминов қисми душман устига снаряд ёғдира бошлади. Бир вақт душман танклари келаётгани кўзга ташланди. Қисм дарҳол танктарни тўплардан ўққа тутиб, душманининг 4 танкин яксон қилди, 30 дан ортиқ душман ер тишладди. Взвод командири, катта лейтенант Колесников Халлоқ Аминов бўлинмасига душманининг орқа томонига ўтиб олиб, сигнал берилиши билан қарши ўт очиш ҳақида топшириқ берди.

Халлоқ Аминов тун қороғусида ўз жангчилари билан сездирмасдан душманининг орқа томонига ўтиб олди ва

қулай позицияни эгаллади. Тонг саҳарда берилган сигналга биноан тепаликдаги душман қисмларига ҳужум қилинди. Сержант Халлоқ Аминов бўлинимаси билан бирга сержант Воронше бўлинимаси бир вақтда ҳужумга ўтиб, артиллерия, миномёт, пулемётлардан ўққа тутиб душманни эсанкиратиб қўйдилар. Жангчилар душман истеҳкомига яқинлашиб бордилар ва «Ура!» садоси остида душман устига ташландилар. Уртада қўл жанги бошланиб кетди. Қўл вақт ўтмай, душман истеҳкоми эгалланди. Қисқа ва тез фурсатда ўтказилган бу тадбирда Халлоқ Аминов бўлинимаси душманининг ўт очиш нуқтасини яқсон қилди.

Халлоқ Аминов полки 1943 йил сентябр ойида Днепр дарёсидан кечиб ўтишга ҳозирлик кўра бошлади. Сентябрь ойининг охирида эскадрон командири, катта лейтенант Гатюк ҳамма қисм командирларини йиғиб, эскадрон олдига, Днепрдан кечиб ўтишни бошлаган қисмларни ҳимоя қилиб туриш ва ўзлари ҳам дарёдан кечиб ўтишни топширди. Сержант Вороник, Халлоқ Аминов ва сержант Исҳоқовлар биринчилар қатори дарёдан ўз қисмларини олиб ўтишга киришдилар.

Халлоқ Аминов дарёдан кечиб ўтишни 22 сентябрда Полесье Комарин районидан бошлади. 1943 йил 23 сентябр эрталаб Халлоқ Аминов ўз бўлинимаси билан Днепрдан омон-эсон кечиб ўтди. Қизил аскарларни ва ҳарбий техникани олиб ўтишда Халлоқ Аминов беқиёс жонбозлик кўрсатиб, бу тадбирда у 5 марта дарёдан ўтиб қайтди. Дарёнинг нариги бетига ўтиб олган Х. Аминов қисмлари қўққисдан душман ҳужумига дуч келди. Улар саросимага тушмай душман эгаллаган окопларга қарши ҳужум бошлади. Тез орада душман позицияси эгалланиб, бир неча душман аскарни асир олинди. Шу вақт Вороник ва Исҳоқовлар ҳам етиб келди. Х. Аминов уларни қолдириб, эскадрон командирига хабар бериш учун дарё қирғоғига қайтди. Зафар билан эсон-омон етиб келган Х. Аминовни эскадрон командири, катта лейтенант Гатюк қучоқ очиб кутиб олди. Х. Аминов бўлган воқеалар ҳақида ахборот берди ва эскадрон ёрдами кераклигини айтиб, ўз қисмига қайтди. Шундан кейин дарҳол эскадрон ёғоч ва резина қайиқларда кечиб ўтишни бошлади. Кечиб ўтиш жараёнига Х. Аминов қисми катта мадад берди. Эскадрон талофотсиз дарёдан ўтиб олди.

Днепрдан биринчилардан бўлиб кечиб ўтган ва биринчи иккинчи эскадрон аскарларининг дарёдан хавф-

хатарсиз беталафот ўтишини таъминлаган бўлима командири, сержант Халоқ Аминов СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 15 январ фармони билан «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Халлоқ Аминов 1944 йил 23 октябрда чегарадаги Мо-вир районидаги жангда яраланди ва ҳарбий госпиталга жўнатилди. Ушбу жангдаги қаҳрамонлиги учун «I-да-ражали Ватан уруши» ордени билан мукофотланди. Улуғ Ватан урушининг сўнгги кунларида госпиталдан соғайиб чиққан Х. Аминов урушни давом эттириб, ғала-ба билан, ёруғ юз билан ўз она юрти — Бухорога қай-тиб келди. 1946—50 йилларда Халлоқ Аминов ўзи иш-лаган жамоа хўжалигида раис, партком котиби, 1964 йилдан 1976 йилгача қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб ишлади.

Халлоқ Аминов раҳбарлик қилган жамоа 1948 йилда пахта тайёрлаш планини 130 фоиз қилиб бажарганлиги ва ҳосилдорликни 35 центнерга етказганлиги учун Хал-лоқ Аминов «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофот-ланди.

Улуғ Ватан уруши Қаҳрамони Халлоқ Аминов яна бир йил умр кўрганида Буюк ғалабанинг 50 йиллик бай-рамини биз билан қаршилаган бўлур эди.

ЮРИЙ МИХАЙЛОВИЧ БИКОВ

Юрий Михайлович Биков 1923 йилда Туркменистон ССРнинг Мари шаҳрида врач oilасида туғилган. Мил-лати рус. Юрий Михайловичнинг отаси Бухоро вилояти-да, Қорақўл тумани, соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи қилиб тайинлангач, уларнинг oilаси Қорақўлга кўчиб келади. Юрий Михайловичнинг навқирон ёшлик йилла-ри Қорақўл туманида ўтди. У ёшлигидан жуда чаққон, эпчил, мустақил фикрловчи бола эди. Мактабда ўқиб юрган йиллари комсомол сафига ўтди. 1941 йил 22 июн-да фашистлар Германияси мамлакатимизга хиёнаткоро-на бостириб кирганда барча ватандошлари сингари Юрий Михайлович ҳам ўз ихтиёри билан фронтга жўна-ди. 1941 йилнинг шиддатли мудофаа жангларида ишти-рок этди.

1941 йил кузида Бухоро вилояти меҳнаткашларининг фронт жангчиларига йўллаган хатида «Душманга шаф-қатсиз бўлиш, ёвни аёвсиз қириш» талаб қилинган эди. Юрий Михайлович ҳам бу хатни жуда катта ҳаяжон

билан қаршилади. Ҳ жангларда тобланиб, 1941 йил охирида сержант бўлиб, пулемётчилар ротасига командир қилиб тайинланди. Сержант Биков 1941 йил охирида Қрим учун бўлган жангларда катта жасорат кўрсатди. Декабр ойида душман жойлашган қишлоққа маълумот олиб келиш учун борган Юрийни душман пайқаб қолади. Уртада қисқа отишма бўлиб ўтди. Юрий соғ-саломат ўз позициясига ўтиб олади ва билиб келган маълумотларни командирига етказди. Душман эртаси куни талвасага тушиб қолади. Душман Биков турган қишлоққа 7 марта ҳужум қилиб, қишлоқни эгаллаб ололмади. Биков хизмат қилаётган қисм ана шу тўқнашувда душмanning 30 дан ортиқ ҳарбий техникасини яксон қилди, 300 дан ортиқ аскарини ер тишлатди. Ана шу жангда кўрсанган жасорати учун, сержант Юрий Михайлович Биков қўмондонлиkning раҳматномасига сазовор бўлди.

1942 йилда сержант Юрий Михайлович Биков жанубий фронтдаги ўқчилар полкида хизмат қилиб, душман томонидан кучли таянч нуқталарига айланган «Царев» ва «Безименная» қўрғонлари учун бўлган жангларда фашистларнинг 100 дан ортиқ аскарини ҳамда 8 ўқ отиш нуқтасини яксон этиб, душман учун муҳим ҳарбий тактика аҳамиятига эга бўлган теппаликларни эгаллаб олишида ўз қисмига катта ёрдам берди.

Аджим—Ушкай аҳоли пункти учун бўлган жангда взвод командири ярадор бўлиб қолди. Сержант Биков взвод командирлигини ўз зиммасига олиб, взводни ҳужумга бошлади. Пулемётчилар душмanning ўт очиш нуқталарини яксон этиб, ҳужум қилаётган пиёда аскарларимизга йўл очиб берди. Натижада аҳоли пункти душмандан тозаланди. Аммо душман пиёдалари бу аҳоли пунктини қайтариб олиш учун танклар ҳимоясида 2 кун тинимсиз ҳужум қилди. Аммо пулемётчилар душмanning бу ҳужумларини ҳар сафар матонат билан қайтариб турди. Бу жангда Юрий Михайлович алоҳида жасорат кўрсатганлиги учун қўмондонлик томонидан тақдирланди.

1943 йил ноябрида совет қўшинлари томонидан қадимий Киев ва Украинанинг бир қанча шаҳарлари ҳам босқинчиликдан халос қилинди. Совет қўшинлари жуда катта тайёргарликдан сўнг Қрим ярим оролини ва Керчни душмандан озод қилишга киришди. Ана шу жангларда сержант Биков катта қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Керчни озод қилишда ҳар қарич ер учун қаттиқ жанглар бўлди. Пулемётчи Юрий Михайлович жанг

давомида немисларнинг сараланган қисмига катта талофот етказди. 1943 йил 20 ноябрида Биков бошчилигидаги пулемётчилар ҳамма ёқ кўриниб турадиган тепаликни мудофаа қилдилар. Душман тепаликни эгаллаш ниятида 9 марта қутуриб ҳамла қилди, лекин ҳар гал пулемётлардан отилган шиддатли ўқ ёмғирига дуч келиб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Куннинг охирида Биковнинг деярли барча жанговор ўртоқлари ярадор бўлди. 300 дан ортиқ душман қайтадан ҳужумга ташланди. Душман гарб томондан мудофаа чизилгани ёриб ўтишга эришди. Биков ва унинг бир неча ўртоқлари ўз кучларини қайта тўплаб, ҳужумга ўтди ва эртаси кун тонг отарда фашистларни бу тепаликдан суриб ташладилар. Жанг давомида немисларнинг катта сараланган полки тор-мор келтирилди.

Сержант Биковнинг бу қаҳрамонлиги, яъни қуршовдан галаба билан чиқиши, душманини тор-мор келтириши тилларда дoston бўлди. Жанубий фронт рўзномалари сержант Биковнинг жасоратлари ҳақида қизиқарли мақолалар эълон қилди, 1943 йилнинг охириги кунларида, Қизил Армия қўшинлари гитлерчилар галасини муқаддас тупроғимиздан суриб чиқармоқда эди. Сержант Ю. М. Биковнинг пулемётчилар ротаси ҳам қишқи ҳужумга таёёрланмоқда эди. Декабрнинг охириги кунларида Биковнинг ротаси «Царёв» ва «Безыменная» қалъасида анча гарбдаги аҳоли пунктларини озод қилишга киришди.

«Аджи-Мушкай» аҳоли пункти учун бўлган жангда взвод командири ҳалок бўлгач, Биков иккиланмай взвод командири вазифасини бажариб, душманининг ўт очиш нуқтасини яксон қилди.

Юрий Михайлович Биков Шимолий Кавказ, Қрим учун олиб борилган жанглардаги кўрсатган қаҳрамонлиги учун 691-ўқчи полк командири, подполковник Рутцкий томонидан «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига тақдим этилди.

Душман тиш-тирноғи билан мамлакатнинг охириги аҳоли пунктларини қўлдан бермасликка интилса, қўшинларимиз бу ҳудудларини озод қилиш ишқи билан ёнар эди. Шу учун ўртада жуда шиддатли жанглар бўлди. Душман қаттиқ ўрнашиб олган ерни сержант Биков ротаси кучли ўққа тутди. Душман бу ҳужумга дош бера олмай аҳоли пунктини ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Душман батамом тор-мор келтирилди.

Бухоролик сержант, Қизил байроқли 383-ўқчи ди-

визия, 691-ўқчи полк, 2-пулемёт ротасининг расчёт командири Юрий Михайлович Биков СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 16 май фармонида биноан «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди.

Қуролдош дўстларини ҳаминша жасурликка ундаган, ҳақиқий ватанпарвар, қўрқмас, жасур жангчи Юрий Биков ғалабадан уч кун ўтгач ҳалок бўлди. Уни Франк-фрут-Одер шаҳрида дафн эттилар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Михайлович Биковнинг номи абадийлаштирилган. Ўзи ўқиган мактаб, Қорақўл шаҳридаги бир кўча унинг номи билан аталади.

ИСААК ФЕДОРОВИЧ ВАКСМАН

Исаак Федорович Ваксман 1922 йил 25 июлда Могилёв вилоятининг Краснополье қишлоғида, хизматчи оиласида туғилган. Миллати яҳудий. М. Ф. Ваксман ўрта мактабни тамомлагандан кейин, махсус қисқа ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатиб, 1938—40-йилларда муаллимлик қилди. Сиртдан Днепропетровск транспорт Олий олийгоҳида ўқиди. И. Ф. Ваксман 1940 йилда Бухорога кўчиб келади ва шу ерда турғун яшайди. Улуғ Ватан уруши бошлангандан сўнг кўп сонли кишилар сингари Исаак Федорович ҳам Бухоро шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан фронтга чақирилди.

1942 йил ўрталаригача махсус ҳарбий билим юртида таҳсил кўрди ва кичик лейтенант бўлиб фронтга жўнади. 1942 йил октябр ойида 3-Украина фронтининг 333-ўқчи дивизияси 48-ўқчи полкининг тўпчилар батареяси командири бўлиб фронтга кирди. И. Ф. Ваксман 1943 йил ноябр ойи ўрталарида ўз қисми билан Днепр дарёсига келиб қолди. Ўқчи батареяга Днепрдан кечиб ўтувчиларни ҳимоя қилиш учун душман қисмларига зарба бериш махсус топшириғи берилди. И. Ф. Ваксман бу тадбирга жуда пухта тайёргарлик кўрди ва ўз қисми билан 1943 йил 26 ноябрда Запорожье вилояти, Каневский қишлоғи тўғрисида дарёга яқинлашди. Днепрнинг ғарбий соҳилида душмanning бир неча пулемёти бизнинг жангчиларимизни тинмай ўққа тутиб тургани учун И. В. Ваксманнинг тўпчилар батареяси дарёдан кечиб ўтишда жуда қийналади. Шу оғир дамда И. Ф. Ваксман тўпчилари душман пулемёти жойлашган томонга аниқ мўлжал билан ота бошлади ва натижада душман пулемётларининг бирин-кетин овози ўчди.

Душман пулемётчиларининг овози ўчгач И. Ф. Ваксман қисми Днепрдан кечиб ўтишни бошлади. Шу пайт душманнинг янги кучлари етиб келиб кечувдагиларни тагин ўққа тутди. Душман пулемётлари ўқ ёғдириб туришига қарамай, тўпчилар батареяси Днепрдан кечиб ўтди ва Днепрнинг ўнг қирғоғидаги душманга қақшатғич зарба берди. Ана шу тадбирни ташкил этишда И. Ф. Ваксман алоҳида намуна кўрсатди.

И. Ф. Ваксман командирлик қилаётган батарея жангчилари босиб олган плацдармда пиёда аскарларимизнинг олға силжишига халақит қилаётган душман ўт очиш нуқтасини яқсон қилди. Катта лейтенант Ваксман душманга қарата ўқ очиш ишида моҳирлик билан раҳбарлик қилди. Днепр дарёсидан кечиб ўтиш вақтида баҳодирона жанг қилаётган қисмга тўпчилар батареяси катта кўмак берди. 1943 йил 13 ва 24 ноябрда Ваксман тўпчилари душманнинг 15 дан ортиқ ўт очиш нуқтасини яқсон қилиб, душманнинг танклар билан қилган 11 ҳужумини қайтарди. Ана шу жангда улар душманнинг 3 та танки, 3 та автомашинаси ва бир неча юз аскарини сафдан чиқарди.

1942 йил 18 ва 19 декабрда Ваксман тўпчилари Запорожье туманининг Разуловка қишлоғини душмандан озод қилишда иштирок этди. 19 декабр куни эрталаб қутурган душман тўсатдан қишлоққа ҳужум бошлади. Тўпчилар ўзлари эгаллаган жойни душманга бермаслик учун қаттиқ туриб жанг қилдилар. Душман янги куч тўплаб, тўпчиларга икки томондан ҳужум қилиб, қуршовга олди. И. Ф. Ваксман ўз қисмини шиддат билан қуршовни ёриб ўтишга даъват этди. Икки ўртада қаттиқ жанг бўлиб, душман қуршови матонат билан ёриб ўтилди. Ана шу жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун Ваксман жанговор «Қизил Байроқ» ордени билан тақдирланди.

Уша 19 декабр куни кечқурун Ваксман батареяси душман пистирмасига дуч келди. Ўртада тенгсиз жанг бошланди. Ёрдамчи кучлар етиб келгунча, анча кишилар ҳалок бўлди. Ваксман ҳам шу тенгсиз жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Катта лейтенант И. Ф. Ваксман ўзи озод қилган Запорожье туманининг Разуновка қишлоғидаги биродарлик қабристонига дафн этилган.

Днепрдан кечиб ўтишда кўрсатган қаҳрамонлиги учун И. Ф. Ваксман ўлиmidан сўнг, СССР Олий Совети

Президиумининг 1944 йил 22 февралдаги фармони билан «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» деган юксак унвон билан тақдирланди. И. Ф. Ваксман номи абадийлаштирилган. Могилёв вилояти Краснополье туманидаги кўча ва мактаб И. Ф. Ваксман номи билан аталади.

ВАНШТЕЙН БОРИС ЯКОВЛЕВИЧ

Борис Яковлевич Вайнштейн 1910 йилда Киев шаҳрида туғилган. Миллати яҳудий. Вайнштейн 1924—30 йилларда Киевда мебель қопловчи бўлиб ишлаган ва шу завод олдидаги ишчилар факультетининг кечки бўлимида ўқиган. 1930—1932 йилларда Борис Яковлевич Харьков авиация институтининг 2-курсини тугатгач, армияга чақирилади. 1933—34 йилларда Қизил Армия сафида хизмат қилган. Армия хизматини тугатиб қайтгач, оиласи билан Бухорога келди ва 1941 йилгача шу ерда яшади. Улуғ Ватан уруши бошлангач, биринчилардан бўлиб, Борис Яковлевич фронтга кўнгилли бўлиб жўнади. (Фронтга Бухоро шаҳар ҳарбий комиссариатидан жўнатилган). Борис Яковлевич Вайнштейн гвардиячи капитан, 99-ўқчи дивизия 206-ўқчи полкнинг 3-ўқчи батальонида сиёсий бўлим бошлиғининг ўринбосари лавозимида хизмат қилди.

Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб Борис Яковлевич Украина заминини душмандан мудофаа қилишда қатнашди. Хизматини бошлаган 99-ўқчи дивизияда урнинг охиригача фаол ҳаракат қилди.

1943 йил август ва сентябр ойларида Украина замида ҳаракат қилаётган фронт жангчилари душманга оғир талофот етказдилар. 2-Украина fronti Дон ҳавзасини озод қилиб, душмани Днепр ва Молочной дарёлари томон суриб бордилар. Душман билан бўлган бу жангларда 99-ўқчи дивизияси катта намуна кўрсатди. Душман Запорожье плацдармида 6 та пиёда аскарлар дивизияси, 1 та танк дивизияси, 4 та сапёрлар батальонини тўплаб, бу плацдармда 35 мингдан ортиқ аскар ва зобит бўлиб, бу 800 дан ортиқ тўп ва миномётга, ҳамда 230 та танкка эга эди. Душмanning бу кучларини тор-мор қилиш учун 99-ўқчи дивизия фаол қатнашди. Жангга пухта ҳозирлик кўрган сиёсий ходим Борис Яковлевич жанг олдидан йиғилиш ўтказиб: «Биз ҳалоскорларни халқ икки йилдан буён қутмоқда. Ўртоқлар! Фақат ҳужум, яна ҳужум! Ҳужум опа-сингилларимизни, ака-укаларимизни, авлодларимизни озод қилиши

мумкин. Улуғ Ватанимиз олдида қасамёд қилиб айтаманки, мен шафқатсиз қасос олиш учун гитлерчиларга қарши қаҳрамонларча курашаман», — деб жангчиларни курашга даъват этди.

Украина ерларини фашистлардан тозалашда рус, украин жангчилари қаторида бошқа миллат вакиллари ҳам мардона қасамёд қилдилар. Даҳшатли жанглар бир неча кун давом этди. Душман мудофаасини ёриб ўтишда 99-ўқчи дивизия жангчилари мисли кўрилмаган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Ушбу жанг билан 2-Украина фронти жангчилари янада ғарб томон силжидилар. Ушбу жангда қаҳрамонлик кўрсатган Борис Вайнштейн жанговор «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди.

Қўшинларимиз Венгрия чегарасига яқинлашганда Вайнштейннинг ватанпарварлиги, байналминаллиги янада жўшиб, жангчиларга мурожаат қилди: «Биз жангчилар, бундан кейин ҳам барча дивизия жангчилари сингари қаттиқ жанг қиламиз. Дивизиямизнинг шон-шуҳратига доғ туширмаймиз, Ватанимиз тупроғи ёвуз душмандан тамомила озод бўлмагунча бир дақиқа ҳам қўлимиздан қуролни ташламаймиз!»

Совет қўшинлари Венгрияни озод қилишга киришганда батальон командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, гвардиячи капитан Борис Яковлевич Вайнштейн Дунай дарёсидан ўтиш олдидан ўз қисмининг жангчиларини қаттиқ огоҳлантириб, пухта тайёргарлик кўришларини буюрди. Барча жангчилар ва бўлинма командирлари жой-жойига қўйилди, дарёдан биринчи бўлиб ўтиши керак бўлган группалар аниқланди. Капитан Вайнштейн ҳар бир жангчининг тайёргарлигини шахсан ўзи назоратдан ўтказди. Натижада, душман ўқи ёғилиб туришига қарамасдан, жуда катта йўқотишлар билан бўлсада, батальон Дунайдан ўтиб олди. Гвардиячи капитан Борис Вайнштейн кечувда намуна кўрсатиб, дарёнинг ғарбий қирғоғига биринчи бўлиб сузиб ўтди ва ўз жангчиларини жангга бошлади ва бевосита бу жангга раҳбарлик қилди.

1944 йил 6 декабрда Вайнштейн Будапешт остоналарида батальонни ҳужумга бошлаб, душман мудофаасини ёриб кириб, унга катта талофот етказди. Фашистлар қўлдан кетган позицияларни қайтариб олиш ниятида қутириб қаршилиқ кўрсатди. Улар Дунай қирғоғига ҳужум қилиб, дарёдан кечиб ўтаётган қисмларни янчиб ташламоқчи бўлди. Гвардиячи капитан Б. Я. Вайнш-

тейн ана шу ёғир жангда батальоннинг жанговор сафлари олдида дадил чиқиб, жангчиларни ҳужумга отлатирди. Душман ҳужуми бартараф этилди. Надоматлар бўлсинки, ана шу жангда гвардиячи капитан Борис Вайнштейн 34 ёшида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Ушбу қаҳрамонлиги учун Б. Я. Вайнштейн СССР Олий Совети Президиумининг 1946 йил 15 майдаги фармонига биноан «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди.

Будапештни озод этиш учун бўлган жангларнинг бирида капитан Вайнштейн Б. Я. полк мақтов ёрлиғи билан мукофотланган эди. Полк командири, майор Диденко имзо чеккан бу мақтов ёрлиғида шундай сўзлар бор эди: «Борис Яковлевич Вайнштейн сиёсий жиҳатдан етук ёрдамчилар тайёрлади ва ўзининг ташкилотчи эканлигини кўрсатди. Ўз батальони жангчилари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни жонлантира билди. Шунинг учун ҳам жангларда батальон катта ғалабаларга эришди. Ушбу ғалабаларда Борис Яковлевичнинг хизмати каттадир».

Гвардиячи капитан Б. Я. Вайнштейннинг жасади Венгриянинг пойтахти Будапешт шаҳрининг жануби-ғарбида жойлашган Кишмартон деб номланган аҳоли пунктида дафн этилган.

КАМОЛ ДАВЛАТОВИЧ ЖАМОЛОВ

Камол Жамолов 1920 йил 15 июнда Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Харгўш қишлоқ советига қарашли Найман қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 7-синфни тугатгандан сўнг Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ишлаган. 1940 йилда Бухоро тумани Лоша қишлоқ советидан ҳарбий хизматга чақирилади.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан Камол Жамолов фронтга отланди ва оддий сапёр сифатида 129-инженер-сапёрлар батальонининг 8-бригадасида хизматни бошлади. Камол Жамолов 1943 йилнинг кузигача мудофаа жангларида қатнашиб, ҳужум жангларини ташкил қилишга кўмаклашди, 110 дан ортиқ миналаштирилган жойларни тозалашда иштирок этди. Қўмондонлик 1943 йил бошида Камол Жамолов мансуб қисмга Керемenchук йўналишида немис ҳарбий қисмларини қуршаб олиш тўғрисида буйруқ берди. Шу ҳаракатда 129-батальоннинг 8-бригадаси жангчилари олдинги сафда

борди. Бригада командири кутилмаганда қаттиқ яраланди ва вафот этди. Батальон командири бригада командирлигига Камол Жамоловни тайинлади. Камол Жамолов душманини ўраб олишга қатнашаётган жангчиларнинг олдинги сафида борди.

... Қош қорайиб, кеч кириши билан изғирин шабада эсди. Сапёр қисмлар жуда эҳтиёткорлик билан олға силжиди. Кутилмаганда осмонда ракета пайдо бўлиб, сапёрлар ҳаракатини сездириб қўйди. Немислар дарҳол отишмани бошлаб юборишди. Тўсатдан пулемёт кўтариб бораётган аскар ҳалок бўлди. Шу вақтда Камол Жамолов отилиб бориб, пулемётни қўлга олди ва душманга қарши ўқ ёғдира бошлади. Ана шу ҳужум низоҳосида душман иккита аҳоли пунктини ташлаб, чекинишга мажбур бўлди. Командир сифатида кўрсатган қаҳрамонлиги учун Камол Жамолов жангвор «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди.

1943 йил сентябр ойида Камол Жамолов хизмат қилаётган батальон Днепр дарёсига етиб келди. Улар душмани Днепрнинг чап қирғоғида қандай адабини берган бўлсалар, ўнг қирғоғида ҳам шундай зарба беришга ошиқардилар. Камол Жамолов қисми дарҳол қайиқлар, кўчма кўприкларни тайёрлаб, ўрмондан дархтлар қирқиб, уни бир-бирига боғлаганча сувдан кечиб ўтиш асбоблари ясашди. Тайёргарлик кўрилаётган вақтда қисм командирининг олдида ўрмон чеккасидаги қишлоқдан бир неча балиқчи келиб, душман сапёрлари ўнг қирғоққа чекинаётган вақтда балиқчиларнинг қайиқларини сувга чўктириб юборишни буюрганини гапириб берди. Балиқчилар эса немисларни алдаб ўз қайиқларини уларга сездирмай чуқур бўлмаган жойга чўктирганлигини айтдилар. Кечқурун сув ичидан қайиқлар олиб чиқилди.

Камол Жамолов хизмат қилаётган қисм Полтава области, Кременчуг шаҳрининг жануби-шарқидан Днепр дарёсини кечиб ўтишга киришди. Камол Жамолов 1943 йилнинг 25—28 сентябр кунлари ичида Днепр дарёсининг уёқ-буёғига 38 марта кечиб ўтган. Юзлаб жангчиларни ва техникани сафдошлари билан чап соҳилдан ўнг соҳилга олиб ўтган.

1943 йил 26 сентябр кечқурун 3-марта ўтиш вақтида К. Жамолов қайиғига снаряд парчаси келиб тегади ва қайиқни тешади. Жамолов ҳеч иккиланмай қайиқнинг тешилган жойини танаси билан беркитиб, жангчиларни дарёдан олиб ўтади.

Ўлимни писанд қилмай, Днепрдан кечиб ўтишда қаҳрамонлик кўрсатган ўзбек халқининг азамат, довюрак ўғли Камол Жамоловнинг жасорати юксак баҳоланди. Днепр дарёсидан муваффақият билан кечиб ўтиб, дарёнинг нариги қирғоғида мустаҳкамланиб олиш ва ҳужумни таъминлашда алоҳида жасорат кўрсатган Камол Жамолов СССР Олий Совет Президиумининг 1943 йил 26 октябрдаги Фармонида мувофиқ «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» деган юксак унвон билан тақдирланди.

Камол Жамолов ғалабани Берлинда кутиб олади. Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугагач, Камол Жамолов ҳам ўз юртига: жонажон жамоасига қайтиб келди. 1946—1952 йилларда Вобкент туманидаги Охунбобоев номи жамоа ҳўжалигида раис ўринбосари бўлиб ишлади. Меҳнатда кўрсатган қаҳрамонликлари учун Камол Жамолов Ленин ордени билан тақдирланган.

Камол Жамолов 1977 йил 8 ноябрда 57 ёшида вафот этди. Камол Жамоловнинг номи абалййлаштирилган. Вобкент шаҳридаги кўчалардан бири ва ўрта мактаб унинг номи билан аталади. Қаҳрамон жангчига Вобкент туманидаги Харгўш қишлоғида ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган.

ВАЛИЖОН НАБИЕВ

Валижон Набиев 1916 йил Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги Нагзакарон қишлоғида деҳқон oilасида туғилди. Саккиз ёшида ота-онадан етим қолди. Валижон Жаъдарий қишлоғида очилган болалар уйида тарбияланди.

1931 йилда ўз қишлоғига келиб, табелчи бўлиб ишлайди ва ўқишни давом эттирди. Колхозда ишлаган даврида у комсомол сафига кирди. 1934 йилда район комсомол кўмитаси уни Самарқанддаги маданий-оқартув ходимлари тайёрлайдиган курсга ўқишга юборди. Валижон Набиев ушбу курсни тамомлаб ўз туманига қайтиб келди ва пионерлар клубининг мудирини бўлиб ишлай бошлади. 1937 йилда армия сафига чақирилди. У аввал Термизда, сўнгра Узоқ Шарқда хизмат бурчини ўтади. 1938 йил ёзида Япон босқинчилари мамлакатимиз заминига, Ҳасан кўли районида бостириб кирди. Валижон Набиев хизмат қилган Қизил Байроқли 1-алоҳида армия Постъетск чегара отрядининг ватанпарвар

жангчилари икки ҳафта ичида Япон босқинчиларини батамом тор-мор қилди.

Валижон Набиев 1939 йилда ҳарбий хизматни тугатиб, ўз қишлоғига келди ва туман комсомол қўмитасида ишлай бошлади. 1941 йил апрел ойида туман комсомол қўмитаси Валижон Набиевни Каттақўрғон сув хавзаси қурилишига ташвиқотчи қилиб юборди. Улуғ Ватан уруши бошланиши билан Валижон Набиев фронтга жўнади. У 1942 йилгача бўлган ҳарбий тайёргарликдан сўнг тез орада эпчил отлиқ аскарлар сафидан ўрин олди. 1942 йилнинг ноябр ойида отлиқ аскарлар полки Дон дарёси бўйидаги Серафимович шаҳри атрофига жойлашиб олган гитлерчилар устига ҳужум бошлади. Полк душман қўшинларини Доннинг ўрта оқимида измаиз қувиб борди ва бир қанча аҳоли пунктларини озод қилди.

Гвардиячи старшина Валижон Набиев бўлинмасига душман истехкомини ишғол қилиш топширилди. Валижон Набиев ўз жангчилари билан душман жойлашган томонга эмаклаб бордилар. Тўсатдан қилинган ҳужум душманин эсанкиратиб қўйди ва душманин чекинишга мажбур этди.

Валижон Набиев отряд отишмада ўндан ортиқ немисни ер тишлатди. Автоматининг ўқи тамом бўлгач Валижон Набиев ҳеч иккиланмай ёнидаги гранатасини иргитмоқчи бўлди. Шунда 8 немис солдати таслим бўлди. Қўрсатган бу жасорати учун Валижон Набиев II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланди. 1943 йилнинг январ ойида полк жангчилари Луганск атрофида жанг олиб бораётган кунларда Олий Бош Қўмондоннинг буйруғи билан 8-отлиқ аскарлар корпуси душманиннинг орқа томонига жангга юборилди. Корпус усталик билан ҳаракат қилиб, Донбассда, Ворошиловск билан Сташно ўртасида душманиннинг орқа томонига ўтиб олди.

Корпус ўз олдидаги вазифани ҳалол бажариб, душманиннинг қурол-яроғ, озиқ-овқат омборини қўлга туширди. Қўмондонлик Валижон Набиев бошлиқ 7 жангчига Чернухинскдаги душманиннинг орқа томонига ўтиб, темир йўл изини портлатиш вазифасини топширди. Душманиннинг юк поездеи билан бирга темир йўл излари ҳам портлатилди. Шу кўни эрталаб Дебанц станциясига ҳужум қилинди ва тез фурсатда станция қўлга киритилди.

Валижон Набиев хизмат қилаётган қисм 1943 йил кузида Днепр дарёсига етиб келади. 1943 йил 28 сентябрда гвардиячи старшина Валижон Набиев ўз қисмини душман ўқи остида Днепр дарёсидан олиб ўтди ва душманга қаттиқ зарба бериб, чекинишга мажбур қилди. Днепрнинг ўнг соҳилида жанг ҳаракатлари давом этаётган бир вақтда Валижон Набиев ўз қишлоқдошларидан хат олди ва ушбу хат уни янада курашга чорлади. Уша кечаси Валижон Набиев ўз жангчилари билан душман истеҳкомини эгаллади ва Қизил Армиянинг янги ҳужумлари учун шароит яратиб берди.

Днепрдан кечиб ўтиб, жанг ҳаракатларини давом эттиришдаги жасоратлари учун Валижон Набиев Давлат Мудофаа Қўмитасининг директиваси асосида тақдирланди. 1944 йил 16 январда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Валижон Набиев «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

1944 йил 9 августда «Совет жангчиси» фронт рўзмасида Н. Сафаровнинг «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Вали Набиев» деган мақоласи эълон қилинди. Мақолада қуйидаги сатрлар бор эди: «Комсомол тарбиялаб вояга етказган ёш жангчи — Гвардиячи старшина Вали Набиевнинг кўксига Ленин ва Қизил Юлдуз орденлари, иккинчи даражали Ватан уруши ердени, «Жасурлиги учун» медали ярқираб турибди. Гвардиячи Набиев икки йил мобайнида фронтда озмунча жасорат кўрсатмади... «Мен кириб ташлаган душмanning сонини эсимдан чиқариб қўйдим.— дейди Набиев. У кам деганда 50 марта разведкага борди ва ҳаргал ўлжасиз қайтмас эди»...

Совуқ январ кечаси. Набиев бир неча жангчи билан бирга мудофаанинг оллинги қаторига ўтиб олди. Тонг ёришганда немислар ўт очди. Пулемёт расчёти сафдан чиқди. Набиев ўлимга тик боришга қарор қилди. Набиев душманни алдаш учун барча қуруллардан ўт очди. У гоҳ пулемётдан, гоҳ автоматдан ўқ узар, ёки бўлма-са худли шу пайтда гранаталар ирғитарди. Набиев мадад етиб келгунча душмanning ҳамма ҳужумини қайтариб турди...

... Кунлардан бирида разведкага жўнаб кетган 22 чавандоз қуришовда қолди. Бу гал ҳам Набиев эсанкирамасдан командирликни ўз зиммасига олиб гитлерчиларнинг ҳужумини қайтарди ва ўз одамларини жуда катта маҳорат билан қуришовдан эсон-омон чиқариб олди...

Валижон Набиев 1945 йилда ўз юртига қайтиб келди ва 1945 йилдан Ғиждувон тумани партия қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлади. Ўша йили туман жумҳуриятда биринчи бўлиб, пахта тайёрлаш режасини бажаргани учун кўпгина ҳамюртлари қатори Валижон Набиев ҳам «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

1948—1955 йилларда туман ижроия қўмитасининг раиси лавозимида ишлади. Кейинги йилларда жамоа хўжалиги раиси ва тумандаги қурилиш ташкилотларида раҳбар лавозимларда ишлаб келмоқда.

ВАСИЛИЙ МАРКЕЛОВИЧ ПИМЕНОВ

Василий Маркелович Пименов 1911 йили Россиянинг Саратов вилояти. Пугачевский туманида, деҳқон оиласида туғилди. Миллати рус. Улуғ Ватан урушигача Бухоро вилояти Когон шаҳрида яшади. В. М. Пименов бошланғич мактабни битиргач, урушгача Когон шаҳридаги кимё заводида бўёқчи бўлиб ишлади. В. М. Пименов 1943 йил бошида Когон шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан урушга юборилди. Махсус тайёргарликдан ўтгач, кичик сержант бўлиб, Воронеж фронти, 3-гвардиячи миномёт полкининг миномётчилар бўлинмаси командири сифатида урушга кирди.

В. М. Пименов 1943 йил сентябр охи ўрталарида ўз қисми билан биринчилар қатори Черкасск вилоятининг Конев тумани, Григоровка қишлоғи яқинида Днепр дарёсидан кечиб ўтишга киришди. У ўз аскарлари билан ёғоч қайиққа тушиб, дарёсининг ўрталарига борганда душман қўққисдан ўт очиб қолди. Снаряд парчаси қайиқни тешиб ва қайиқ чўка бошлади. В. М. Пименов ўзини дарҳол сувга ташлади ва қайиқни дарёнинг саёз жойига суриб келди ва душманга қарши миномётдан ўт очди, саросимага тушган душман бироз довдираб қолди. Фурсатдан фойдаланган Пименов отряди тезлик билан олға силжиди ва ниҳоят дарёни омон-эсон кечиб ўтди.

В. М. Пименов ўз бўлинмасини қулай позицияга жойлаштириб, миномётлардан душманга қарши ўқ ёғдира бошлади. Пименов бир неча марта дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб, ўқ-дори олиб келди ва душмanning ҳужумини батамом тўхтатди.


В. М. Пименов қисми шароитни ҳисобга олмай, тобо-



1942 йил. Болтиқ флотини ҳарбий кема командири К. Е. Сазанов буюхориликларни замонавий қўроқлар билан таништирмоқда.



1912 йил. Бухоро гумани меҳнаткашлари мудофаа фондига жун топширмақда.



Уруш йилларида Бухорога кўчириб келтирилган Артилерия ҳарбий билим юрти жойлашган бино.



Бухоролик жангчилар: М. Қ. Қозиров (иккинчи қатор ўнгдан биринчи), Гаркаво, Ерошин, Қараев, Зубинлар.



1942 йил. Бухоро шадри меҳнаткашлари фронт учун совға йиғишмоқда.



Бухорога кўчириб келтирилган ҳарбий госпиталда врач Гольдштейн жангчиларга куй чалиб бериюқда.



«Қизил аскар ҳақиқати» фронт газетасининг 1944 йил 21 сентябрь сони.



Бухоролик Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Раҳимов ўз она юртига қайтди.



1942 йил. Бухоро туманидаги «Қизил аскар» жамоа хўжалиги деҳқонлари пахта ҳосилини заводга келтириб топшириш пайти.



1942 йил. Бухоро туманидаги актив ташвиқотчи Қиличой Раҳматова ҳамқишлоқларига фронтдан келган хатни ўқиб бермоқда.



1943 йил. Бухоро туманидаги Свердлов номли қишлоқ артели аъзоси Р. Самадов пахта заводида пахта олиб бораётган.



1944 йил. Ёзилувон тумани Энгелс номли жамоа хўжалиги пиллакорлари: (Чапдан ўнга) М. Исмаева, М. Эгамбердиева, С. Бозорова, Т. Тойирова, Р. Ҳафизова, М. Мамадовлар.



Ғиждувонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони Валижон Набиев Жондор гумани «Коммунизм» жамоа Хўжалигида ўрнатилган ёдгорлик пойидаги мангу оловни ёқмоқда.

ра олға силжиб, душманнинг катта кучига дуч келади ва қуршовда қолади. Шунда улар ҳеч иккиланмай найзабозлик жангига киришадилар ва қуршовни ёриб ўтадилар. Миномёт хавфсиз жойга олиб борилади. Душман отрядини яна қуршаб олишга ҳаракат қилади. Кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги учун Пименов отрядининг 5 аъзоси қаҳрамонларча ҳалок бўлди. В. М. Пименов ана шу ҳаракатлари билан минглаб аскар ва зобитларнинг ҳаётини асраб қолди ва Қизил Армиянинг кейинги ҳужумларига йўл очиб берди.

Диспердан қаҳрамонларча кечиб ўтиб, душманга қарши жангни давом эттирганлиги учун В. М. Пименов СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 10 январ фармонида биноан «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» деган унвон билан тақдирланди.

В. М. Пименов Улуғ Ватан урушини ғалаба билан тугатгач, 1945 йилда тўғри ўзи туғилган юртга қайтди ва 1981 йилгача шу ерда меҳнат қилди. В. М. Пименов урушдан кейинги ҳалол меҳнати учун Ленин ордени ва бир неча медаллар билан тақдирланди. У 1981 йилда вафот этди.

НАРЗИ РАЖАБОВ

Нарзи Ражабов 1924 йил июн ойида Бухоро вилояти, Жондор туманидаги Ленин номидаги жамоа хўжалигининг Ҳазормон қишлоғида туғилди. Миллати ўзбек 1942 йилнинг январида Свердлов туманидаги (ҳозирги Жондор) комиссариати томонидан фронтга чақирилиб, Куйбишев шаҳридаги қисқа муддатли ҳарбий курсда таълим олди. Билим даргоҳини кичик сержант унвони билан тугатган Ражабов взвод командирининг ёрдамчиси қилиб тайинланди.

Нарзи Ражабов хизмат қилган қисм 1942 йил ноябр ойида Сталинград ёнида кучли жанг олиб борар эди. Бу ҳарбий қисм машҳур 62-армиянинг бир қисми бўлиб, душманнинг 4.300 кишилик катта қисмини қуршовга олишда алоҳида намуна кўрсатган армия эди. Волга бўйларида олиб борилган жангларда Нарзи Ражабов хизмат қилган қисм жангчилари ҳам 62-армия таркибида ажойиб мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатди. Сталинград жангидаги қаҳрамонлиги учун Нарзи Ражабов «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

Сталинград жангидан сўнг Нарзи Ражабов II-Ук-

раина фронтидаги 52-армиянинг, 818-ўқчи полкида рота пулемётчиси бўлиб жанг қилди. 1943 йил 5 мартда у Черкасск области Звеногорск тумани Рижановка қишлоғини озод қилишда фаол қатнашди. 1944 йили баҳорда гвардиячи кичик сержант, моҳир пулемётчи Нарзи Ражабов ажойиб қаҳрамонлик кўрсатди. У Корсунь-Шевченко ноҳияси бўсағасида душман мудофаа чизигини яқсон қилди. У ўз бўлими билан тўсатдан ҳужумга ўтиб, душманни доводиратиб қўйди ва ўндан ортиқ немис солдатини аср олиб, 40 дан ортиқ душман солдати йўқ қилинди. Жангда Нарзи Ражабов алоҳида мардлик кўрсатганлиги учун жанговор «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Нарзи Ражабов 1944 йил ёзида Молдавия ерларини душмандан озод қилишда қатнашди. 1944 йил 22 августда Молдавиянинг, Унген туманидаги «Негурени—Вени» қишлоғини озод қилиш жанглари олдида Нарзи Ражабов отряди разведкага юборилди. Разведкачилар қишлоққа яқинлашганда, тўсатдан душмanning катта қисмига дуч келди ва ўртада отишма бошланди. Душман кучининг устунлигини билган Нарзи Ражабов буйруғи билан қисм дарҳол бир уйнинг ертўласига яширинди ва душманга қақшатғич зарба бериб турди. Душман янги кучлар олиб келди ва уларни таслим бўлишга ундади. Лекин отряд бунга бўйин эгмади. Душман ертўлага портловчи модда ташлади. Ботир пулемётчи Нарзи Ражабов душманни тутун ичида алдаб, ҳужумга ўтди ва уларни қириб ташлади. Бу қаҳрамонликдан сўнг Нарзи Ражабов хизмат қилган 818-ўқчи полк командири 31-ўқчи дивизия командирига ва 52-армия қўмондони, генерал-лейтенант Коротеевга маълумотнома ёзади: «Немис босқинчиларини тор-мор келтириш учун олиб борган курашда маҳорат билан жанг қилиб, мардлик ва матонат кўрсатгани учун ўртоқ Н. Ражабов «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» деган Олий унвонга лойиқдир.

818-ўқчи полкининг командири, капитан Мольтюков. 1944 йил, 23 август.

«Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони беришга лойиқдир. Сталинград номли II-даражали Богдан Хмельницкий орденли 31-ўқчи дивизиясининг командири. Гвардиячи полковник Ильичевский.

1944 йил, 24 август.

Ҳукумат Олий мукофоти — «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига лойиқ.

52-Армия қўшинлари қўмондони, генерал-лейтенант Коротеев, Армия ҳарбий совет аъзолари генерал-майор Бобров ва генерал-майор Кабичкин. 1944 йил 24 август».

СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 13 сентябрь Фармонида мувофиқ Н. Ражабовга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилиб, Ленин ордени, «Олтин Юлдуз» медали топширилди.

Нарзи Ражабов Молдавиянинг қолган қишлоқ ва шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Унинг охириги жанги 1944 йил 22 сентябрда бўлди. Нарзи Ражабов қисми қизғин ҳаракат билан душманни қувиб бораётганда, тўсатдан икки ўртада юзма-юз кучли олишув бошланди. Унг томондаги тепаликдан душман танки ва унинг орқасидан аскарлар кела бошлади. Шу вақтда Нарзи Ражабов буйруғи билан душман танки йўлига дарҳол миналар қўйилиб, ўзлари чуқурликка яшириндилар. Бир неча дақиқадан сўнг кучли портлаш эшитилди ва душман танки ишдан чиқди. Лекин орқа томондан яна душман танки ўрмалаб кела бошлади. Шу вақтда Нарзи Ражабов ҳеч иккиланмасдан белига гранаталарни боғлаб, ўзини танк тагига ташлайди ва душман танкини портлатиб, ўзи қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Қаҳрамон Нарзи Ражабов номи абадийлаштирилган. Ўзи ўқиган мактаб қаҳрамон номи билан аталади.

АЗИМ РАҲИМОВ

Азим Раҳимов 1925 йил 27 февралда Бухоро шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, шаҳардаги ипак-йигирув фабрикасида ишчи бўлиб ишга кириб, тез фурсатда моҳир ишчилар қаторидан ўрин олди. Улуғ Ватан уруши бошланганда унинг ёшлиги сабабли фронтга олишмади. Азим Раҳимов 1943 йилгача шу фабрикада фронт учун хом-ашё етказиб беришда фаол иштирок этди ва иш нормасини 2 ҳисса қилиб бажариб келди.

Улуғ Ватан уруши бошлангандан сўнг, кўпчилик бухороликлар сингари Азим Раҳимовнинг акаси Фаттоҳ Раҳимов фронтга жўнади ва Ленинград остоналарида бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бу эса Азим Раҳимов қалбида душманга нисбатан нафрат уйғотди ва 1943 йил март ойида кўнгилли бўлиб, фронтга жўнади. Қисқа муддат ичида ўз малакасини ошириб, тайёргарликдан ўтгач, илк жанг ҳаракатларини 77-Чернигов дивизиясининг 221-ўқчи полки билан бошлади.

Яхши тайёргарликдан ўтган Азим ўзининг чаққонлиги ва довюраклиги билан тез орада жасур жангчи сифатида танилди. У хизмат қилган қисм командирининг топшириғига биноан бир неча марта разведкага борди ва зарур маълумотлар олиб келишга муваффақ бўлди. Азим Украинани озод қилишда қатнашди ва қўшни давлатлар территорияларини душмандан озод қилишда катта қаҳрамонлик кўрсатди. Азим Раҳимов ўз қисми билан Буғ дарёсидан биринчилардан бўлиб, кечиб ўтди. Ана шу қаҳрамонлиги учун қатор жангчилар сингари у ҳам «III даражали Шўҳрат» ордени билан мукофотланди ва кичик сержант унвони берилиб, маълум қисмга командирлик қилиш вазифаси юклатилди.

1945 йил январ ойи ўрталарида Раҳимов хизмат қилган қисм душмanning мустаҳкам истеҳкомига ёриб кирди ва тўпчилар ёрдами билан душманга зарба берди. Яккама-якка олишувда взвол командирни ҳалок бўлди. Шундан сўнг командирликни Азим Раҳимов ўз зиммасига олди ва ҳужумга ўтди. Душман тор-мор этилди. Совет қўшинларининг Польша ерига олиб борган жангвор тадбирлари катта ғалаба билан тугади. Қизил Армия Висла дарёсидан ўтиб, Варшавани озод қилди. 1945 йил январ ойи охирида эса Силезия, Полеранияга кирди ва озод қила бошлади. Азим Раҳимов хизмат қилаётган қисм ҳам Ғарбга томон олға силжиб, Одер дарёси соҳилларига етиб келди. 1945 йил 3 феврал кечқурун Раҳимов қўмондонлигининг махсус буйруғини бажаришга киришди. У ўнта разведкачи билан Одердан қисм байроғини олиб ўтди ва душмanning ўқ отадиган пунктини йўқ қилишга киришди.

Дарёдан кечиб ўтган қисм бошқа қисмларни ҳам ўтишига кўмаклашди. Ана шу жангда Азим Раҳимов ярадор бўлди ва Одер бўйидаги Свезран шаҳридаги ҳарбий госпиталга юборилди. Одер дарёсидан биринчи кечиб ўтганлиги учун Азим Раҳимов 1945 йил 27 феврал СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди.

Азим Раҳимов 1945 йил декабрда ғалаба билан Бухорога қайтиб келди ва ўзининг меҳнат фаолиятини давом эттирди.

1946—47 йилларда Бухородаги ипак-йиғирув фабрикасида директор ўринбосари, 1948 йилла шаҳар ижроия қўмитасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 1948—1950 йилларда партия мактабида ўқиб, 1950 йилдан Когон

шаҳар партия қўмитасининг котиби ва вилоят партия қўмитасининг бўлим бошлиғи, кейinchалик Бухоро туман партия қўмитасининг котиби, 1956 йилдан шу туман ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлади. 1958 йилдан вилоят автомобиль йўллар бошқармасининг бошлиғи. 1960 йилдан Бухоро шаҳар партия қўмитасида ишлаган. 1961—71 йилларда колхоз раиси, 1972 йилдан қурилиш трести бошқарувчисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келди.

Азим Раҳимов Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, Меҳнат Қизил байроқ ордени, I-даражали Улуғ Ватан уруши, III-даражали Шўҳрат ордени ва 12 та медал билан тақдирланган.

Ҳозирги кунда вилоят уруш ва меҳнат фаҳрийлар қўмитасининг раиси лавозимида ишляпти.

КОНСТАНТИН АНДРЕЕВИЧ ТИХОНОВ

Константин Андреевич Тихонов 1908 йил 27 сентябрда Саратов вилоятининг ҳозирги Лисогородский туманидаги Воробьёвка қишлоғида, деҳқон оиласида туғилди. Миллати рус. Константин Андреевич бошланғич мактабни тугатди. 1930—1932 йилларда Қизил Армия сафида хизмат қилган. Хизматдан бўшагач, Тихоновлар оиласи Бухорога кўчиб келди ва 1942 йилгача шу ерда яшади. Улуғ Ватан урушигача жамоа хўжалигида ва кейинчалик Бухоро нон заводида хўжалик ишлари бошқарувчиси бўлиб хизмат қилди.

1942 йил апрел ойида Константин Тихонов урушга жўнади. К. А. Тихонов биринчи жанг ҳаракатларини Марказий фронтнинг 65-армия 69-ўқчи дивизиясида бошлади. У яхши хизмат қилиб, взвод командири даражасига етди. У хизмат қилган дивизия 1943 йилнинг ёзида Совет Иттифоқи Маршали Рокоссовский қўмондонлигидаги Марказий фронт қўшинлари таркибида фашист босқинчиларига қарши қаттиқ жанглар олиб борди. Курскда қонли жанглар бошланиб кетганда Константин Тихонов ўқчилар взводига командирлик қилди. Взвод зиммасига душман устига қўққисдан бостириб бориш, Иличовка қишлоғини эгаллаш вазифаси юклатилган эди. Душман қишлоқ яқинидаги қулай мудофаа окопларига эга эди.

Взвод душман устига ҳар қанча снаряд ёғдирмасин, душман ўзи жойлашиб олган еридан чекинмас эди. Шун-

да взвод жангчилари душман устига очик бостириб бордилар ва шу зайлда полк Иличёвка қишлоғини тамомила озод қилди.

Душман қулай пайт пойлаб қишлоқни қайтариб олишга жуда кўп марта уришиб кўрди. Аммо бунинг удасидан чиқа олмади. Марказий фронт 65-армия, 69-ўқчи дивизиясининг ҳамма қисмлари 1943 йил октябр ойида жуда кўп аҳоли пунктларини озод қилиб, Днепр дарёсига яқинлашди. К. А. Тихонов командирлик қилаётган взвод ҳам 1943 йил 15 октябрда Чернигов вилоятининг Репкин туманидаги, Радцев аҳоли пункти яқинидан Днепр дарёсини кечиб ўтишга киришди.

1943 йил 15 октябрда катта сержант Тихонов ўз жангчилари билан Днепр дарёсидан кечиб ўтиб, душман жойлашган ерга бостириб бордилар. Константин душмanning пулемётчисини отиб ўлдирди ва қолган қисмларнинг кечиб ўтишига имкон яратди. Душман қисмлари дарёга етиб келиб, Тихонов жангчиларига ҳужум қилди. Яккама-якка қўл жанглари бошланиб кетди. Тихонов ва унинг жангчилари душмanning 3 марта қилган ҳужумини мардона туриб қайтарди.

Константин Тихоновнинг жасорати, қаҳрамонлиги муносиб тақдирланди. СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 30 октябридаги фармони билан катта сержант К. А. Тихонов «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

Армия қўмондони генерал-лейтенант Битов ва ҳарбий кенгаш аъзоси генерал-майор Роденскийнинг катта сержант, взвод командири К. А. Тихоновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиши муносабати билан юборган табрик хатида («Совет жангчиси» фронт рўзномасининг 1943 йил 26 ноябр сони) қуйидаги илиқ фикрлар бор: «Сиз душманга қарши жанглarda кучингизни ҳам, ҳаётингизни ҳам аямадингиз. Сизнинг Днепрдан кечиб ўтишдаги қаҳрамонлигингиз ушбу мукофотга лойиқдир. Ватан сизни муносиб мукофот билан тақдирлаб, янги қаҳрамонликларга ундайди. Бундан кейин ҳам ана шундай ботир бўлинг».

Ушбу мазмундаги хабар 1943 йил 28 ноябрда «Бухоро ҳақиқати» газетасида ҳам босилиб чиқди. Бухорolik ҳамюртлар бу хабарни жуда катта хурсандчилик билан қаршиладилар. К. А. Тихонов Берлинни забт этишдаги жанглarda ҳам иштирок этди.

Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугагач, Тихонов

Бухорога қайтиб келди ва ўзи фаолият кўрсатган Бухоро нон заводида директор ўринбосари бўлиб ишлади.

1951 йилда Қ. А. Тихонов оиласи билан Саратов областига кўчиб кетди. Қ. А. Тихонов Лисне Гори посёлкасида яшаган ва жамоа хўжалигида ишлаган. 1953 йилнинг 2 январиди 45 ёшида вафот этди. Қ. А. Тихонов яшаган ерда бир кўча ва мактаб унинг номи билан аталади.

ЭРНАФАС ХҲЖАЕВ

Эрнафас Хўжаев 1916 йилда Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги Қоқиштувон қишлоғида, деҳқон оиласида туғилди. Миллати туркман. Урушгача шу жамоа хўжалигида яшаган. Эрнафас Хўжаевнинг отаси ва онаси бевақт оламдан ўтган. У ёлғиз синглиси Жавҳарой билан қолди. Эрнафас синглисини аммаси тарбиясига бериб, ўзи далада ишлади.

Уруш бошлангач Эрнафас кўп сонли кўнгиллилар қатори ҳарбий комиссариатга ариза берди. Эрнафас 1942 йилда фронтга жўнади ва узоқ давом этган тайёргарликдан сўнг Сталинград остоналарида дастлабки жангга кирди. Эрнафас Сталинград остоналаридан Польшагача мардонавор жанг қилиб борди.

Ҳар бир қаҳрамоннинг ибрат бўладиган ўз таржимаи ҳоли бор. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамоннинг таржимаи ҳоли Ватан урушида мардлик кўрсатган мингларча жангчиларнинг таржимаи ҳолига ўхшаса ҳам, аммо бунинг ўзига хос муҳим ўрни ва алоҳида тарихи бор.

Эрнафас Хўжаев асосий жанг ҳаракатларини ғарбий туманларда ва Польша заминида олиб борди. У Польша еригача юзлаб аҳоли пунктларини озод қилишда қатнашди. Ана шундай жанглардан бири Польша чегараларида бўлди. 1943 йил 29—30 ноябр кўнларида Эрнафаснинг кўрсатган қаҳрамонлиги тилларда дoston бўлди. Тонг отиши билан Эрнафас Хўжаев полки ўзининг ўнг ва чап қанотидаги қўшинлари билан келишган ҳолда темир йўл станциясига ҳужум қилади. Душман полкнинг шиддатли ҳужуми билан станциядан суриб чиқарилди. Кечга бориб душман катта ёрдам олиб, станцияга яқинлашди ва олдинги чизиқда турган ўқчи взвод солдатларини қуршовга олди. Старшина Хўжаев ўз ўртоқ-

ларини мардона ҳужумга бошлади. Ушбу жангда ўқчи взвод командири оғир жароҳатланди. Шундай ҳолда ҳам старшина катта мардлик кўрсатиб, ўз командирини кўтариб олган ҳолда душманга қарши ҳужумни ҳам башлаштирмади. Ҳужум бир неча соат давом этди. Ушбу ҳужум натижасида улар қуршовни ёриб ўтдилар. Аммо взводда 3 киши қолган эди. Ана шу қаҳрамонлиги учун қўмондонлик Эрнафас Хўжаевни мукофотлашга тавсия қилди. Бир неча кунлик жанглардан сўнг полк Польша чегараларига ўтди. Бир неча кун олдин берилган қақшатғич зарбага учраган душман янги куч тўплаб, Польшанинг «Большие Тинивичи» қишлоғига янги ҳужумга ўтиш учун ҳозирлик кўраётганлиги аниқланди. Шу учун ҳам душман ҳужумидан бир кун олдин 1944 йил 21 июлда 717-ўқчи полк ҳужумга ўтди.

1944 йил 21 июлда «Большие Тинивичи» қишлоғи учун бўлган жангларда душман ўзининг авиацияси, танклари ва ўзйорар тўплари ёрдамида Қизил Армия ҳужумини тўхтатмоқчи ва қарши ҳужумга ўтмоқчи бўлди. Старшина Эрнафас Хўжаев ушбу жангда сафдан чиққан взвод командирининг ўрнини эгаллаб, аҳвол оғирлашган бир вақтда; «Ватан учун!» — дея гитлерчилар устига отилди. Унинг жасурлигидан илҳомланган бошқа жангчилар ҳам ҳужумга ташланди ва душмanning кўп сонли қўшинини тор-мор этишди. Полк аҳоли пунктини эгаллади.

Эрнафас Хўжаев Польша территорияларини озод қилиш жараёнида партия сафига қабул қилинди. 717-ўқчи полкининг командири, подполковник В. И. Ксендзовский старшина Эрнафас Хўжаев тўғрисида ёзган жанговор тавсияномасида қуйидаги фикрларни баён қилди: «1944 йил 13 июлдан 23 июлгача давом этган ҳужум жангларида старшина Эрнафас Хўжаев ўзининг ҳақиқий ботирлигини чинакам коммунистлигини, партияга, Ватан озодлиги йўлида жонини ҳам фидо қилишга тайёр, содиқ солдат эканлигини кўрсатди».

Ушбу фикрлардан ҳам билишимиз мумкинки, старшина Эрнафас Хўжаев ҳақиқий ботир жангчи эди.

Эрнафас Хўжаев Польшанинг «Большие Тинивичи» қишлоғи учун бўлган жангда қаҳрамонлик кўрсатиб, шу қишлоқдаги бир уйда турган 15 (ўн беш) гитлерчини ериштилатиб Қизил Армия қисмларининг янги ҳужумига шароит яратиб берди.

Эрнафас Хўжаев Польшанинг яна ўнлаб аҳоли пунктларини озод қилишга қатнашди. 1944 йил 13 ноябрда Эрнафас Хўжаев ниҳоятда оғир жараланди ва қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Ана шу жасоратлари учун Эрнафас Хўжаев ўлиmidан сўнг СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 23 мартдаги фармони билан «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» бўлди.

Эрнафас Хўжаев номи абадийлаштирилган. Ромитан туманидаги ўзи ўқиган мактаб Эрнафас Хўжаев номи билан аталади.

ШАРИФ ЭРГАШЕВ

Шариф Эргашев 1916 йил 1 февралда Бухоро вилояти, Пешку туманидаги Денов қишлоғида туғилди. Миллати туркман. Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойларида жамоа хўжалигида меҳнат қилди, кейинчалик бригада бошлиғи бўлиб ишлади. 1942 йилда ўзи туғилиб ўсган туман ҳарбий комиссарлиги томонидан Қизил Армияга чақирилди.

Шариф Эргашев 1943 йил феврал ойигача Каттақўрғондаги тайёрлов пунктида таълим олди ва кейинчалик бошқа янги чақирилган аскарларга ҳарбий сирларни ўргатадиган бўлди.

Бир неча вақт Каттақўрғонда ҳарбий хизматни давом эттириб турган Шариф Эргашев радио орқали немис-фашистларнинг совет қишлоқ ва шаҳарларини босиб олаётганлигини эшитиб, ўзини жангга юборишларини сўраб, дивизия командирига ариза берди. У Марказий фронтнинг 65-армияси, 193-ўқчи дивизиясининг 883-ўқчи полкида оддий аскар сифатида хизматни бошлади ва 1943 йилнинг феврал ойида Орёл бўсағаларидаги шиддатли жангларда иштирок этди.

Шариф Эргашев жангларда бир неча марта, жумладан 1943 йил феврал ойи ўрталарида қаттиқ ярадор бўлди ва махсус даволаниш пунктига юборилди. Бир ой даволангач, врачга мурожаат қилиб, яна жангга кириш учун рухсат сўради. Афсуски, врач ҳали яраси тузалмаганлиги учун рухсат бермади. Шунга қарамай Шариф Эргашев кечаси қочиб чиқиб, ўз қисмига қайтувчилар билан йўлга чиқди. Бир неча кун оч-наҳор юриб, ўз қисмини излади. Шундай кунларнинг бирида, махсус кузатув отряди қўлига тушди ва у фронтни ташлаб кета-

ётган қочоқ сифатида қўлга олинди. Шариф Эргашев ўз аҳволини тушунтиришга ҳаракат қилиб, чўнтагидан партия аъзолиги билетини кўрсатади-да, санитария пунктдан қочиб ўз қисмини излаётганини айтади. Ниҳоят узоқ текширишлардан сўнг унга рухсат берилди. У кўп саргардонлиқларни бошдан кечириб, ўз қисмини топди. Лекин даҳшатли манзарани устидан чиқди. У хизмат қилаётган қисм душмanning қутилмаган катта қаршилигига дуч келиб; полк командиридан бошқа барча сафдошлари ҳалок бўлган эди.

Шариф Эргашев янги кучлар билан тўлдирилган қисмда хизматни давом эттирди ва бу қисм душмanning қувиб, 1943 йил октябрида Днепр дарёсигача етиб борди. 15 октябр кунини эрталаб, соат 6.00 да қисм Днепр дарёсидан кечиб ўтиш ва нариги қирғоқдаги душманга зарба бериш тўғрисида буйруқ олди. Кечув бошланди. Шариф Эргашев ва унинг дўстлари резинали қайиқда нариги қирғоққа қараб дадил ҳаракат қила бошладилар. Нариги қирғоқда турган душман уларни ўққа тутди. Натижада резина қайиқларнинг ҳавоси чиқиб, яроқсиз бўлиб қолди. Улар орқага қайтиб, ёғочдан сузиш мосламалар тайёрлаб, қайта кечувга кирдилар. Тиш-тирноғи билан қуролланган фашистлар эса қаттиқ қаршилиқни тўхтатмадилар. Қисм катта талофотлар бериб, ниҳоят нариги қирғоққа етиб олди ва душмanning қирғоқдан улоқтириб ташлади. Окопларда яширинган бир неча немисларни асир олдилар. Шариф Эргашев ўртоқлари билан дарҳол ёнаётган қишлоққа қараб югурдилар. Қишлоқдаги душмanning тор-мор этиб, бир нечтасини асир олдилар. Ана шу асирлар орасида икки нафар немис зобити ҳам бор эди. Улар асирларни олдларига солиб, дарё қирғоғидаги окопга келаётганларида йўлда душман пулемётчисига дуч келдилар. Отишмада Ш. Эргашев қўлидан ярадор бўлди. Ярадор бўлишига қарамай, окопдаги асирларни излайди, бу жараёнда милага дуч келиб асир олинган немис зобити ва аскарини ўлади. Шариф Эргашев эса қум остида қолиб кетди. Лекин шинелининг бир парчаси ташқарига чиқиб қолди. Хужумга ўтган Қизил аскарлар уни топиб олишиб ҳарбий касалхонага жўнатдилар. У 7 кун деганда ўзига келди. Кейинчалик Шариф Эргашев Қозондаги ҳарбий касалхонада 3 ой даволанди. Даволаниб, тўла соғайгач, серқуёш Ватанига, туғилиб ўсган қишлоғига дам олиш учун қисқа муддатга юборилди. Шариф Эргашев ўз уйида дам олиб

юрған кезлари, армия генерали Ракасовскийдан телеграмма келди. «Бухоро вилояти Пешку туманидаги қизил аскар Шариф Эргашев Днепр дарёсидан ўтиш вақтида кўрсатган қаҳрамонлиги учун СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 30 октябридаги фармони билан «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди» деган хушxabар эди бу. Шариф Эргашев яна фронтга қайтиб борди ва душманга қарши жангларни давом эттирди. 1944 йил 29 августда Шариф Эргашев Москвага чақиртирилди ва унга М. И. Калинин қаҳрамонлик «Олтин юлдузи» медали ва Ленин орденини топширди.

Улуғ Ватан урушини ғалаба билан тугаллаган Ш. Эргашев туғилган қишлоғига қайтди. 1946 йилда у жамоа хўжаликлари раҳбарлари курсини тугатиб, дастлаб жамоа хўжалигининг раис ўринбосари бўлиб, кейинчалик Янги-бозор қишлоқ совети раиси бўлиб ишлади.

1978 йил 15 декабрда Шариф Эргашев вафот этди.

Шариф Эргашевнинг номи абадийлаштирилган. Пешку туман марказидаги Янгибозор ва Бухоро шаҳаридаги кўчалардан бирига, у ишлаган жамоа хўжалигига Шариф Эргашев номи берилган.

Бухоро шаҳар ижроия қомитети раиси ўртоқ Муродовга кўчириб келтирилган ногиронлар уйи директори Кароматов томонидан

МАХСУС ХАТ

Сизга шуни маълум қиламанки, кўчириб келтирилган ногиронлар уйи 100 ўринга эга.

Бугунги кунда ногиронлар уйида давлат таъминотида бўлган 76 киши яшайпти. Шулардан 36 таси эркак, 40 таси аёллардир. Ногиронлардан 12 таси Улуғ Ватан уруши ногиронидир.

1942 йил 18 январда шаҳар ижроия қўмитаси қарорига асосан 2-ногиронлар уйидаги ҳолат қониқарли деб баҳоланган. Ногиронлар уйида фельдшерлик ўрни бўлиб, у санитария-гигиена ҳолатини кузатиб, бемор ногиронларга керакли тиббий ёрдамни кўрсатади. Ногиронлар шаҳар ҳаммомидан фойдаланадилар, уларнинг кийим ва кўрпа-тўшаклари тез-тез дориланиб турилади. Шунга қарамасдан булар етарли эмас, шаҳар ҳаммоми ва дорилаш камерасидан фойдаланишда узилишлар бўлиб туради.

Бундан ташқари инвалидлар учун кўрпа-тўшаклар, кийим-кечак таъминотида етишмовчиликлар мавжуд. Ногиронлар уйида 25 та кўрпа, 50 та кўрпача мавжуд, аммо бугунги кунда 45 та каровот, 50 та кўрпача, 50 та ёстиқ, 50 та одеял, 100 дона чойшаб, 50 та сочиқ, 70 та аёллар кийими, 40 та эркаклар кийимлари етишмайди.

Ногиронлар уйида яқин кунларда ҳаммом қурилишини бошлаймиз. Ногиронларнинг кундалик овқатланишларида бир қатор ижобий натижаларга эришдик, жумладан, сабзавот маҳсулотларини бериш кўпайтирилган, вақт-вақти билан гўшдан турли хил таомлар тайёрланиб, 1943 йил вилоят ижроия қўмитасининг қарорига асосан яқин орада 8 гектар ер ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш учун берилди. Бу ерга турли хил сабзавотлар ва буғдой экишни мўлжаллаяпмиз.

Ногиронлар уйида 15 киши жалб қилиниб, ип йи-
гириш цехи ташкил қилинган. Шаҳар ижроня қўмита-
сининг қарорига асосан ишловчиларга 600 граммдан
нон берилади.

Ногиронлар уйини иситишда жуда катта қийинчи-
ликлар мавжуд.

Шаҳар ижроня қўмитасидан давлат таъминотида
бўлган ушбу ногоиронлар уйини керакли буюмлар ва ис-
сиқлик билан таъминлашга ёрдам беришингизни сўрай-
ман.¹

Ногиронлар уйи директори имзо *Кароматов*

Бухоро вилояти ижроня ва партия қўмитаси иккин-
чи бор Қизил Армия учун иссиқ кийим йиғиш ҳарака-
тини кўриб чиқиб, жойларда совет ва партия ташки-
лотлари жуда кўтаринки руҳда фаолият кўрсатганли-
гини алоҳида қайд қилади. 18 июнь 1942 йилда вилоят-
да иссиқ кийим йиғиш вазифаси 104,8 фоиз бажарил-
ган.

Иккинчи иссиқ кийим йиғиш ҳаракатини яқунлаб
Бухоро вилояти ижроня ва партия қўмитаси қарор қи-
лади:

1. Иссиқ кийим йиғиш ҳаракатида жуда катта та-
шаббускорлик кўрсатганлар пул мукофоти билан тақ-
дирлансин.

Бухоро туманидан:

1. Азизов — туман партия қўмитаси котиби — 1800
сўм билан.

2. Умаров — туман ижроня қўмитаси раиси — 1800
сўм билан.

3. Ҳайдаров — туман молня бўлим бошлиғи — 1000
сўм билан.

4. Васильев — туман омонат касса мудири — 1000
сўм билан.

Бухоро шаҳридан:

1. Исмоилов — шаҳар партия қўмитасининг котиби —
1500 сўм билан.

¹ Бухоро вилояти давлат архиви ф. 37, оп. 1. д. 953. л. 26.

2. Занозина — шаҳар молия бўлим бошлиғи — 1500 сўм билан.

Бухоро шаҳри учун иссиқ кийим ва ҳарбий зайём пули йиғишда яхши натижаларга эришганлиги сабабли 3000 сўм пул ажратилиб, кишиларни тақдирлаш шаҳар ижроия қўмитаси раиси зиммасига юклатилсин.

3. Барча туман ва шаҳар ижроия қўмитаси раислари бир ҳафта ичида, иккинчи иссиқ кийим йиғиш ҳаракати ташкилотчиларини тақдирлашни ташкил қилиб, унинг натижасини вилоят ижроия қўмитасига маълум қилиш топширилсин.¹

Бухоро вилоят ижроия қўмитаси
раиси *С. Назаров*

Бухоро вилоят партия қўмитаси
котиби *Исмоилов.*

ЯНГИ БУХОРО

Бухорода ҳаёт булоқдек қайнамоқда. Ҳамма Қизил Армия ва унинг ғалабалари тўғрисида гапиради ва фронтга қандай қилиб янада кўпроқ ёрдам бериш ҳақида ўйлайди.

Бухоро меҳнаткашлари фронт учун жону дили билан ишламоқдалар. Бухоро саноати бор кучи билан ишлаётир. Украинадан кўчириб келтирилган катта завод ўз планини ошириб бажармоқда.

Апрел ва май ойларида бу заводнинг механика цехида монтаж ишлари тамомланмоқда. Бошқа цехлардаги узлуксиз ишлаб чиқариш линиялари ишга тушди, ҳозир йиғиш цехида монтаж ишлари тугалланмоқда.

Янги усулларни амалга ошириш яхши натижалар берди. Меҳнат унуми 20 фоизга оширилди, брак 2 ҳисса камайди. Маҳсулотнинг тан нархи камайди. Заводда стахановчилар жуда кўп. Яқинда СССР Олий Советининг фармони билан стахановчи Константин Рердюк «Ҳурмат белгиси» ордени билан, цех бошлиғи Александр Ериванов, талантли ихтирочи ва цех устаси Константин Донцев «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун»

¹ Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 37, оп. 1, д. 952, л. 5.

медали билан мукофотландилар. Донцев уруш даврида 50 дан ортиқ малакали ишчи шогирд тайёрлади.

«ВЛКСМ 20 йиллиги» ва «XVI партия съезди» номли катта тикув фабрикалари ҳам яхши ишламоқда. Бу фабрикаларда Губина, Жамилова, Аслонова каби ўртоқларга ўхшаш 300 чилар ва 400 чилар анча етишиб чиқди.

Ташқи савдо халқ комиссарлигининг СССРда ягона бўлган механикалаштирилган Қорақўл заводи май ойида ўз мавсумий ишини бошлаб юборди. Бу ерда тери ошловчи Жўраева, Аслонова ва Раззокова каби ўртоқлар меҳнатни севишлари, одатда эркаклар ишлайдиган бу оғир ишда қозонилаётган муваффақиятлар билан шарафга эришмоқдалар.

Сортировка қилувчининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган Ҳайдар Ҳалимов ҳозир фронтда лейтенант унвонини олди ва орден билан мукофотланди. Заводнинг кўпгина бошқа ишчилари ҳам Ватан уруши фронтларида Ватанимизни ҳимоя қилмоқда.

Н. Анапский.

«Совет жангчиси» фронт газетаси, 1942 йил, 29 июл, 60-сон.

Махфий Бухоро шаҳар ижроия қўмитасига нусхаси: вилоят ҳарбий комиссарига.

1943 йил 28 майда № М — 3 5879-III СССР Мудофаа Халқ Комиссарининг ўринбосари Шаденковнинг ёзма кўрсатмаси, 8 июн 1943 йил № 687—102 — Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг қарорига асосан Бухоро вилояти ижроия Қўмитаси 1943 йил 10 июнда махсус қарор қилади:

1. Ёшдан, миллатидан қатъий назар мудофаа сапоати ишчилари, ўрта, тўлиқсиз олий, олий маълумотли ўқитувчилар, педагогика билим юрти ва педагогика институти студентлари, ўқитувчилари 1943 йил 10 июндан бошлаб Қизил Армияга жалб қилишдан озод қилинсин, ҳатто бошқа ишларга ҳам жалб қилиш таъқиқлансин.

2. Зарурият туғилса республика Маориф Халқ Комиссарлигининг махсус рухсати билан бошқа ишга жалб қилиш кўзда тутилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш вилоят ижроия қўмитасининг раис ўринбосари У. Ашуров зиммасига юклатилсин.

**ҒАРБИЙ ФРОНТДАГИ ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИ
ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ
БИЛАН УЧРАШУВИ**

Ғарбий фронтдаги ўзбек жангчилари ва командирлари Ўзбекистон меҳнаткашларига ўзларининг қаҳрамонона ишлари тўғрисида жанговор рапорт бериш учун яқинда Ўзбекистонга ўз делегациясини юборган эди.

Тошкентдаги Свердлов номли театрда делегациянинг Тошкент меҳнаткашлари билан учрашуви бўлди. Ўзбекистон ССР халқ Комиссарлар Советининг раиси ўртоқ А. Абдураҳмонов катта тантана остида делегацияни қабул қилди. Делегацияни раҳбари орденли майор Абдуллаев Ғарбий фронтдаги ўзбек жангчиларининг қаҳрамонона иши ҳақида ҳисоб берди. Ўзбек халқининг ўзбек жангчиларига ёзган хатидаги нақзларини шараф билан бажараётганлигини сўзлади ва жавоб хатини топширди.

Делегация Ўзбекистоннинг пойтахтидан ташқари шаҳар ва районлардаги корхона, колхоз, совхозларда ҳам ҳисоб берди.

Делегатлар орасида Оқдарё районилик моҳир мерган 107 немисни ўлдирган ҳамда 22 кишини мерган қилиб тайёрлаган орденли старшина Муҳаммад Элмуродов, яқка ўзи бир рота немисларнинг атакасини қайтарган Янгийўл районилик автоматчи Сайфиддин Сатторов, 56 немисни ўлдириб, «Жасурлик учун» медали билан мукофотланган Вобкентлик старшина Бобоқул Афзалов, ефрейтор Рўзнев, қизил аскар Дўсназаров, гвардиячи сержант Аҳмадалнев ва бошқалар бор.

Масъул муҳаррир ўринбосари
Р. Муҳаммадий.

«Совет жангчиси» фронт газетаси, 1943 йил, 3 апрел, 22-сон.

БУХОРОЛИҚ ТАШАББУСЧИ ВОҲИДОВ

«Н» қишлоғи учун қизиб кетган жангда бўлинма командири ярадор бўлиб қолди. Бўлинмани командирсиз қолдириш жанг ютуқларини бой бериш, шу билан бирга, кўп талофот бериш демак эди.

Коммунистларни, жангчиларни жангда ғайрат ва ташаббус кўрсатишга одатлантирилган бўлинма парторги, старший сержант Маҳмуд Воҳидов бўлинмага командирлик қилишни ўз зиммасига олди. Ўртоқ Воҳидов ҳар қайси взвод ва бўлимга оператив вазифалар бериб, жангни муваффақиятли тугатди. Душманга рўпарадан ҳужум қилган бу бўлинма душманни икки ёндан сиқиб келган бўлинмалар ёрдами остида қишлоқдан немисларни қувиб чиқарди. Жанглардан сўнг қўмондонлик ўртоқ Воҳидовга «Жасурлиги учун» медалини топширди.

Навбатдаги жанг яна бир қишлоқ учун бўлди. Немислар жангга кўп куч ташлаб жангчиларимиз ҳужумини тўхтатиш ва қўлдан берган қишлоқни қайтариб олиш учун кўп уриндилар. Аҳвол жиддийлашди.

Яқинда партияга кирган пулемётчи Илья Тичина ўз пулемётини тезда бир тепаликка олиб чиқди. Немисларни йўқотди. Жангдан кейин қисқа суҳбатда ўртоқ Тичина: «Мен ўртоқ Воҳидовдан намуна олдим. У бизга шундай ўргатади. Бошқалар ҳам доим ташаббускор бўлишлари керак», деди.

Украина учун жанг қилаётган ўзбек Воҳидов ва украин Тачиналарнинг жанговор ишлари бўлинмада дostonдир.

Ст. сержант А. Мошков.

«Совет жангчиси» фронт газетаси, 1943 йил, 29 август, 59-сон.

БУХОРО ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

№ 12/2 қарор

24 сентябр 1943 й.

Бухоро вилоятида Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг 1943/44 ўқув йилига тайёргарлиги тўғрисида.

Вилоят ижроия қўмитаси қарор қилади:

1. Бухоро давлат педагогика институти, Бухородаги 15-педагогика билим юрти, Бухоро қишлоқ хўжалик техникуми, Фельдшерлик мактаби директорларига 1943 йил 1 октябрча ремонт ишларини тугатиш юклатилсин.

2. Бухоро шаҳар ижроия қўмитаси раисига қуйидагилар юклатилсин:

а) қисқа вақт ичида 1941 йилда тадқиқот институтига олиб берилган Педагогика институтининг биноси тил адабиёт факультетига қайтарилсин.

б) ташкилот раҳбарларига бинони қайтарилиш муддати 1943 йил 1 октябрдан кечиктирмаслик юклатилсин.

3. Бухоро марказий электр станцияси директорига 1943/44 йил учун электр энергиясини тақсимлашда институт биноси ва ётоқхонасига, 15-педагогика билим юртига, Фельдшерлик мактабларига имтиёзлар бериш юклатилсин.

4. Иссиқлик билан таъминлашда ҳам Педагогика институти, Педагогика билим юрти, Фельдшерлик мактаби 1-ўринга қўйилсин.

5. Талабалар ва ўқитувчиларнинг таъминот ишларини яхшилаш учун ер ташкилоти ва Бухоро тумани ижроия қўмитасига Бухоро туманидан қўшимча тарзда Бухоро Давлат педагогика институти учун 30 гектар ер ажратилсин.¹

ИМЗО Исмоилов

ЎЗБЕК САНЪАТЧИЛАРИНИНГ ФРОНТГА СОВҒАСИ

Ўзбекистондаги санъаткорлар Улуғ Ватан уруши майдонларидаги жангчиларга совға қилиб, ўзбекча кино-концерт ишлаб чиқдилар. Кино-концертда Ўзбекистоннинг атоқли санъаткорлари ўзларининг фронтга бағишланган энг яхши ашула, ўйин ва куйлари билан қатнашганлар.

Кино бошланиши биланоқ завқлантирувчи ўзбек музыкаси «Ёлғиз» куйи янграб туради.

Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Шаҳодат Раҳимова, Қорн Ёқубов, Карим Зокиров, Бобораҳим Мир-

¹ Бухоро вилояти давлат архиви Ф 37, оп 1, д 981 а, Л.18.

заев, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Абдуқодир найчи ва бошқалар бор эди.

Ўзбекистон халқ артисти, орденли Сора Эшонтураева шоир Уйғуннинг «Фронтчиларга салом» шеърини ўқиди. СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Ҳалима Носирова «Офарин» ашуласини ўзининг ўткир овози билан ижро этади. Устоз Усто Олим майин дойира чалади. Мукаррама Турғунбоева ўйинга тушади.

Карим Зокиров, Мирзаевлар «Эшвой» куйида ашула айтадилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, гвардиячи катта лейтенант

А. Раҳмонов.

«Совет жангчиси» фронт газетаси, 1943 йил, 28 ноябр, 84-сон.

БУХОРО ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

Бухоро шаҳри

№ 539

8 август, 1944 йил

Ўзбекистон халқ комиссарлар Советининг 22 декабрь 1944 йилда № 857-Ж-С қарори «Қизил Армия хизматига яроқсиз топилган кишилардан «Ўрта Осиё нефт қурилиш бошқармасининг қурилишларига» жисмоний меҳнат қилишга жалб қилиш юзасидан вилоят ижроия қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон халқ комиссарлар Советининг 22 декабр 1944 йилда № 857-Ж-С қарори Қизил Армия хизматига яроқсиз топилган кишилардан «Ўрта Осиё нефт қурилиш бошқармасининг қурилишларига» жисмоний меҳнат қилишга жалб қилиш юзасидан қарори ижро сифатида қабул қилинсин.

2. Қисқа фурсат ичида ишга яроқли 100 кишини ишга жалб қилиш вилоят ҳарбий комиссари ўртоқ Мальковга топширилсин.

3. Туманлар ва шаҳарлар бўйича ишга жалб қилиш режаси тасдиқлансин:

1. Бухоро шаҳри ҳарбий комиссариати 15 кишини

2. Бухоро тумани ҳарбий комиссариати 5 кишини

3. Ромитан тумани ҳарбий комиссариати 5 кишини
 4. Вобкент тумани ҳарбий комиссариати 5 кишини
 5. Шофиркон тумани ҳарбий комиссариати 3 кишини
 6. Гиждувон тумани ҳарбий комиссариати 10 кишини
 7. Қизилтепа тумани ҳарбий комиссариати 5 кишини
 8. Кармана тумани ҳарбий комиссариати 10 кишини
 9. Конимех тумани ҳарбий комиссариати 5 кишини
 10. Когон тумани ҳарбий комиссариати 15 кишини
 11. Қорақўл тумани ҳарбий комиссариати 15 кишини
 12. Олот туман ҳарбий комиссариати 2 кишини
 13. Свердлов тумани ҳарбий комиссариати 5 кишини
- жами 100 кишини жалб қилиш топширилсин.

4. Барча район ва шаҳар ижроия қўмиталари раисларига ҳарбий комиссариатларга амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

Бухоро вилояти ижроия қўмитасининг
раиси *С. Назаров*

имзо

Бухоро вилояти қўмитасининг
масъул котиби

имзо

А. Абдуллаев

А К Т

1944 йил 28 сентябр:

Биз Бухоро вилоят ҳарбий бўлими инструктори М. Л. Назухин ва Бухоро шаҳар ҳарбий бўлим бошлиғи Ф. М. Марочник марҳум Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ваксманнинг онасининг яшаш шароитини, моддий таъминланишини текшириб, қуйидаги актни туздик ва қуйидагиларни аниқладик:

Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг онаси, қизи Лицова ва унинг 3 та боласи билан ярим вайрон бўлган 12-уйда яшамоқда. Уй иссиқлик билан таъминланмаган. Уй хусусий бўлиб, Ваксман ижарага турганлиги учун ҳар ойда 50 сўм тўлайди, бундан ташқари у оёқ кийим, одял, чойшабга муҳтож.

Хулоса:

Ушбу акт шаҳар ижроия қўмитасига Совет Иттифо-

¹ Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 37, оп. 1, д. 981 а, л. 101 а.

қи Қаҳрамони Ваксманнинг онасига зудлик билан ёрдам бериш учун тақдим этилсин.

Бухоро вилоят ҳарбий бўлим
инструктори

Назухин

Бухоро шаҳар ҳарбий бўлим
бошлиғи

Марочник

БУХОРО ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚҶМИТАСИНИНГ 18 ОКТЯБР 1944 ПИЛДАГИ 16/31 СОНЛИ ҚАРОРИ:

1. Абдузевга топширилсинким, 5 кун ичида ВАКСМАН онаси учун алоҳида, ҳамма қулайликларга эга бўлган уй-жой ажратилсин.

2. Шаҳар ижроия қўмитасининг раис ўринбосари Музаффаровга топширилсинким, 5 кун ичида Ваксман онаси учун 500 кг. тошкўмир, 2 жуфт аёллар, 3 жуфт болалар оёқ кийими, 2 донз кўрпа, кўрпача, ёстиқ жилти билан таъминлансин.

3. Барча ҳаражатлар давлат ҳисобидан қоплансин.

Бухоро шаҳар ижроия қўмитаси раиси
Мирходжаев

Масъул котиб

Гузаиров

«ЎЗБЕКИСТОН РАССОМИ» НОМЛИ АЭРОПЛАН ҚУРИЛИШИ ФОНДИГА

Республикамиз рассомлари мамлакатнинг илғор кишиларидан ибрат олиб, манфур душманни тор-мор қилишда Қизил Армияга ёрдам беришга интилиш билан илҳомланиб, ўз маблағларига «Ўзбекистон рассоми» номли жанговар аэроплан қуришга қарор қилдилар. Икки ойдан бери аэроплан қуришга маблағ тўпланаётир.

Шу мақсад билан яқинда Ўзбекистон Рассомлар Союзи биносида «Кўклам мавзуси» расмлар кўргазмаси очилди. Рассом ва ҳайкалтарошлар ўз асарларини

¹ Бухоро вилоят давлат архиви ф. 37 оп. 1 д. 998, л. 93.

² Бухоро вилоят Давлат архиви ф. 37, оп. 1, дело 998, лист 90.

аэроплан қурилиши фондига атаб бу кўргазмага бердилар. Бу янги кўргазмада 40 нафар рассом, шу жумладан ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Волков, Урол Тансиқбоев, Рождественский, Германинлар қатнашди. Усрищев ўзи ишлаган катта расмини кўргазмага қўйди.

Волков — «Пахта териш» номли расмини, Тансиқбоев — яқинда ишлаган «Кўклам» номли расмини кўргазмага қўйди.

В. Капельзон

Ўзбекистон бадий фонди директорининг ўринбосари.¹

СТАРШИЙ СЕРЖАНТ КАРИМОВ

Бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга чекинаётган душман ҳар бир пункт учун қаттиқ жанг қилмоқда. Лекин Совет қўшинларининг қаттиқ қаршилиги ва даҳшатли ўти остида кўп талофот кўриб гитлерчилар яна чекинмоқда. Югославиянинг стратегик жиҳатдан муҳим бир қишлоғи учун бўлган жангларда уни қўлдан бермаслик учун немислар бир неча марта қарши атакага ўтди. Пулемётчи старший сержант Каримов ўзининг расчети билан мустаҳкам позицияни эгаллаган ҳолда немисларнинг бир неча атакасини қайтарди.

Немисларни яқин масофага келтириб, Каримов пулемётдан кучли ўт очди. Немислар батамом қирилди. Тартибсиз ҳолда қочаётган гитлерчиларни қувиб бориб, совет жангчилари қишлоқни душмандан тозаладилар. Бу жангда жангчиларимиз душмanning 61 аскар ва зобитини асир олдилар.

Капитан А. Серов.²

БУХОРО ВИЛОЯТ ИЖРОЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

Бухоро шаҳри

1 декабр 1945 йил

Бухорога келтирилган поляк ва яҳудийларни ватанига юбориш комиссияси тўғрисида вилоят ижроия қўмитасининг

¹ «Совет жангчиси» фронт газетаси, 1944 йил, 14 июл, 47-сон.

² «Совет жангчиси» 11 октябр 1944 йил, 81 сон.

ҚАРОР

Бухоро вилояти ижроия қўмитасининг 1945 йил 1 декабрдаги 694-сонли қарорига асосан Бухоро вилоятидан поляк ва яҳудийларни ўз ватанига кўчириб юбориш комиссияси

қўйидаги таркибда тузилсин:

1. Ильичек — Бухоро вилояти ижроия қўмитасининг раис ўринбосари (раис)
2. Фетисов — Хавфсизлик қўмитаси Бухоро вилояти бўлим бошлиғининг ўринбосари (аъзо)
3. Ҳасанов — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (аъзо)
4. Лисаченко — Бухоро вилоят прокурорининг ўринбосари (аъзо)

СОБИР РАҲИМОВ БИЛАН УЧРАШУВ

Эртасига командир ва комиссар билан бирга Каменс-Шахтинский шаҳрига бордик. Шаҳар клубига кирганимизда унинг зали ҳарбийлар билан лиқ тўла эди. У ерга армия, корпус, дивизия, полк ва баталион командирлари, камиссарлар, партия ва комсомол ходимлари ва аълочи жангчи агитаторлар тўпланган эди.

Ифғилишда душман ҳужумини тўхтатиш ва унга зарба бериш тўғрисидаги фронт Ҳарбий Советининг қарорини фронт активида кенг муҳокама этиш, жангчилар ўртасида пропаганда қилиш масаласи кўрилди.

Залда эканимизда ногоҳ кўзим юқори унвонли бир ўзбек командирига тушди. Мен ундан кўзимни узолмай, у билан кўришишни истадим-да, яқинроқ бориб, ҳарбийларча салом бердим. У ҳам саломга алик олиб, кейин «ўзбекмисиз» деб сўради.

— Ўзбекман, ўртоқ майор, — дедим.

У менга қўл узатди, қўл қисишиб кўришдик.

— Собир Раҳимов бўлман. Тошкентликман. Сиз қаерлик — деди у.

— Аъзам Ахтамов. Бухоро вилоятидан, шофриконтликман, ўртоқ майор.

— Қадимий Бухоро, ҳа, биламан. Армияда қачондан бери хизмат қиляпсиз?

¹ Бухоро вилояти Давлат архиви ф. 1023, оп. 1, дело 236, л. 86.

— 1939 йилдан буён. Ғарбий чегарадан урушиб, жанг билан келяпмиз.

— Ундай бўлса, тажрибали жангчи бўлиб қолипсиз. Қайси қисмда хизмат қиласиз?

— 18-армия штаби ҳузуридаги инженерлик баталионида.

— Бир армия сафида эканмиз-ку? Шу вақтгача бир-биримизни кўрмабмиз; — деди майор. — Ҳа, кўра олмас эдик-да. Мен бу фронтга ҳарбий госпиталдан чиқиб, яқинда келдим. Энди тез-тез кўришиб турармиз. Менинг полким Ростовнинг Шарқи-шимолида, фронтнинг иккинчи позициясида турипти.

Ёнимизга бир капитан келиб Собир акага салом берди-да, ўзини Қарим Қаримович Қаримов деб таништирди.

О, шундайми! Мен Нармон Наримонович Наримонов деганни эшитган эдим-ку ammo ўзбекларда бунақанги болахонадор исм-фамилияни эшитмаган эдим. Майли, танишайлик: Собир Раҳимов бўламан, — деди-да, унга қўл узатди ва ўзлари қайси дивизияданлар? — деб сўрадилар.

— 31-ўқчи дивизияданман, ўртоқ майор, танкка қарши батарея командириман.

Ичкарига таклиф қилдилар. Мен ўз командирларим ёнига бориб ўтирдим. Жанубий ва ғарбий-жанубий томон қўмондони, Совет Иттифоқи маршали Тимошенко клуб саҳнасида пайдо бўлганида ҳамма ўрнидан турди.

— Утиринглар, — деди маршал.

Саҳнага маршалдан ташқари жанубий фронт қўмондони ҳам чиқиб жой олдилар.

Маршал сўзлай бошлади, у фронтлардаги аҳволни чуқур таҳлил қилди. Ленинград ва Москва бўсағаларида даҳшатли жанглар бораётганини қайта-қайта такрорлади.

— Бизнинг жанубий фронтимизда ҳам жанглар тобора шиддатли тус олмоқда. Гитлер ўзининг жанубий фронт қўмондонига Шарқий Донбассдаги совет армиясининг икки қанотини кесиб, Дон бўйида ўраб олиб, тор-мор келтириш, сўнгра Кавказни ишғол этиш ҳақида буйруқ берган. Душмanning бу қора ниятини барбод қилишимиз керак. Унинг планини чипакка чиқаришимиз шарт! Унинг зарбдор кучини тор-мор келтириб, орқага улоқтириб ташлашимиз шарт! Бу вазифани бажариш учун техника жиҳатдан ҳам, одамлар куч-қудрати жиҳатидан ҳам зарур имкониятга эгамиз!

Маршал сўзлар, унинг нутқидан ғалабамизга тўла ишонч билиниб турарди.

— Ҳамма жангчиларимизни, — деди маршал яна таъкидлаб, — душманга ғазаб руҳида тарбиялашимиз керак. Ҳар бир жангчи ғалабамизга қатъий ишонсин, душман кўксига шафқатсиз найза урсин.

инженерлик баталионимиз Каменск-Шахтинскийдан

Йигин тугаб ҳамма ўз жойига кўчиб кетди. Бизнинг силжиб, Ростов шаҳарининг шарқий-шимолида, фронт чегарасидан Рабаэловка қишлоғига жойлашди. Биз бу ерда ҳам бир неча группаларга бўлиниб, фронт линиясида мудофаа тутиб, ҳужумга тайёрланаётган дивизия ва полкларга инженерлик иншоотлари қуришга киришдик.

Полк командири Собир Раҳимовни қайта кўра олмаганимга ачиндим, гарчи унинг полки шу атрофдаги позицияда бўлса-да, қайси қишлоқ, қайси тепаликда эканлигини билолмасдим.

Ноябр ойининг бошлари, қор аралаш ёмғир ёғмоқда. Ер лой, кун совуқ, намгарчилик, ҳатто жангчиларимиз мудофаада турган окоп ҳам тизза бўйи сув.

1941 йил 17 ноябр эрталаб, тонг отарда кенг фронт бўйлаб артиллерия ҳужумлари бошланиб кетди. Биринчи бўлиб гвардиячи миномётчилар душман устига узунчоқ миналарини ёғдира бошладилар. Бу ҳужумнинг бошланганидан дарак берар, жангчилар севиниб, атакага кўтарилишга шайланмоқда эдилар.

Ростов ери минг-минглаб снаряд, миналарнинг ёрилишидан ларзага келмоқда эди. Бу ноҳосдан бошланган тасур-тусур фашистларни довдиратиб қўйди: парокандалик, дод-вой... Зотан душман бу лойгарчилик ва оғир об-ҳаво шароитида бунчалик зарбамизни кутмаган эди. П-70 маркали танкларимиз, доимий кўнгилли аскарлар армиямиз қаторида олдинга ташландилар. Ростов шаҳрининг шимоли-шарқида баланд тепаликлар устида тенгсиз жанглар бошланиб кетди. Душман чекинишни хоҳламаётган эди. Лекин қаҳрамон жангчиларимиз эса унинг «ўлиб-қутуриб» қилаётган қаршилигини синдириб, Миус дарёси қирғоғигача суриб-қисиб борардилар. Жанг қизиб турган вақтда кўзим танишимиз, капитан Қаримовга тушди. У ўз батареясини очиқ позицияга олиб чиқиб, душман танкларига ўт очтирмоқда эди. Биз қўлга киритилган маррада маҳкамланиб, мудофаага ўтиб олдик.

Кузатишимизча, душман Таганрог рўпарасидан келиб, Ростовга қараб кучли ҳужум бошлади. Ростов

олдида турган армиямиз душман танкчи кучларига қарши тенгсиз жанг олиб бориб чекинарди. 21 ноябрда нохуш хабар эшитдик: душман Ростов шахрини ишғол қилибди. Қаттиқ ачиндик. Рабраэловканинг жанубида — Куйбишев районида армиямизнинг иккинчи позициясида С. Раҳимов полки мудофаада турган эди. Буни биз кейинроқ билдик. Душманнинг учинчи ва тўртинчи танкчи корпуслари армиямизнинг иккинчи позициясига дуч келиб қаттиқ қаршиликка учраган, қадами қирқилиб, ҳужумни тўхтатган.

Собир Раҳимов полки катта-кичик замбаракларни танкка қарши қўйиб, қаттиқ жанг олиб борди. Унинг ўнг қанотида капитан Каримов батареяси ҳам душман танкларига қарши зўр жасорат билан курашарди.

Буни бизга комиссаримиз айтиб берди, севиндим.

29 ноябр эрталаб Совет Армияси яна мудофаадан ҳужумга ўтди. Эндиликда биргина биз ҳужум олиб бораётган Ростовнинг шарқи-шимолидагина эмас, балки уч томондан бир йўла ҳужум бошланди. Ярим қуршовда қолган душман қафасга тушиб қолишдан қўрқиб, чекинишга юз ўгирди. Ростов томонидан уч томонлама жанг борарди. Ниҳоят Ростов озод қилинди. Биз ҳужумчилар орасидамиз. Мен Ростовнинг ғарбида ўз жангчиларини олға олиб бораётган полковник Собир Раҳимовни кўриб қолдим. У мени дарров таниди.

— Э, қора йигит, соғмисиз? Қаранг, қаранг,— деди Ростов томонини кўрсатиб.

— Ростов устида яна қизил байроқ! Хайрият, — дедим мен.

У баланд овоз билан жангчиларга хитоб қилди:

— Қаранглар, Ростов душмандан озод қилинди. Бугун 30 ноябр, Ростов устида яна қизил байроқ хил-пирамоқда.

— Бу ғалабани нишонлаш учун энди Миус дарёси томон олға! — деб команда берди Собир Раҳимов.

Жангчилар «урра» деб олға ташландилар.¹

¹ А. Ахтамов. Бухородан — Берлингача, 120—123-бетлар.

ХОТИРАЛАР ЖОНЛАНГАНДА

ШАРИФЖОН НОСИРОВ. 1910 йилда Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигида, деҳқон оиласида туғилган. Миллати ўзбек. 1941 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

1933 йилда Бухоро педагогика институтининг физика-математика факультетини тугатиб, ўзимнинг жонажон қишлоғимдаги мактабда ёш авлодга сабоқ бера бошладим.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирди. Бу уруш ер юзидаги барча тинчликсевар халқларни жиддий синовдан ўтказди. Қардош халқлар қатори ўзбекистонлик ўғлонлар ҳам Ватанга бўлган чексиз муҳаббатларини намоиш этиб, фашизмга қарши курашга отландилар. Қўплаб ўзбек ўғлонлари сингари мен ҳам 1941 йил декабр ойида фронтга жўнатиладим.

Дастлаб жанубий-ғарбий фронтнинг 62-ўқчи полкида тўп расчётида наводчик, сўнгра расчёт командири бўлиб хизмат қила бошладим. 1942 йил бошларида Масков шаҳрини ҳимоя қилиш қизғин тусга кирганда, бизнинг полкимиз Масковнинг жанубий-ғарбий йўналишида мардонавор жанглар олиб бориб, душманни 200—250 чақиримга улоқтириб ташлади ва юздан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқни душмандан озод қилди. Афсуски, шу пайтларда Украина frontiда аҳвол ниҳоятда оғир эди. 1943 йилнинг март ойида бизнинг қисмимиз Варонеж frontiга ўтказилиб, Курск-Орёл йўналишида мудофаа жангчиларини олиб борди. Бизнинг 62-полк зиммасига Орёл шаҳри яқинидаги Михайловка қишлоғини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилди. Душман танклар билан қишлоққа ёпирилиб кела бошлади. Душманга қарата ўт очдик. Биз 76 миллиметрли тўпдан ўт очиб, душмanning дастлабки танкини ишдан чиқардик. Орадан бир неча дақиқа вақт ўтмасдан иккинчи ва учинчи танкини ҳам ёндириб юбордик. Ёнаётган танклар ичидаги душман аскарлари ташқарига чиқиб, жон талвасасида биз томонга палапартиш ўқ уза

бошладилар. Қолган танклар эса орқага чекинишга мажбур бўлди. Ана шу жангда иккита ўртоғимдан ажралдим.

1943 йил январидан бошлаб 269-ўқчи полкининг 76 миллиметрли тўп командири бўлиб душманга қарши жанг ҳаракатларини олиб бордим. Бизнинг тўпчиларимиз полк олдида қўйилган кўпгина муҳим вазифаларни бажаришда алоҳида ўрнак кўрсатиб, катта-катта ғалабаларни қўлга киритишда ўз ҳиссасини қўшди.

Жуда муҳим ва стратегик аҳамиятга эга бўлган Томаровка посёлкасини сақлаб туришдек юксак, маъсулиятли ишни мен хизмат қилаётган полк зиммасига юклатишди. Мабодо посёлка душман қўлига ўтиб қоладиган бўлса, душман барча кучларини шу посёлкага тўплаб фронт бўйлаб ҳужумга ўтиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам мен бошқараётган тўпчилар посёлкасига олиб кирувчи тош йўлни ҳимоя қилиши керак эди. Душман бундай муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган объектни қўлга киритиш учун жон-жаҳди билан жанг олиб борди. Душман дастлаб танклар билан ҳужумга ўтди. Мен тўпчиларимга танкларни яқин келтириб, сўнг ўт очишга буйруқ бердим. Мўлжал билан отилган снарядлар душмanning олдинги қатордаги танкларини ишдан чиқарди. Қолган танклар биз турган жойни сезиб қолиб, устимизга ўқ ёмғирини ёғдира бошлашди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, душман автоматчилари ҳужумга ўтишди. Қисмимиз ўзини йўқотиб қўйгани йўқ, барча йигитлар бир тану бир жон бўлиб, душман ҳужумларини мардонавор қайтаришга муваффақ бўлдилар. Шу жангда менинг тўпчиларим тўртта душман танкини сафдан чиқаришга эришди. Ушбу жанглардаги кўрсатган қаҳрамонлигим учун қўмондонликнинг ташаккурномасига сазовар бўлдим.

1944 йил февраль ойида жуда қаттиқ жанглар бўлиб ўтди. Львов йўналишидаги Волочинск шаҳрида душманга қарши олиб борилган қонли жангларда мен ҳам иштирок этдим. Душман ушбу йўналишда мустаҳкам ўрнашиб олиш учун жон-жаҳди билан тиришарди. Бизнинг қўшинларимиз ҳужумга ўтишлари керак, лекин душмanning танк ва миномётлари бунга йўл бермаётган эди. Ушбу тўсиқни бартараф қилиш мен командирлик қилаётган тўпчиларга топширилди. Вазифани бажаришга киришдик. Дастлаб душмanning иккита миномётини ва ўттизга яқин аскарини сафдан чиқардик. Жанг авжига чиққанда, биз томонга душман

12 та танкини рўпара қилди. Оғир аҳвол вужудга келди. Шу пайтда тўпчиларимга: пиёдаларга 150 метр ва танкларга 30 метр қолганда ўт очиш кераклигини тайинладим. Снарядлар портлаши билан душманнинг олдинги линиядаги иккита танки мажақланди. Қолганлари эса орқага чекинишга мажбур бўлди.

Бу жангда топшириқни аъло даражада бажарганлигим учун 97740-қисм командири, генерал-майор Пузиков 1944 йилнинг 6 мартида мени жанговар «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирлади. Мен ҳақимдаги йирик мақола 1944 йил 1 июнда «Красная звезда» газетасида, расмим билан босилиб чиқди. Уша пайтда мени фирқа аъзолигига қабул қилишган эди. Шунда қисм командирининг берган тавсифномасида қуйидаги маълумотлар бор эди. «269-ўқчи полкининг 45 миллиметрли тўп расчёти командири, катта сержант Носиров Шарифжон жанглар давомида 800 та душман аскарини ва зобитини, тўртта танк ва 8 та автомашинасини яксон қилган. Икки марта ҳукумат мукофоти билан тақдирланган ва икки марта мукофотга тавсия қилинган».

Шарифжон Носиров жангдан қайтиб келгач халқ маориф соҳасида бир неча йил ишлади. Вилоят раҳбариятининг тавсияси билан Жондор тумани Матлубот жамияти раислигига ишга ўтди. Умрининг охиригача шу соҳада ҳалол меҳнат қилиб келди.

1-гуруҳ ногирони НАРЗУЛЛО
ҲИКМАТОВ. 1923 йилда Ғижду-
вон туманидаги «Ибн Сино» жа-
моа хўжалигининг «Қавоби» қиш-
лоғида, деҳқон оиласида туғилган.
Миллати ўзбек. 1942 йилда ҳар-
бий хизматга чақирилган.

Мен Ғиждувон шаҳридаги Тельман номли мактабни тугатиб, рўзғор тебратишда ота-онамга кўмаклаша бошладим. Орзуларим улкан эди, аммо 1941 йил 22 июнь бутун дунё халқларини ларзага солган машъум уруш бошланди. Бутун мамлакат оёққа турди. Барча халқлар бир тану бир жон бўлиб, Ватан ҳимоясига отланди. Унг минглаб ўспиринлар фронт орқасини мустаҳкамлашга киришдилар.

Мамлакатлар учун оғир дамлар бошланди. Фронт орқасида қолган ҳар бир киши эрта тонгдан, кун ботгунгача тинмай меҳнат қилиб, душман билан олиш-ётган жангчиларимизга керакли барча нарсани етказиб бера бошлади.

Кўплар қатори мен ҳам урушгача жамоа хўжалигида меҳнат қилдим. 1942 йил апрелда уйландим. Тўйдан 8 кун ўтгандан кейин, май ойида ҳарбий комиссариат томонидан фронтга жўнадим. Она юртимдан узоқлашиб борарканман, киши ўз тупроғини қанчалар севишини хис қилдим ва бир томчи қоним қолгунча шу Ватанни ҳимоя қилишга аҳд қилдим. Барча ғиждувонликлар билан бирга мен ҳам Свердловский вилоятидаги ҳарбий тайёргарлик пунктида ҳарбий сирлардан огоҳ бўлдим. Мен қатори кўпгина ўзбек ўғлонлари ҳам шу пунктда икки ой давомида амалий жиҳатдан ҳужумга тайёргарлик машқларини ўтади. Икки ойдан сўнг бизларни Ленинград чегарасига жўнатишди. Бу вақтларда Ленинград учун оғир жанглар бораётган эди. Мен илк бор Волков frontiда 64-гвардиячи дивизиянинг 197-ўқчи полк сафида фашист босқинчиларига қарши жангга кирдим. Бизнинг қисм Ленинград яқинидаги ҳудудлар учун бўлган жангда фаол иштирок этди. Бизнинг вазифамиз душманни шаҳардан қувиб чиқариб, сўнг Волхов дарёсидан кечиб ўтиб, Званканин станциясини

эгаллаш эди. Полк ўз олдига қўйган бу масъулиятли вазифани шараф билан бажарди. Званканин учун бўлган жангда қўл ва белимдан ярадор бўлиб, госпиталга тушдим. Ҳамширалар ва тиббиёт ходимларининг ғам-хўрлиги туфайли тез орада даволаниб, яна фронтнинг олдинги участкаларига етиб бордим ва Бокистогорский, Сингавин, Посингавин шаҳарлари учун олиб борилган жангларда қатнашдим. Қиш купларининг бирида биз томонга келаётган 50 дан ортиқ душман аскарини кўриб қолдим. Дарҳол ишга киришиб, душманга қарата ўт очдим ва душманни биз томонга ёриб ўтишига имкон бермадим. Ана шу қаҳрамонлигим учун қўмондонликнинг ташаккурномасига сазовор бўлдим.

Энг оғир жанг Столорюк шаҳри учун бўлиб, немис босқинчилари билан мардоновор жанг қилаётган жангчиларимизнинг бардошини синамоқчидек, табиат ҳамма ёқни қалин қорга буркаб ташлаган эди. Ана шундай оғир шароитда душманга қарши тинмай ажал уруғини ёғдирар эдик. Бу жангда менинг ўнг оёғимда осколка парчаси тегиб, оғир ярадор бўлдим ва ҳушимдан кетдим. Ярадор ҳолимда эрталабдан то кечгача қорли окоп ичида қолдим. Кечга бориб мени ўрмондаги «қизил изтопарлар» топиб олиб тезда госпиталга олиб бордилар. Афсуски икки оёғим ҳам яҳлаб қолган, иккаласини ҳам кесиб ташламаса, соғ қолишим даргумон бўлиб қолди. Жарроҳлар дарҳол икки оёғимни ҳам кесиб ташлашди. Мен «энди қандай яшайман?» —деган савол қийнардди. Саккиз кунгина бирга яшаган рафиқам, оёқсиз уйга кириб борганимда, мени қандай кутиб олишини тасаввур қила олмас эдим. Шу сабабли мен уйга бормаслик ҳақида хат ёздим. Мени тирик қолганимдан хабар топган уйдагилар бениҳоя хурсанд бўлиб: «Сен икки оёғингдан биров билан жанжаллашиб эмас, балки Ватан озодлиги деб ажрагансан, бизлар сени бошларимизда кўтарамиз, сенинг хизматларинга тайёرمиз ва сени интизорлик билан барча қишлоқдошлар кутаяпти»,—деб мактуб йўллашди. Бу мактубни олганимдан сўнг, менда яна яшашга умид учқунлари уйғонди. 1943—44 йилларда ҳарбий касалхоналарда даволаниб, туғилиб ўсган она-Ватаним-қадрдон Ёнжудувонга қайтдим. Мана вафодор аёлим билан 9 фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Ҳозирги кунда 30 га яқин неварам бор. Урушдаги хизматларим муносиб тақдирланди. 1965 йил 7 майда «Ғалабанинг 20 йиллиги», 1975 йил «Ғалабанинг 30 йиллиги», 1938

йил 31 майда «Қизил Армиянинг 60 йиллиги», медали билан 1985 йилда «Улуғ ватан урушининг 1-даражали ордени» билан мукофотлашди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг 1994 йилда кўплаб фахрийлар қатори «Жасорат» медали билан тақдирландим. Ҳозирги кунда «Ибн-Сино» жамоа хўжалигида истиқомат қилаяпман.

3-гурӯҳ ногирони КЕНЖАПОЛВОН
ТОШЕВ. 1920 йилда Ғиждувон
туманидаги, Фришкент қишло-
ғида туғилган. Миллати ўзбек.
1940 йилда ҳарбий хизматга ча-
қирилган.

Мен 1940 йилда Ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўташ учун, Ғиждувон тумани ҳарбий комиссариати томонидан хизматга чақирилдим. Хизматни Украина Республикасининг Волошиловград шаҳрида бошлаб, жанговор ва сиёсий тайёргарлик машғулотларида аъло ва яхши кўрсаткичларга эришганлигим учун, қисм командирининг бир неча марта ташаккурномаларига сазовор бўлдим.

1941 йилнинг 22 июн куни кураш эълон қилмасдан, немис-фашист босқинчилари «яшин тезлигида», жуда катта техника, қурол-аслаҳа билан Ватанимизнинг ҳарбий ҳудудларига бостириб кирди. Аммо, лекин фашистлар бундай авантюристик режа тузиб, қаттиқ янглишгандилар. Улар халқимизнинг ва қуролли кучларимизнинг қудратини ҳисобга олмагандилар.

Ватанни ҳимоя қилиш ғояси халқимизда, Қизил Армия ва Ҳарбий денгиз флоти жангчиларида душманга бўлган нафратини оширди. Бу нафрат жангчиларнинг катта қаҳрамонлик қилишга ундади. Мен уруш йилларида Воронеж, кейинроқ 1-Украина фронтида душманга қарши жанг ҳаракатларини олиб бордим.

Урушнинг дастлабки кунларидан фашист қўшинлари биринчи зарбани шонли чегара қўшинларимизга қаратди. Ана шундай оғир дамларда мен хизмат қилаётган қисм ҳам чегарада жойлашган эди Қўмондонликнинг буйруғи билан чекинишга мажбур бўлдик. Чекиниш қанчалик оғир бўлмасин, минглаб қардош халқларнинг ўғлонлари қатори ўзбек халқининг мард, азамат, асл фарзандлари ҳам жанг майдонида қурбон

бўлдилар. Буларни кўриб, душманга нисбатан нафратим янада ошди.

Қисмимиз чекинаётган бўлсада, ҳар бир шаҳар, ҳар бир уй учун қаттиқ жанг олиб борди. Лекин душман жон-жаҳди билан олдинга интилар, бизнинг арслондай довиорақ йигитларимиз эса ёвни парчалаб, улоқтириб ташлайвердилар. Жангоҳларда оддий жангчидан генералларгача мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Мен 1942 йилгача оддий аскар, 1942 йил ўрталарида то урушнинг охиригача артиллерияда снаряд отувчи бўлим командири бўлиб, душманга қарши жанг қилдим.

Дунё халқларини ҳайратга солган қўшинларимиз душманнынг тиш-тирноғигача қуролланган қўшинларининг ҳужумини қайтарибгина қолмасдан, балки уларга қарши ҳужумни бошлаб юбордилар. Ҳужум қилиб бораётган Қизил Армиянинг қақшаткич зарбасига гитлерчилар ғарбга томон чекинар эдилар. Қўмондонлик мен хизмат қилаётган артиллерия батареясини олдинги отряд таркибига ўтказиб, аҳоли яшайдиган муҳим пунктларни ишғол қилиш, чекиниб бораётган душманнынги йўлини тўсиш тўғрисида буйруқ берди. Отряд узоқ ва оғир йўл босиб, белгиланган пунктга етиб борди. Душман жангчиларимизни ёмғир каби ўт ёғдириб кутиб олди. Улар муҳим позицияни қўлдан бермаслик учун жон-жаҳди билан курашди. Отрядимиз жангчилари қанчалар оғир бўлмасин аҳоли пунктини эгаллаш учун, аввало черковни қўлга киритиш ниятида эдилар. Черков тош деворлари билан ўраб олинган бўлиб, разведкачиларимиз тош деворлар орасида душманнынги пулемёт нуқтаси борлигини ва иккита пулемёт бутхона қўнғироқхонаси ичида ўрнатилганини аниқладилар. Черков ҳовлисида душманнынги танклари ҳам бор эди. Тўпчиларимиз дастлаб душманнынги қўнғироқхонадаги пулемётларини яқсон қилиб, жангчиларимизни эркинроқ ҳаракат қилишлари учун имкон туғдирди. Аммо тош деворлар орасидаги пулемётлар тинмай ўқ ёғдириб турарди. Артиллерия командири қисқа тайёргарликдан сўнг, аҳоли пунктини ишғол қилишга қарор қилди ва жангчиларини олдинга бошлади. Бу жанг 1943 йил 17 майда тугади. Биз душман қўшинларини Курмово олдида тор-мор этдик.

1943 йил Курск жангидан кейин қўшинларимиз мамлакатимиз ҳудудларидан душманни қувиб чиқара

бошладилар. Украина ерларини фашистлардан тозалашда, рус, украин ва бошқа миллатлар қаторида ўзбек ўғлонлари ҳам мардоновор жанг қилдилар.

Олий Бош қўмондонлик, 1943 йил охирида 1-Украина fronti қўшинлари олдида Киев шаҳрини озод қилиш вазифасини қўйди. Шу йили 1 ноябрдан бошлаб Ватутин қўмондонлиги остидаги қисмлар Киевни озод қилишга киришдилар. 2 ноябр кuni қисмимиз 3 марта душманга зарба берди ва Киевга қўшинларимизни киришига йўл очиб берди. 6 ноябрда Киев озод қилинди. Бу урушда кўрсатган хизматим учун қўмондонлигининг навбатдаги раҳматномасига сазовор бўлдим. Чехословакиянинг қатор шаҳарларини озод қилишда иштирок этиб, 1945 йил 9 май ғалаба байрамини, кўпгина қуролдошларим қатори Чехословакия заминига кутиб олдим. Ғалабадан руҳланган жангчиларимиз қуршовда қолган душманни тор-мор қилиш учун жангни кучайтирдилар. 1945 йил 17 майда 1-Украина fronti Чехословакиядаги бир миллионлик душман қисмларини батомом янчиб ташлади.

Уруш тугаганидан сўнг, ўз юртимга қайтиб келдим. 8 нафар фарзандим ва ўнлаб невараларим бор. Ҳозирги кунда Ёждувон туманидаги С. Айний номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қиламан.

Бухоро вилояти Ёждувон туманидаги А. Ёждувоний номи жамоа хўжалиги уруш ва меҳнат фаҳрийлари қўмитасининг раиси Неъмат БОБОЕВ 1916 йилда шу тумандаги «Пизигмон» қишлоғида, деҳқон oilасида туғилган. Миллати ўзбек. 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

1933 йилда мактабни тугатиб, ота-онамга кўмаклашиш мақсадида Саидкент қишлоқ шўросида хат ташувчи бўлиб ишлай бошладим. 1937 йили мени туман комсомол қўмитасига инспектор қилиб сайлашди. Шундан кейин туман комсомол ёшларининг фаолиятларини жонлантиришга кўмаклашдим. Кўп ўтмай, туман комсомол қўмитаси мени Самарқанддаги маданий-оқартув билим юртига ўқишга юбориш арафасида Улуғ Ватан уруши бошланди. Бу уруш минглаб кишиларни

ёстиғини қуритган, 'орзу-умидларини ҳавога совирилишига сабаб бўлди. Уруш бошлангач, 1942 йил июн ойида мен ҳам кўнгиллилардан бўлиб, фронтга жўнадим. Кўплаб ҳамқишлоқларим билан бирга Куйбишев вилояти, Пенза шаҳрида ҳарбий махсус тайёргарликдан ўтиб, 2-Белоруссия фронтида шу йил 5 сентябридан Калининград шаҳри яқинида жанг ҳаракатларини бошладим. Душман тинмасдан ўқ ёғдириб туришига қарамай, танкчиларимиз қандай қилиб бўлмасин шаҳарни озод қилиш учун қаттиқ жанглар олиб бордилар. Ана шу жангда мен ҳам иштирок этдим. 17 сентябрда мени взвод командири ўз ҳузурига чақириб, душман пулемётларини йўқотиш вазифасини топширди. Мен дарҳол душман снайпери жойлашган томон эмаклаб бориб, 3 та гранатани ирғитдим. Душман пулемётининг овози бир неча дақиқа ўчди. Шу бир неча дақиқа жангчиларимиз учун етарли эди. Шаҳар душмандан озод қилинди. Жангда фаол иштирок этганим учун, мени қўмондонлик ташаккурнома билан тақдирлади.

Навбатдаги жангларнинг бирида, қўлимдан ярадор бўлдим ва ҳарбий госпиталга тушиб қолдим. Бир ой даволанганимдан сўнг яна жангга отландим. 1943 йил 3 ўктябрда Ленинград остоналаридаги жанглардан бирида оёқ ва қўлимдан қаттиқ яраландим. Мени Москва орқали Ярославск ҳарбий касалхонасига жўнатишди. Шу ерда оёғим операция қилиниб, осколка қолдиғи олиб ташланди.

Операциядан кейин 4 ой давомида шу ерда даволандим, яраларимнинг битиши қийин бўлганлиги учун мени жанг ҳаракатларига яроқсиз деб топишди ва орадан кўп вақт ўтмай Фарғона вилоятидаги Тошлоқ ҳарбий касалхонасига олиб келишди. 6 ой шу ерда даволандим. Врачлар осколка оёғимнинг томирига шикаст етказганлигини аниқлаб, даволай бошладилар. Бир неча ойдан сўнг мени фронтга яроқсиз топиб, уйимга юборишди. Оёғим қаттиқ оғиришига қарамасдан немисларга қарши курашни фронт орқасида давом эттирдим. Қўлтиқтаёқ билан жамоа хўжалигида бригадирлик қилдим. Бригада режаларни ошириб бажариш билан фронт учун мадад бериб турди.

1971 йилдан 1994 йилгача жамоа хўжалигининг кўнгилли ўт ўчириш жамияти раиси бўлиб ишладим. Менинг уруш ва меҳнатдаги хизматларим ҳукуматимиз томонидан миносиб тақдирланди. 1994 йил 6 майда эса «Жасорат» медали билан мукофотландим. Фарзанд-

ларим, невараларим, эвараларим ҳар доим ёнимда. Ҳозир Ғиждувон туманидаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қиламан.

АКРАМ ҲАМРОЕВ. 1921 йилда Ғиждувон туманидаги Ф. Юнусов номли жамоа хўжалигидаги «Додарак» қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

Уруш бошланиб, Ватан бошига оғир мусибат тушгандан кейин минглаб ёшлар қатори мен ҳам 1942 йил май ойида Ғиждувон ҳарбий комиссариати томонидан урушга жўнатилдим.

Бизлар Челябинск вилоят, Калининск туманидаги ҳарбий пунктга келиб тушдик. Бу ерда тажрибали мутахассислар ва зобитлар ёрдамида ҳарбий қурооллардан фойдаланишни ўрганиб олдик. Тайёрлов курсида 15 соатлаб машқ қиллар ва душманга қарши жанг қилиш сирлари ўргатилад эди. Қисқа тайёрлов курсини тугатганимиздан сўнг бизларни Ленинград мудофаасига, Ленинград фронтининг 89-гвардия полкига келтиришди. Бу вақтда Ленинград шаҳрини ҳимоя қилиш авжига чиққан эди. Душман қутуриб шаҳарни эгаллашга ҳаракат қилар, шаҳар аҳолиси ва Қизиласкарлар оғир қамал шаронтида душман зарбасини даф қилар эдилар. Ленинград мудофаасида Қизил Байроқли Болтиқ флоти катта роль ўйнади. У душманнынг денгиз томонидан бўладиган ҳужумларини бартараф этиб турди. Душман Ленинград мудофаачиларининг матонатини енга олмади.

Биз, ғиждувонлик уч йигит бир қисмда жанг қилар эдик. Жанг тўхтаган вақтларда окопларда ўтириб ширин дамларни эслашардик. Кунларнинг бирида даҳшатли воқеа юз берди. Жангдан сўнг ҳар доимгидек овқатланишга ҳозирлик кўраётган эдик. Бизга ҳамқишлоғим Теша Ваҳобов овқат олиб келаётган эди. Шу вақт душман устимиздан ўқ ёғдира бўшлади. Овқат олиб келаётган Тешанинг пешонасига ўқ тегиб, ерни қучоқлаб жон берди. Биз Тешанинг олдига бора олмасдик, чунки фашистлар билан отишма бошланиб кетганди. Кўзларим тўла ёш билан газандаларга қарши ўқ ота бошладим. Кечгача отишма давом этди. Кечга бориб Тешанинг елкасидан овқатни олишга му-

ваффақ бўлди. Шунгача жангчиларимиз овқатсиз қолган эдилар. Кечга бориб, Тешани ўз қўлим билан тупроққа топширдим. Бу мен учун нақадар оғир эди...

1942 йил 28 августда Ленинград мудофаасидаги ҳал қилувчи жангларнинг бирида яраландим ва Иркутский ҳарбий госпиталига юборилдим. Ярам оғир бўлиги учун қулоғим эшитмайдиган бўлиб қолди. Бутунлай соғайишим учун Чита вилоятига олиб боришди. Бутунлай даволаниб чиққанымдан кейин Узоқ Шарққа тузилган Байкал бўйи фронтининг 393-дивизиясида жанг ҳаракатларига тайёргарлик кўрдик. Узоқ Шарқда Япониянинг ҳужум қилиш хавфи бор эди. Германия таслим бўлганидан кейин Япония СССР, Америка ва Хитойнинг 1945 йил 26 июлда имзолаган Постдам декларацияси шартларини бажаришдан бош тортди. Шундан сўнг 1945 йил августда СССР дўстлик ва иттифоқчилик ҳақида Хитой билан шартнома тузди. Бу шартномага кўра иккала томон то узил-кесил ғалаба қозонгунча Японияга қарши уруш олиб бориши, зарурий ёрдам бериб туриши лозим эди. 9 август 1945 йилда Забайкалье fronti /қўмондони Маленовский/ 1- Узоқ Шарқ fronti /қўмондони Мерецков/ 2-Узоқ Шарқ fronti /қўмондони Пуркаев/ қўшинлари Тинч океан флотининг кемалари ва қисмлари маршал Васелевскийнинг умумий раҳбарлигида Узоқ Шарқда Япон қўшинларига қарши жанг ҳаракатларини бошладилар. Квантун армияси биринчи кунлардаёқ қаршилик кўрсатишни тўхтатди ва таслим бўлиб, аср туша бошлади. Ана шу жангларда мен ҳам қатнашдим.

1946 йил май ойида хизматни тугатиб, она қишлоғимга қайтдим. Уруш тугаб тинч, ҳаёт бошлангач қолган ҳаётимни боғ яратиш ва уларни парвариш қилишга бағишладим. Қилган хизматларим муносиб тақдирланди. 1944 йилда мустақил Ўзбекистоннинг «Жасорат» медали билан мукофотландим. 8 фарзандим ва кўплаб набираларим бор. Ҳозирги кунда Ёғжудувон туманидаги Ибн Сино номидаги жамоа хўжалигининг «Додарак» қишлоғида истиқомат қиламан.

ЖУМА ТОШЕВ. 1921 йилда Бухоро туманидаги «Шергирон» жамоа хўжалигининг «Ҳонабот» қишлоғида, деҳқон oilасида туғилган. Миллати ўзбек. 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

1929 йилда отамдан 1936 йил эса онамдан ажралиб, тоғамнинг қўлида қолдим. 1932 йилда Сталин номли ўрта мактабда ўқишни бошлаб, 1935 йилда 7 синфни битириб, 1938 йили Бухоро шаҳридаги 16-сон педагогика билим юртига ўқишга кирдим. Ўқишни тугатганимдан сўнг, вилоят халқ маорифи бўлими мени Қашқадарёнинг Деҳқонобод туманидаги Киров номли мактабга ўқитувчи қилиб юборди. Шу мактабда 1942 йил январгача ўқитувчи бўлиб ишладим. 1942 йил январ ойида чақирув қоғози олиб, феврал ойида 450 киши билан бирга Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрига келиб тишдик. Бу ерда сержантлар тайёрлаш курсини ўтаб бўлгач, 1942 йил июн ойида фронтга юборишларини сўраб ариза бердим, лекин улар мени фронтга юбормай, 1942 йил ноябрь ойида Ленин номидаги Тошкент ҳарбий билим юртига ўқишга юборишди. У ерда биз фан ва техникани қўнғи билан ўргандик. Билим юртини тугатганимдан кейин ҳаракатдаги армияга юборишни илтимос қилдим. Бу талабим қондирилди. 1944 йил 3 сентябрда Мудофаа вазирлигининг 1030-сонли буйруғи билан менга кичик лейтенант унвони берилиб, 1-Белоруссия фронтининг Белов қўмондонлигидаги 61-армияни 356-ўқчи дивизияси, 1181-полкига юборишди ва взвод командири этиб тайинлашди. Менинг биринчи жангга киришим 1944 йил 17 сентябрда Житомир шаҳрини озод қилиш учун бўлган жанг эди. Шу жангда мен бошлиқ взвод қаҳрамонлик кўрсатиб, Минск, Могилев ва Белоруссиянинг кўплаб аҳоли пунктларини фашистлардан озод қилишда фаол иштирок этиб, фашистларни мамлакатимиз ҳудудидан улоқтириб ташлангач, Шарқий Европа ҳудудларини озод қилиш жангларида иштирок этдим. 1945 йил 14 январ куни менинг взводим душмanning кучли мудофаа маррасини ёриб ўтди. Совет қўшинларининг Польша ҳудудидида олиб борилган жанговор ҳаракатлари ҳам муваффақиятли бўлди. Мен ўз взводим билан Висла дарёсидан ўтиб, қардош поляк қўшинлари билан биргаликда, 1945 йил 17 январда Польша пойтахти Варшавани озод қилишда иштирок этдик. Қисмларимиз Силезия, Померангия ва Бранденбург ҳудудларини озод қилди. Бу урушда «Варшавани озод қилиш» медали билан тақдирландим. Бизнинг қисмимиз ғарбга томон илгарилаб, Одер дарёси саҳилларига етиб борди. Душман бу дарёни ҳеч ким ўтолмайдиган табиий тўсиқ деб ўйлаб, унга катта умид қилган эди. Лекин бу

Умиди йўчга чиқди. 1945 йил 3 февралда жангчиларимиз Одер дарёсидан кечиб ўтдилар. Бу кечувда актив иштирок этганлигим учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотландим.

1945 йил март, апрел ойларида Германиянинг 20 дан ортиқ шаҳар ва аҳоли пунктларини озод қилиш жангларида иштирок этдим. 24 апрел куни Берлин шаҳрини штурм қилиш жангида қатнашиб, Берлиннинг чап томонидан Рейхстакка ҳужум уюштирдик. Германиянинг Берлин яқинидаги дарёдан кечиб ўтишда 1181-полкнинг 1-взвод командири Стрелников ва 2-взвод командири сифатида мен бош-қош бўлдим. Бизнинг қисмларимиз немисларнинг автоматчилар взводини яқсон қилиб, 76 душман тўпини йўқ қилди ва дарёдан кечиб ўтиб, Рейхстагнинг шарқ томонидан бостириб кирди. Қисмимиз 1945 йил 29 апрелда Рейхстаг биноси ичкарасидаги қўл жангларида катта қаҳрамонлик кўрсатди. Ана шу жангда мен чап қўлимдан яраландим. Кўп қон йўқотганлигим учун ҳарбий касалхонага олиб боришди ва июн ойигача даволашди. Мен ғалабани госпиталда кутиб олдим. Даволаниб чиққанимдан сўнг алоҳида зобитлар полкида 1945 йил ноябр ойигача зоҳирада бўлдим. 1945 йил ноябр ойида махсус буйруқ билан уйга қайтишимга рухсат берилди. Урушдан кейин «3-байналминал» жамоа ҳўжалигида котиб ва табелчи бўлиб ишладим. 1953 йил 1 январда Бухоро тумани «Пахтакор» спорт қўмитасининг раиси қилиб сайлашди. Ушбу лавозимда 1983 йилгача ишладим. Хизматларим учун мени «Фаҳрий ёрлик» ва «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлашди. 1983 йилдан нафақага чиқдим. Ҳозирги кунда 6 нафар фарзандим, 25 та неварам ва 2 эварам бор.

ДМИТРИЙ ИВАНОВИЧ ШЕВЦОВ. 1916 йилда Красноярский ўлкасидаги, Бийск шаҳрида, ишчи oilасида туғилган. Миллати рус. 1938 йилда ҳарбий ҳизматга чақирилган.

Саккизинчи синфни битиргач, меҳнат фаолиятимни заводда оддий ишчиликдан бошладим 1938 йилда мени ҳарбий хизматга чақиритишди ва чегара қисмларида хизмат қила бошладим. Олти ойлик хизматдан сўнг чегарачилик билим юртига ўқишга кирдим ва ўқишни

Якунлаб, яна чегара қисмларида старшина унвоні билан хизматни давом эттирдим.

1941 йил 22 июнда мамлакатимиз халқлари учун оғир сиёв даври бошланди. Душман мамлакатимизга бостириб кирганда мен чегарада эдим. Биз ўз аскарларимиз билан биргаликда ҳар доимгидек дам олиш кунини яхши ўтказиб, ҳордиқ чиқараётган эдик. 22 июнь кечқурун соат 2 ларда немис фашистлари кутилмаганда ўқ узишни бошладилар. Шунда бизнинг соқчимиз югуриб кириб, ўқ отилаётганлигини маълум қилди. Ҳамма шошиб қолиб, ўз қуролларини қўлга ола бошлади. Лекин бизнинг қўшинларимизга «Немисларнинг иғволарига қарши жавоб ўқлари отилмасин!» деб қатъий буйруқ берилган эди. Шунинг учун бизнинг аскарларимиздан бирор киши ўқ уза олмади. Шу вақтда масаланинг оғирлиги шунда эдики, немисларнинг ўқ узишни натижасида баъзи аскарларимиз ярадор бўлаётган, баъзилари ҳалок бўлаётган бўлсада биз эса жим ўтирган эдик. Бундай ҳодисани кўриб, чидаш қийин эди. Немислар эса бизнинг чегараларимизни бузиб, бостириб келарди. Шундай бир дамда катта лейтенант Бародин бўлаётган воқеаларни кузатиб: «Урушамиз шекилли, йигитлар», деган сўзни айтиши билан немислар томонидан узилган ўқ унга тегиб, ҳалок бўлди. Мана шундай чидаб бўлмас ҳолат юзага келган бир вақтда сиёсий бўлим раҳбаримиз Тубин «Ватан учун!», «Сталин учун!», деган қақиреқлар билан бизни душманга қарши жангга бошлади. Уруш бошланган вақтда кучлар ўртасида жуда катта фарқ бор эдиким, немислар тиш тирноғигача қуролланган бўлиб, жуда тез фурсатда олға силжишга муваффақ бўлган эди. Кучлар тенг бўлмасада, ҳар бир солдати-миз ўз жонини аямасдан жанг қиларди. Бизга: «Бир қадам ҳам орқага чекинилмасин», деган буйруқ бўлганлиги сабабли, биз ўз позициямизни ташлаб, чекина олмас эдик. Немислар бизни қуршаб олишди. Ҳаво кучларининг ёрдами билан қуршовдан чиқишга муваффақ бўлдик. Бизга чекинишга рухсат берилди. Чекиниб бораётган жангчиларимиз фашист ғалалари билан шердек олишиб, фашистларни ҳолдан тойдириш билан бирга, урушиш санъатини ҳам ўзлаштириб бораётган эдилар.

Оғир жангларнинг бирида мен ўнг қўлимдан ярадор бўлдим, лекин даволанишга шароит йўқлиги туфайли урушни шу ҳолатда давом эттирдим. Совет Иттифоқи-

нинг юраги ҳисобланган Москва шаҳрини эгаллаш учун Гитлер махсус «Тайфун» номли режа ишлаб чиқиб, бу режага биноан Москвани олиш учун катта қўшин ва қудратли кучлар ажратган бўлиб, 1941 йил 30 сентябрда Москвага ҳужум бошладилар. Шавкатли жангчиларимиз Москвани мудофаа қилишга киришдилар. Қишнинг совуқ кунларида Москва остоналарида қаттиқ жанглар борарди. Шу ерда менинг тишларимни совуқ уриб, тушиб кетди. Москва остоналаридан душманни суриб ташладик. Бу эса жангчиларимизни ғалабага бўлган ишончини янада кўтарди. Шундай оғир жанглардан бирида кантузия бўлиб, Алматидаги ҳарбий госпиталга тушдим. Қисқа вақт ичида даволаниб, яна фронтга қайтдим. Кавказ frontiда 129-ўқчи полкда ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман батальонларидан иборат дивизиядаги жангчилар билан биргаликда елкама-елка туриб жанг қилдим. Маздак шаҳрини озод қилиш учун бўлган жангда иштирок этдим. Шу жангда кўрсатган жасоратларим учун «Жанговор хизматлари учун» медали билан тақдирландим. 5-армиянинг 200-дивизияси таркибида Керч шаҳрини озод қилишда взвод командири сифатида жанг қилдим. Полк командири мени чақириб муҳим топшириқ боришини айтди. Мен бошчилигимдаги взвод душман турган жойни аниқлаб, уни тор-мор қилиши зарур эди. Топшириқни бажариш учун 6 та қайиқда дарёдан ўта бошладик. Немислар бизни сезиб қолмаслиги учун, шовқин-суронсиз ўтишимиз, менинг қайиғимдан бошқа ҳамма қайиқлар қирғoққа чиқиб олгач, қайиқлардан бири сигнал бериши, буни кўрган немислар прожекторларини ёқиб, бизникиларга қарата ўқ узган пайтда, биз уларнинг позициясини кўришимиз керак эди. Душман бизга қарата ўт очди. Шу вақтда мен қайиғимдагиларга ўзларини сувга ташлашлари учун буйруқ бердим ва ўзим ҳам сувга сакрадим. Биз сувда бўлганимизда, атрофимизга келиб тушган снаряд кишини ток ургандек силкитиб юборар эди. Ноябрь ойи эди. ҳаво совуқ, шу билан бирга солдатлар қалин кийимда ва ҳар бирининг автомати, шунга ўхшаган оғир қуроллари бор эди. Бундай аҳволда қирғoққа чиқиб олиш жуда мушкул эди. Катта қийинчиликлар билан 78 киши қирғoққа чиқиб олдик, холос. Қолганлар эса ҳалок бўлди. Катта қурбонлар эвазига взвод ўз олдига қўйилган вазифани аъло даражада бажарди. Ана шу ердаги жасоратим учун полк командири мени ташаккурномэ

билан тақдирлади. Керчь шахри озод бўлиши билан мени 1-Украина фронтига юборишди. 1943 йил ноябрда Днепрдан ўтиб, Киев шахрини озод қилишгача бўлган жангларда қатнашдим.

Душманни режасини ва жойлашган ўрнини фақатгина «тил» олиб келиш билан аниқлаш мумкин эди. Бу эса жуда хатарли ва машаққатли эдиким, шундай оғир вазифани бажариш ҳаммага ҳам ишониб топширилмас эди. Шу вазифалардан бири бизнинг взводга топширилди.

Биз кеч кириши билан немислар жойлашган штабга яқин бориб, немис тилини биладиган Рижковни штабга киритиб юбордик. У соқчини ўлдириб, бир зобитни ва кўпгина муҳим ҳужжатларни олиб келди. Биз дарёга етиб келганда немислар бизни сезиб қолишди ва итлари билан биз томон кела бошлашди. Бизни эса ўрмон ичкарасида ўртоқларимиз «ГАЗ—67» машинаси билан кутиб туришган эди... Олиб келган асир ва ҳужжатлар учун полковник Рокатин бизларни «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирлади.

Бутун уруш давомида 4 марта яраландим.

Ғалабадан сўнг хизматимни Файзиободдаги 48-чегара отрядининг 5-заставасида давом эттирдим.

Тақдир тақозаси билан 1946 йилда Вобкентга келиб қолдим ва шу ердан уйландим, МТСда ишлай бошладим. 1990 йилгача шу ерда меҳнат қилиб, қарилик нафақасига чиқдим. Ҳозирда турмуш ўртоғим билан Вобкентда яшамоқдамиз. 4 та фарзандимиз, 8 та набирамиз, 3 та эварамиз бор.

ҒАЙБУЛЛО ХУДОЙБЕРДИЕВ.
1919 йилда Бухоро вилоятидаги Шофиркон тумани Хрущев номли жамоа хўжалигида, деҳқон оиласида туғилган Миллати ўзбек.
1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

Инқилобгача отамнинг 2 таноб ери, бўлиб, шу ердан келган даромад ҳисобига тирикчилик қилар эдик. Ҳаётимизнинг оғир бўлишига қарамасдан, отамнинг маърифатли, ўқимишли инсонларга нисбатан ҳурмати баланд бўлганлиги учун, мени Чандир қишлоқ шўросига қарашли Сталин номли 3-сон мактабга ўқишга қўйдилар. Мен ушбу мактабнинг 8-синфини тугатиб, 1935

Йилда Бухоро шаҳридаги 16-сон педагогика техникумига ўқишга кирдим. Ушбу билим юртини 1938 йилда тугатиб, ўз қишлоғимга ўқитувчи бўлиб қайтиб келдим. Мактабда кўп ишламасимданоқ, Бухоро ҳарбий комиссариати томонидан армияга чақирилдим. Маълумки, 1939 йил ноябр ойида Финляндия давлати СССРга уруш эълон қилди. СССР давлати ўз манфаатини ва ҳудудларини ҳимоя қилиш мақсадида Ленинград ҳарбир округи қўшинларига душманга қарши зарба бериш тўғрисида буйруқ берганди. Ушбу буйруққа асосан мен хизмат қилаётган полк ҳам оқ финларга қарши урушга қатнашди.

Қўшинларимиз оқ финларга қақшатғич зарба бериб, Выборг шаҳрини ишғол қилдилар. Финлар катта умид боғлаган «Манкергейм линияси» яқсон қилинди. Финларга қарши олиб борилган жангларда актив қатнашганлигим учун, мени бўлим командири қилиб тайинлашди. Қаттиқ жанглардан бирида бошимдан яраландим, ярам оғир бўлмаганлиги сабабли қисқа вақт ичида даволаниб, яна жанг ҳаракатларига иштирок этдим. Бу орада Совет қурулли кучларининг зарбасига бардош бера олмаган Финляндия ҳукумати СССР билан битим тузишга мажбур бўлди. Шу тариқа финлар билан бўлган уруш тугади.

Немис-фашист босқинчилари мамлакатимизга ҳужум қилган вақтда мен хизматни давом эттираётган эдим. Фашистлар дастлабки ҳужумини ғарбий ҳудудларимизга қаратган эди. Бизнинг Ғарбий фронт мамлакатимизнинг шу ҳудудида жойлашган бўлиб, мен 5-полкда пулемёт ўқчи командири эдим. Полкимизга Смоленск шаҳрини ҳимоя қилиш топширилди. Душман куч жиҳатдан устун бўлганлиги учун шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлдик. Чекинаётган бўлсак ҳам фашистларга қарши жангларни давом эттирдик. Полкимиз ҳужум қилиб келаётган душмanning кучлари ва техникаси тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмасди. Душман тўғрисидаги маълумотни олмасдан, жангга кириш жуда катта талофот келтириши муқаррар. Шунинг учун кучларнинг бирида мен бир немис тутиб келдим, у бизникилардан «тил» олиб кетиш учун келиб, қўлимга тушиб қолган эди. Мен олиб келган немис солдатидан штабимизга керакли бўлган жуда кўп маълумотлар олинди. Шундан сўнг мени 907-артилерия полкига ўқчи-взвод командирлигига тайинлашди.

Жангларнинг бирида оғир яраланиб, госпиталга тушдим. Даволаниб яна сафга қайтдим. Мен даволанаётган вақтда полкимиз Сталинград шаҳрини ҳимоя қилиш учун кўчирилган экан. 1942 йил давомида полкимиз Сталинград шаҳри учун қонли жангларда қатнашди, мен ҳам взводим билан шаҳарнинг ҳар бир кўча ва ҳар бир уйи учун босқинчиларга қарши ҳаёт-мамот жангларида иштирок этдим. Ушбу жанглардаги жасоратларим учун қўмондонлигининг бир неча бор ташаккурномасини олишга муяссар бўлдим.

Днепр дарёсидан ўтиш бизларга қимматга тушди. Командиримиз Бастернинг топшириғи билан биз уч киши разведкага бордик. Бизлар немисларни танклари ва тўпларини қаерда жойлашганлиги ва уларни сони қанчалигини билиб келишимиз керак эди. Дарёга яқин бориб сайёзроқ жойидан душман томонга ўтдик. Ҳаммаёқ қоп-қоронғу, жимжитлик эди. Сездирмасдан немислар штаби томон йўл олдик. Штабда командирлари мажлис қилаётган экан. Биз фурсатдан фойдаланиб немис штабига бостириб кирдик. Буни кутмаган фашистлар шошиб қолишди. Дарров немис командирини асир олиб, тезроқ қочиш ниятида 2 та отини ҳам олиб, изимизга қайтдик. Бу орада штабда тревога бўлиб, душман биз томонга ўқ ёғдира бошлади. Шундай бўлишига қарамай, асирни судраб, ҳаракатимизни давом эттирдик. Мен билан бирга борган Петров ҳалок бўлди, Минадерев мени асир билан олдинга ўтказиб, ўзи душманни тўхтатиб туришини айтди. Мен вазият оғир эканлиги, полкимиз биз олиб бормоқчи бўлган маълумотларни кутиб турганлиги учун иложсиз дўстимни қолдириб, асирни ўзимизникилар томонга судрадим. Орқамга қараганимда, Минадеревни жон бераётиб қўли билан ўзимизникилар томонни кўрсатганлиги ҳамон кўз ўнгимда. Мен асирни ўзимизникилар олдига олиб келдим. Шу хизматим учун мени 1943 йилнинг декабрида «Жасорати учун» медали билан мукофотлашди.

1944 йил бошларида Шимолий Кавказда Терек дарёси бўйлаб қаттиқ жанглар бошланди. Душман танклар билан биз томонга бостириб келарди. Мен оғир замбараклар билан тез ҳаракат қилиб, душман кириб келаётган йўлга қараб бордим. Душман танклари яқинлашганда уларга қарата ўт очдик. Иккита немис танкини портлатдим.

1944 йил 29 июнда Федченко шахрини озод қилиш учун жангларда иштирок этдим. Ушбу жангда кўрсатган жасоратларим учун қўмондоликнинг раҳматномасини олдим. Ленинград, Севастополь, Харьков шаҳарларини озод қилишда қатнашдим. Дўстим Ташабоев билан урушнинг охиригача елкама-алка жанг қилиб бирга бўлдик. Биз ғалабани Берлин остоналарида кутиб олдик. Ғалабадан кейин она қишлоғимга кўксим тўла медаллар билан қайтиб келдим. Яна сеvimли касбим — ўқитувчиликни давом эттирдим. 1994 йилгача ўқитувчилик қилдим. Ҳозирги кунда фарзандларим ва сеvimли невараларим бағрида қарилик гаштини сурмоқдаман.

ТОҲИР СИРОЖОВ. 1910 йилда Бухоро вилояти Жондор туманидаги Нарзи Ражабов номли жамоа хўжалигининг Дукки қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1938 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

Мен Дукки қишлоғида туғилиб шу қишлоқда ўқиб, вояга етдим. Ўқишни тугатганимдан сўнг, шу жамоа хўжалигида хосилот бўлиб ишладим. 1938 йилда Жондор тумани ҳарбий комиссариати томонидан армияга чақирилдим. Молдавиянинг Кишенев шаҳрида хизматни бошлаб, шу ерда ҳарбий санъат сирларини ўргандим. Кейинроқ бизларнинг қисмларимиз Украинанинг Львов шаҳрига келтирилиб, уруш бошлангани билан Ватан учун биринчилардан бўлиб жангга кирдик. 1941 йил охирида мен Ленинград қамалига тушиб қолдим. 1942 йил февралда устимиздан душман самалётлари бирикки марта айланиб, устимизга аллақандай яшикларни ташлади. Яшикларни очиб қарасак, яҳудийларнинг ўлиги экан. Яшиклар устига «Руслар бу сенларнинг гўштинг» деб ёзиб қўйилган эди. Бу воқеадан кейин душманга бўлган нафратимиз минг карра ошди.

Ленинград ҳавода ҳам, қуруқликдан ҳам тўсиб қўйилган, шаҳарга фақатгина музлаб қолган Ладога қўли орқалигина ёрдам бериш мумкин эди, холос. Шаҳарда озиқ-овқат, ёқилғи етишмаслиги туфайли, очлик бутун шаҳарни қамраб олди. Солдатларни озиқ-овқат, кийим-кечаклар билан таъминлаш жуда мушкул эди. Ҳатто, жанчиларга ҳам уч кунда 1-дона нон берилар эди. Ленинград қамалида бизларнинг дивизияга генерал

Курганов раҳбарлик қиларди. У ўта моҳир саркарда эканлигини намойиш қилиб, аскарларни ҳар доим руҳини кўтара билар эди.

Душман шаҳарни тўхтовсиз ўққа тутиб, ҳаводан бомбардимон қилиб турган кунларнинг бирида, дивизиямиз қўмондони генерал Курганов ҳалок бўлди. Қўмондонимизнинг ҳалок бўлиши қўшинларимизга қаттиқ таъсир қилди. Бизлар ҳар биримиз қўмондонимиз учун газандалардан ўч олишга онт ичдик.

Ленинград мудрофаасида менинг икки акам: Йўлдош ва Ҳасан ҳам иштирок этиб қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Бу эса мени душманга бўлган нафратимни янада оширди. Ниҳоят 1943 йил охирида қўшинларимиз қамални ёриб чиқди. Қамалдан кейин, мен жанг қилаётган полк 20 кун дам олиб яна жангни давом эттирди. Ленинград мудрофаасида фаол иштирок этиб, катта хизматларим учун мени «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлашди. 1942-43 йилларида оғир талофат кўрган немис-фашист босқинчилари 1943 йилнинг ёзида Курск-Орёл йўналишида ялпи ҳужумга ўтди. Бу даврда мен Курск-Орёл йўналишида хизмат қилаётган эдим. 1943 йил 12 июлда Проховка қишлоғидаги танклар жангини ўз кўзим билан кўрдим. Шундан кейин қўшинларимиз душманнинг кучли стратегик таянчи бўлган Орёл-Курск-Белград-Харьков плацдармаларига қарши ҳужумга ўтди. Қизил Армия 5 августда Орёлни, 23 августда Харьковни ишғол қилдилар. Орёл, Курск шаҳарларини душмандан озод қилишда фаол қатнашдим.

Мен хизмат қилаётган Кутузов номидаги 93-артиллерия полки қаршисида немисларнинг 2-дивизияси турарди. Немислар билан ҳар бир қарич ер учун жанг олиб бордик ва душманни қуршаб олиб, янчиб ташладик.

Мен яна Венгрия пойтахти Будапештни озод қилишда, Берлинни штурм қилишда ҳам иштирок этдим ва шу жанглардаги иштироким учун бир қанча орден ва медаллар билан тақдирландим. Немис-фашист босқинчилари бутунлай мағлубиятга учрагандан сўнг, кўплар қатори милитаристик Японияни тор-мор этиш тадбирларида ҳам иштирок этдим. 1-Узоқ Шарқ fronti таркибида 1945 йил 2 сентябрда ушбу жангни ғалаба билан тугатиб, декабр ойида ўз она-қишлоғимга қайтиб келдим. Бир неча йиллар жамоа хўжалиги бош ҳисилоти лавозимда ҳалол хизмат қилдим.

Фашизмга қарши урушдаги иштироким учун 1994 йил май ойида мени Мустақил республикамизнинг «Жасорат» медали билан мукофотлашди. Ҳозирги вақтда фахрий нафақахўрман.

РАШИД ШАРИПОВ. 1917 йилда Гиждувон туманидаги Абдуҳолиқ Гиждувоний номли жамоа хўжалигининг «Буёсин» қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1941—1945 йилларида фронт орқасида ҳалол меҳнат қилган.

Мактабни тугатганимдан кейин, жамоа хўжалиги йўлланмаси билан Самарқанддаги раҳбар кадрлар тайёрлаш курсига ўқишга юборилдим ва уни 1940 йилда муваффақиятли тамомлаб, жонажон қишлоғимга қайтиб келдим. Жамоа хўжалигининг иқтисодий ва маданий ҳаётини ривожлантириш, илғор хўжаликлар сафига қўшишни ўз олдимга мақсад қилиб, билим масканида олган назарий билимларимни амалда қўллашга киришдим. 1940 йил охирида мени Гавшун қишлоқ шўросининг котиби қилиб сайлашди. Мен ўз ишимга жуда катта масъулият билан қараб, бутун кучим, қобилиятим ва имкониятимни ишга солиб, фидокорона меҳнат қилдим. Ўз олдимга асосий вазифа қилиб, ёшларни кўпроқ жамоа хўжалиги ишларига, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, хотин-қизларнинг меҳнат қилиши учун етарли шароитлар яратиб бериш орқали пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишни мўлжалладим ва бунга қисман эришдим.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси мамлакатимиз заминига хиёнаткорона бостириб кирди. Урушнинг биринчи кунидеё СССР Олий Совети Президиуми ҳарбий мажбуриятни ўташи лозим бўлган кишиларни фронтга сафарбар қилинишини эълон қилди ва сафарбар қилинганларнинг оиласига нафақа тўлаш ҳақида фармон чиқарди. Уруш ва унга доир фармонларни бажариш ишлари шўро кенгаши котиби сифатида менинг зиммамга юклатилган эди. Мамлакатдаги барча ишга яроқли эркеклар фронтга отландилар. Мен ҳам кўнгилли бўлиб фронтга кетишга қарор қилиб, туман комиссариютига, қишлоқ шўросининг раисига бир неча марта мурожаат қилдим, аммо фронт орқасини мус-

тахкамлаш зарурати ҳам муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, менинг ўрним шу ерда эканлигини айтишди. Мамлакатнинг барча халқи қатори Ғиждувон туманидаги Говшун қишлоқ шўроси ҳудудидаги кишилар ғалабани таъминлашда жуда катта ёрдам бердилар. Урушнинг биринчи кунларидаёқ, душманга қарши халқни курашга отлантириш борасида ташвиқотчилик ишини ҳам кучайтириб юбордик.

1941 йил 24 июн куни қишлоқ шўросида катта митинг бўлиб ўтди. Митингда ҳамма куч-қудратни душманга қарши курашга сафарбар этиш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ шўросида бир неча бор иссиқ кийим йиғиш ҳаракатига раҳбарлик қилдим. 1941 йил кузида 300 дона пиджак, 131 дона шим, 11 та эркаклар кўйлаги ва бошқа 51 номдаги нарсаларни фронт эҳтиёжлари учун юбордим. 1941 йил охирида етим болаларни қабул қилиб олишда ҳам Говшун қишлоқ шўроси, халқимиз катта жонбозлик кўрсатди. 1941 йилнинг охирида кўчириб келтирилган болалардан 17 таси қишлоқ шўросида қабул қилиниб, бола олувчиларга берилди.

Фронтга керакли маҳсулотни етказиб бериш, хотин-қизлар ва болалар зиммасига юклатилган эди. Мен урушга кетганлар хонадонига кириб, улардан хабар олиб турардим. Урушнинг биринчи йили мамлакат учун, жумладан Ғиждувон халқи учун ҳам катта қийинчилик йили бўлди. Ўзбекистондаги барча меҳнаткашлар қатори, қишлоқдошларим ҳам бу қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтдилар. Қишлоқ аҳолиси ўртасида очлик, юқумли касалликлар тарқалган бир вақтда хотин-қизлар ҳам бу машаққатларга ўзларининг метин иродаларини қарши қўя олдилар. Ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан жангоҳларда жон олиб жон бераётган жангчиларимизни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашга муносиб ҳисса қўша олдилар. Эрта тонгдан то оқшомгача меҳнаткашлар олдида бўлиб фронт янгиликларини, ҳукумат қарорларини халққа тушунтирар эдим. 1942 йил ўрталарида Ленинград халқи учун озиқ-овқат йиғиш ҳаракати бошлангач, туманда биринчи бўлиб мен раҳбарлик қилаётган шўро кенгаши ҳудудидаги халқ иссиқ кийимлар ва турли хилдаги озиқ-овқатларни йиғишга киришишди ва 157 кг. туршак, 30 кг. майизни алоҳида яшикларга солиб, фронтга юбордилар. 1943 йил бошида мени «Қизил Ўзбекистон» ҳозирги Абдухолиқ Ғиждувоний жамоа хўжалигига раис қилиб сайлашди. Раислик менинг масъулиятимни

яна ҳам оширди. Жамоа хўжалиги ҳаётининг барча қирраларини бекаму-кўст ривожлантиришга ҳаракат қилиш билан биргаликда, хўжалик меҳнаткашларини озиқ-овқат билан таъминлаш, фронтга кетганлар оиласига кўмак бериш, фронтдан «қора хат» олганлар оилаларига раҳнамолик қилиш каби жуда масъулиятли вазифаларни бажариш ҳам менинг зиммамга юкланди. Бу вазифаларни ҳалол бажаришга ҳаракат қилдим «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги фронт учун ҳар йили 10 тоннагача гўшт, 8 тоннагача жун, 6 минг дона қорақўл тери, бундан ташқари буғдой, оқ жўхори, тухум, тарик, қуритилган ўрик, майиз ва бошқа маҳсулотларни узлуксиз жўнатиб турди. Шу тариқа «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

«Қизил Ўзбекистон» номли жамоа хўжалигида 1994 йилгача раис бўлиб ишладим.

Камтарона меҳнатим ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1957 йил 11 январда «Ленин ордени», 1965 йил 1 майда «Қизил Байроқ ордени», 1970 йилда «Шавкатли меҳнати учун» медали, 1975 йилда «Узоқ йил шавкатли меҳнати учун» медали, шунингдек, «Улуғ Ватан уруши йилларидаги шавкатли меҳнати учун» медали ва 1994 йил 6 майда «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Ҳозирги кунда Ғиждувон туманидаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли жамоа хўжалигида кексалик гаштини сурмоқдаман.

ЖУМА УРИНОВ. 1908 йилда Ғиждувон туманидаги «Пахтаобод» жамоа хўжалигида, деҳқон оиласида туғилган. Миллати ўзбек, Уруш йилларида фронт орқасини мустаҳкамлашда фаол иштирок этган.

Тоғам Худойберди билан отамдан қолган ерларда деҳқончилик қилиб ҳаёт кечирардик. Ниҳоят жамоа хўжаликлари тузила бошлагач, мен ва тоғам бир жуфт хўкиз ва ерларимиз билан жамоа хўжалигига кириб меҳнат қилдик. Орадан кўп ўтмай, мени бригадир қилиб сайлашди. 1940 йилга келиб бизнинг бригада хўжаликнинг илғор бригадалардан бирига айланди. Немис-фашист босқинчилари мамлакатимизга хиёнат-корона бостириб киргач, бутун мамлакат ягона ҳарбий

лагерга айланди. Фашизмга қарши кураш фақат фронтларда эмас, балки фронт орқасида ҳам бошланди. Давлат Мудофаа Қўмитаси фронт орқасини мустаҳкамлаш учун илғор раислар, бригада бошлиқларини иш жойларида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан мени фронт орқасини мустаҳкамлаш учун қолдиришди. Бу даврда барча ишлар хотин-қизлар, қариялар, ёш болалар, жумладан раҳбар сифатида бригадирлар зиммасига юклатилган эди. Урушнинг дастлабки ойларидан 75 гектар ерга меҳнат қилиб, пахтадан юқори ҳосил олиш билан душманга зарба беришни мўлжалладик. Шароитнинг оғир бўлишига қарамасдан бригада 1941 йилда ўз олдига қўйилган дон ва пахта етиштириш режаларини ошиғи билан бажарди. Аксига олиб, ўша йили қиш қаттиқ келди. Иссиқ кийим билан тўла таъминланмаган армиямизга бу ёмон таъсир кўрсата бошлади. Жангчиларимизни қисқа вақт ичида иссиқ кийим билан таъминлаш каби қийин вазифа фронт орти меҳнаткашлари гарданига юклатилди. Меҳнаткашлар ўзларида бўлган янгироқ нарсаларини фронтга юбора бошладилар. Ўша вақтда нафақат фронтда, балки фронт ортида ҳам аҳвол ниҳоятда оғир эди. Ишга яроқли барча эркаклар фронтга кетган, даладаги барча оғир ишлар асосан хотин-қизлар зиммасига юкланган бўлиб, бизнинг олдимизда ўзимизни ва фронтдаги жангчиларни озиқ-овқат билан таъминлашдек оғир вазифа турар эди. Бу эса ҳар бир кишидан меҳнатсеварликни, матонатни талаб қиларди. Халқ ўзини оч-наҳор қолсада, ёз давомида қишга деб тўплаган нарсаларини, озиқ-овқатларини, кийим-кечакларини жангчиларимизга — фронтга юборарди. Одамлар озиқ-овқатнинг етишмаслиги туфайли турли хил ўт-ўланларни ея бошлади, бунинг натижасида кўплаб кишилар касалликка учраб, ўла бошлади. Шундай бўлишига қарамай, қишлоғимиз халқи озгина орттирган нарсасини ҳам фронт эҳтиёжлари учун сарфлашга тайёр эди. 1942—1943 йилларда бригада давлатга ғалла, пилла топшириш режасини ортиғи билан бажарди. 1942 йилда 31 тонна ғалла 2700 кг. пилла топширган бўлса, 1943 йилда бу кўрсаткич янада ошди.

Фронтга кетганларнинг оиласига ёрдам бериш, уларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш, зарур юмушларига кўмаклашиш ҳам бригадирлар зиммасига юкланган эди. Арзимаган шу хизматларим туфайли, қишлоқдошларим билан уруш йилларида ғалабани таъминлашга

муносиб ҳисса қўша олдим, деб ўйлайман. Уруш тугагандан кейин ҳам 1975 йилгача жамоа хўжалигида меҳнат қилдим. Фашизмга қарши уруш йилларидаги фидокорона меҳнатим, учун ҳукуматнинг бир қатор медаллари билан тақдирландим.

Ҳозирги кунда Ғиждувон туманидаги «Пахтаобод» жамоа хўжалигида 9 фарзандим ва ўнлаб невараларим кучоғида соғ-саломат қарилик гаштини суриб юрибман.

М. Н. РАҲМАТОВ. 1912 йилда Бухоро шаҳрида, ҳунарманд оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Профессор. Уруш йилларида фронт орқасини мустаҳкамлашда фаол иштирок этган.

Уруш бошланган даврда мен педагогика институти-нинг физика кафедрасида ўқитувчилик қилар эдим. 1942 йил май ойидан бошлаб Бухоро вилоят маориф бўлимининг мудир вазифасида фаолият кўрсата бошладим. Уруш туфайли ҳамма нарса душман устидан ғалаба қозонишга қаратилган эди. Мактаблардаги ўқитувчилар, болалар уйлари-нинг тарбиячилари Ватан мудофаасига отланиб, фронтга жўнадилар. Бунинг натижасида мактабларда ўқитиш ишлари анча пасайиб кетди. Вилоят кенгаши ўрта мактаблар ишини яхшилаш ва ўқитиш ишларини кучайтириш тадбирларини ишлаб чиқиб, ўрта маълумотли олиш учун ҳамма шарон-тларни яхшилашга киришди. Ташкил қилинган иш-чи-ёшлар мактабларида 500 дан ортиқ ёшлар жалб қилинди.

1942—45 йилларда вилоят маорифи олдидagi энг муҳим ишлардан бири — мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, уларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш эди. Бу вазифани ҳал қилиш учун мактабларнинг ер участкаларида турли хил сабзавотлар, буғдой ва жўхори экилиб, жамоа ва давлат хўжаликлари-нинг ва ишлаб чиқариш муассасаларининг ёрдами билан ўқувчиларнинг мўътадил ўқишларини ташкил қилиш, ўқитувчиларнинг ҳам яшаш шароитини яхшилашни таъмин этиш зарур эди.

Вилоят ўқувчилари рангли гуллардан 2 минг литр ранг, қамишдан 50 минг донадан ортиқ ручка, газета варақларидан 25 минг дафтар тайёрлаб ўзларини-ўзлари ўқув қуроллари билан таъмин этдилар. Копимех

тумани ўқувчилари ўқитувчилари раҳбарлигида лой-дан 300 га яқин парта тайёрлаб туман мактабларига тарқатдилар. Вилоят зиёлиларининг ватанпарварлик ҳаракати туфайли кўчириб келтирилган 40 га яқин ота-онасиз болаларни ўз тарбияларига олдилар.

Вилоят маориф бўлим мудирининг сифатида менинг биринчи вазифам кўчаларда ота-онасиз қолган болаларни йиғиш, уларни ота-оналарига, болалар уйларига топширишдан иборат эди. Шу уруш йилларида 1710 нафар болани кўчалардан йиғиб, 808 тасини бола оловчи оналарга, қолганларини болалар уйларига жойлаштирдим.

Уруш бораётган кунларнинг бирида шаҳар маориф бўлими мудирининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими Урмонова билан биргаликда Ёнжудувон шаҳридаги Тельман номидаги ўрта мактаб директори Маляк Ниёзов хонасига кириб борганимизда, у бизларни очиқ юз билан қабул қилди.

— Уртоқ Раҳматов, — деди у менга қараб, — мен энди райкомга чиқиб, сизга қўнғироқ қилиб, маслаҳат олмоқчи эдим, яхшиямки ўзингиз маорифимиз мудираси билан келдингиз. Кеча 3-синф ўқувчиси менинг ёнимга келиб, 3 сўму 40 тийинни қўйди-ю, «бу пулни мен китоб олиш учун йиққан эдим. Илтимос, шу пулга самолёт ярасинлар. Менинг отам фронтда учувчи. Бир хатларида жанг қуролини етишмайди деб, ёзибдилар. Шунинг учун бу пулни келтирдим. Отамга самолёт ярасинлар», деди. Сал вақт ўтмай 15 — 20 бола ҳам қўлларида пул билан киришди.

Ниёзов пул топширган болаларни рўйхатини кўрсатиб, уч кунда минг сўмдан ошиб кетганлигини билдирди.

Бу воқеа тез орада вилоят мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига маълум бўлиб, ҳаммаси бўлиб 225 минг сўм тўпланди. Пулларни почта орқали иттифоқ мудофаа фондига юбордик, Сталинга шу ҳақда телеграмма юбордик ва Сталиндан миннатдорчилик билдирилган жавоб телеграммасини олдик.

Уруш кетаётганлиги, шаронт оғир бўлганлигига қарамасдан ўзбек халқи юртига келган меҳмонни эҳтиром билан кутиб олишни унутган эмасди.

1943 йилнинг охириги ойларидан бирида Англиялик меҳмонларини қабул қилиб олиш топширилди ва мени вақтинча шаҳар ҳокими лавозимига тайинлашди. Мен меҳмонларни Бухоронинг ўтмиш ёдгорликлари билан

бирга уруш давридаги ҳаёти билан ҳам таништириш режаларини тузиб, тайёргарликка киришдим.

Кўп ўтмай Ўзбекистон Олий Кенгашининг масъул котиби, Республика Маориф вазири Абдулло Муродхўжаев бошчилигида 12 кишидан иборат англиялик меҳмонлар шахримизга махсус поезд билан келишди. Меҳмонларни дастлаб вилоят қироатхонаси билан таништирдик. Бу қироатхона Минораи Калон ёнидаги мадрасалардан бирида жойлашган эди. Мадраса пештоқида Абу Али ибн Сино расми илдирилган эди. Меҳмонлар раҳбари Уольт расмни кўриб қадамини тезлатди. Расмга диққат билан тикилиб «Нега Авицена расми бу ерда қўйилган, бу киши Англия олимпи-ку», деганда қироатхона мудири Ҳамрошоев: «Йўқ, кечирасиз бу олим Бухорои Шариф фарзанди», деб Ибн Сино тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Делегация аъзолари мактаблар билан танишдилар ва Ситораи Моҳи Хосада дам олиб, кечки овқатдан кейин махсус поезд билан Москвага кетдилар.

1945 йил қўшинларимиз ғалабани қўлга киритганларидан кейин мен тинч шароитда ўзимнинг илмий-ижодий фаолиятимни давом эттирдим. 1941—45 йиллардаги меҳнатларим учун бир неча орден ва медаллар билан мукофотандим. Ҳозирги кунда илмий-педагогик фаолиятимни давом эттирмоқдаман.

АСАД ОРТИҚОВ. 1913 йилда Бухоро вилояти Ромитан туманидаги «Еш куч» жамоа хўжалигининг Раҳимобод қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. Фашизмга қарши уруш йилларида фронт орақасини мустаҳкамлашда фаол қатнашган.

Дастлаб эски мактабда ўқиб, кейинчалик шўро мактабида етти йиллик маълумотга эга бўлдим. 1931 йилдан бошлаб жамоа хўжалигига ишлай бошладим. Янги ташкил қилинган хўжаликда аҳвол жуда оғир бўлиб, экинлар ва юкларни ташиш қўш ҳўкизлар ёрдамида амалга оширилар эди. 1937 йилгача оддий деҳқон, 1937 йилдан кейин табелчи бўлиб ишлай бошладим. 1938 йилда мени шу колхозда бригадирлик вазифасига тайинлашди. 1939 йил «Еш куч» жамоа хўжалигида Ўзбекистон Марказий ижроя қўмитасининг раиси Йўлдош

Охунбобоев келди ва жамоа хўжалигида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Шу даврда одамларга дон маҳсулотлари етишмас, бир килограмм доннинг баҳоси 100 сўм бўлиб, одамларнинг қўлида эса пулнинг ўзи йўқ эди. Чунки жамоа хўжалиги раиси ва раҳбарлари деҳқончилик ишларини яхши ташкил қила олмаганлиги сабабли, халқнинг даромади паст бўлди.

1939 йил 19 августда мени жамоа хўжалигига раис қилиб сайлашди. 1940 йилда Фарғона канали умумхалқ ҳашарига «Ёш куч» жамоа хўжалигидан 40 нафар киши билан кетдик ва у ерда белгиланган ишни ўз вақтида уддалаб, Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Абдураҳмоновларнинг раҳматномасига сазовор бўлдик.

Шу канални қазиб тугатдик. Орадан бир неча ой ўтгандан сўнг, уруш бошланди. Худди шу даврда жамоа хўжалигида гектаридан 4 центнер пахта олинар эди. 1941 йилнинг июл ойида жамоа хўжалигининг ҳамма кучга тўлган йигитлари фронтга жўнади. Уша ойда Тошкентда пахтакорларнинг қурултойи чақирилиб, унда Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоевлар иштирок этди ва қурултой иштирокчилари мурожаат қабул қилдилар: «Фронт орқасида туриб қанчалик кўп меҳнат қилсак, қанчалик кўп маҳсулот етиштириб фронтга узатсак, шу бизнинг ғалабага қўшган ҳиссамиз ҳисобланади», дедилар. Бу қурултойда мен ҳам иштирок этган эдим.

Уруш йилларида ва урушдан кейинги йилларидаги меҳнатларим учун бир қатор орден ва медаллар билан тақдирландим. 1944 йилда Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг фармони билан Ўзбекистон Республикаси «Фахрий ёрлиғи» билан, 1946 йилда «Улуғ Ватан уруши йилларида меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлиги учун» медали билан, 1950 йилда «Меҳнат Қизил байроқ» ордени билан мукофотландим. Ҳозирги кунда фахрий нафақахўрман.

МҲНДАРИЖА

Тинчликка даъват (Сўзбоши ўрнида)	3
Фашизм устидан эришилган ғалабада Бухоронинг ҳиссаси	5
Бухоролик қаҳрамонлар	41
Ҳужжатлар тилга кирганда	68
Хотиралар жонланганда	93

Очял Снрохов

Бухоро фидойилари

(Фашизмга қарши уруш йилларида Бухоро)

Муҳаррир Илҳом Зойиров .
Мусаввир А. Кива
Тех. муҳаррир Т. Смирнова
Мусаҳҳиҳ З. Маннопова

ИБ №

Териншга берилди 10.05.95. Босишга рухсат этилди. Бичими 84×103¹/₃₂.
1-босма қоғози. Юқори босма 5,88 шартли босма тобоғи нашр тобоғи
Жами 3000 нусха. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 107.

«Бухоро» нашриёти.

ДИЛШОД ҚИЛИЧНИНГ «Турондот» корхонаси. 700129, Тошкент. Навоий
кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-жур-
нал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси,
1-уй.